

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

Н. Турниёзов, К. Турниёзова

# ФУНКЦИОНАЛ СИНТАКСИСГА КИРИШ

Тошкент  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
«Фан» нашриёти – 2003

Турниёзов Н., Турниёзова К. Функционал синтаксисга кириш. Тошкент: «Фан», 2003, 114 б.

Мазкур монографияда функционал синтаксиснинг бугунги тилшунослик фанида долзарб бўлган масалалари ва унинг текширув объекти нимадан иборат бўлиши кераклиги ҳақида фикр юритилади.

Ишда асосий эътибор тил унсурларининг нутққа кўчирилиши ва бу жараёнда функционал салмоқ олишига қаратилган бўлиб, у филолог талабалар, магистрантлар, аспирантлар ҳамда тил илми билан қизиқувчи кишиларга мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир:**

филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби А. Абдуазизов.

**Такризчилар:**

филология фанлари доктори, проф. Т. Бушуй,  
филология фанлари номзоди Х. Хайруллаев.

4602000000 – з – 684

Ф ————— Рез. 2003

м 355 (04) -2003

ISBN 5 – 648 – 02910 – 1

© ЎзРФА «Фан» нашриёти, 2003 йил.

# МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	<b>4</b>
<b>СЎЗНИНГ МАЪНОСИ ВА ФУНКЦИЯСИ</b> .....	<b>7</b>
<b>ГАП УНСУРЛАРИНИНГ ФОРМАЛ-СИНТАКТИК ФУНКЦИЯЛАРИ</b> .....	<b>16</b>
1-§. СОДДА ГАП УНСУРЛАРИНИНГ СИНТАКТИК МУНОСАБАТЛАРИ .....	32
2-§. ТИЛНИНГ МАВҲУМ ИФОДАДАГИ БЕЛГИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛЛАШУВИ .....	35
3-§. ТИЛ УНСУРЛАРИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ФАОЛЛИГИ .....	42
4-§. ГАПНИНГ БЕВОСИТА ИШТИРОКЧИ УНСУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ СИНТАГМАТИК МУНОСАБАТЛАРИ .....	46
<b>ГАП СТРУКТУРАСИ БЕВОСИТА ИШТИРОКЧИ УНСУРЛАРИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ТАҲЛИЛИ</b> .....	<b>52</b>
1-§. ГАП УНСУРЛАРИНИНГ МОНО- ВА ПОЛИФУНКЦИОНАЛЛИГИ .....	52
2- §. МУХТОР МОНЕМАЛАР ВА УЛАРНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ .....	58
3-§. ФУНКЦИОНАЛ ВА ҚАРАМ МОНЕМАЛАР .....	67
<b>ҚЎШМА ГАП УНСУРЛАРИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ТАҲЛИЛИ</b> .....	<b>89</b>
1-§. БОҒЛАНГАН ҚЎШМА ГАП УНСУРЛАРИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ТАҲЛИЛИ .....	90
2-§. ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП УНСУРЛАРИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ТАҲЛИЛИ .....	98
<b>ХУЛОСА</b> .....	<b>104</b>
<b>Фойдаланилган илмий адабиётлар рўйхати</b> .....	<b>106</b>
<b>Бадиий адабиётлар рўйхати</b> .....	<b>110</b>

## КИРИШ

Бошқа фанлар сингари тилшунослик фани ҳам ҳар доим тараққиётда ва узлуксиз ривожланишдадир. Шу боис жаҳон тилшунослигида XX асрда трансформацион грамматика, дескриптив грамматика, генератив грамматика, структурал синтаксис, деривацион синтаксис, экспрессив синтаксис, математик тилшунослик, нейролингвистика каби қатор соҳалар ва тушунчалар пайдо бўлдики, уларнинг баъзилари ўзбек тилшунослигида ўз ифодасини топган бўлса, айримлари ҳали изоҳталабдир.

Шуни эътироф этиш лозимки, бу соҳада жаҳон тилшунослигида анча катта ишлар қилинди ва улар ўз самарасини бермоқда. Масалан, дескриптив ва трансформацион грамматикалар эришган ютуқлар ўқиш жараёнида кенг қўлланилаётган бўлса, математик лингвистика самараларидан нафақат ўқиш жараёнида, балки ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, компьютерлаштиришда ҳам муваффақиятли фойдаланилмоқда. Семантик синтаксис, деривацион синтаксис ва ҳ. к. лар эришган натижалар эса тилшунослик фанининг сўнгги ютуқларидан саналади. Буларнинг барчаси, албатта, замон талаби ва ҳозирги фан-техника тараққиёти билан узвий боғлиқдир.

Сир эмас, албатта, ўзбек тилшунослиги тараққиётига рус тилшунослигининг таъсири катта бўлди. Бу, айниқса, XX асрнинг иккинчи яримида кўпроқ кўзга ташланади. Тилшуносларимизнинг кўплари ўзбек ва рус тилшуносликлари ўртасида мавжуд бўлган бу муносабатни салбий баҳоламоқдалар, зотан, олимларимизнинг баъзилари ўзбек тили ҳодисаларини рус тили учун хос бўлган ҳодисалар қолипида ўргана бошладилар. Бу олий ва ўрта мактаблар дарсликларида ҳам акс эта бошлади ва натижада айрим сохта хулосаларга эришилди.

Бизнингча, рус тилшунослигида эришилган ютуқлардан оқилона фойдаланмай, хусусан, рус тили андозаларидан кўр-кўрона фойдаланганимиз тилшунослигимиз тараққиётига салбий таъсир этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жаҳон тилшунослигида эришилган ютуқлар барчамизники. Бу ютуқлардан самарали фойдалана билмоғимиз керак. Айниқса, ўз мустақиллигига эришган

Республикамиз тилшунослиги уларга айни пайтда эҳтиёж сезмоқда. Биз – ўзбек тилшунослари тилимизнинг ўз ички қонун – қоидалари асосида вужудга келган барча лингвистик ҳодисаларни жаҳон тилшунослигида эришилган сўнги ютуқларга таянган ҳолда талқин этишимиз даркор.

Умумий тилшунослик фанининг кейинги йилларда эътибори қаратилган муаммолардан бири функционал синтаксис ва унинг текширув объектидир. Мазкур муаммо талқинига Прага тилшунослик мактаби вакиллари асос солдилар (профессорлар В. Матезиус ва А. Мартине). Бу соҳада, айниқса, А. Мартине эришган илмий ютуқлар алоҳида таҳсинга сазовордир.

Айтиш керакки, «функция» термини тилшуносликда турлича тушунилади, зеро, тил унсурларининг грамматик, семантик, формал – синтактик функциялари мавжудки, уларнинг ҳар бири алоҳида монографик тадқиқотларга асос бўла олади. Масалан, анъанавий тилшуносликда ҳозиргача тил унсурларининг грамматик /синтактик/ функциялари тарзида, гарчи мантиқий ва семантик қоидаларга асосланган бўлса-да, гапнинг бош ва иккинчи даражали бўлақлари ўрганилиб келинди ва бу мавзуда қатор монографик тадқиқотлар қилинди.

Тил унсурларининг семантик функциялари ҳам, шубҳасиз, мантиқий ғояларга таянади. Бунга пропозиция, пресуппозиция, предикат, субъект, аргумент ва ҳ. к. каби тушунчалар талқини бош мезон саналади.

Кўринадики, юқорида эслатиб ўтилган ҳар икки йўналишда ҳам тил ҳодисалари талқини мантиқий тушунчалар доирасида ўрганилади, уларда соф лингвистик тушунчалар ҳукмрон эмас. Албатта, семантик синтаксиснинг йўриғи бошқа. Чунки семантика ва мантиқий айри тушуниш қийин. Бироқ тил унсурларининг анъанавий тилшуносликда ўрганилаётган функциялари, масалан, эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол кабиларнинг соф лингвистик тушунчалар эмаслиги сўнги пайтларда кўпгина тилшуносларни қониқтирмаяпти. Шу боис тилшунослар бу соҳада тинимсиз изланмоқдалар ва бирмунча ютуқларни қўлга киритдилар. Бунга француз тилшуноси, Прага тилшунослик мактабининг нуфузли вакилларида бири А. Мартине томонидан илмий асос-

ланган функционал таҳлил назариясини мисол келтириш мумкин.

А. Мартиненнинг функционал таҳлилида мантиқий тушунчаларга эмас, балки соф лингвистик тушунчаларга асосланилади ва тил унсурларининг функциялари уларнинг тилдан нутққа кўчирилиши муаммоси билан боғлаб ўрганилади. Айнан ана шулар А. Мартинеге жаҳон тилшунослиги доирасида жуда катта обрў келтирди.

Маълумки, бу соҳада ўзбек тилшунослигида ҳам А. Мартинен ортидан озми-кўпми ишлар қилинди. Улар жумласига мазкур монография муаллифларининг бир неча илмий ишларини келтириш мумкин. Ушбу монографияда эса муаллифларнинг асосий эътибори тил унсурларининг формал – синтактик функцияларини ўрганишга қаратилган бўлиб, бунда фактик тил материаллари таҳлили «тил ва нутқ» дихотомиясига асосланади.

# СЎЗНИНГ МАЪНОСИ ВА ФУНКЦИЯСИ

Сўз ўз табиатига кўра тилнинг ва бир пайтнинг ўзида нутқнинг ҳам жуда мураккаб, серқирра ва сермазмун унсуридир. Шу боис унинг фонетика /фонология/, грамматика, лексикология, стилистика, фразеология сингари тилшунослик фанининг барча бўлимларида ўрганилиши бежиз эмас.

Агар фонетикада сўзнинг товуш таркибини ва у билан боғлиқ бўлган муаммолар, талаффузи меъёри каби масалалар ўрганилса, грамматикада унинг туркумларга бўлиниши, морфологик шакллари, конкрет қўлланилиши билан боғлиқ бўлган синтактик функцияларини, лексикологияда маъно жиҳатларини – маънонинг ўзгариши, кенгайиши, торайиши, кўчирилиши кабиларни, фразеологияда эса кўчма маънода қўлланилиши билан боғлиқ масалаларни ўрганамиз.

Кўринадики, сўзнинг юқорида эслатиб ўтилган тилшунослик фанининг турли соҳаларида ўрганилишининг асосий сабаби унинг мазмунидан келиб чиқади, зеро, бир сўзнинг ўзини турли ҳолатларда турли маъноларда қўллаш мумкин.<sup>1</sup> Бошқача айтганда, сўз тилшунослар учун ечилмаган жумбоқдир.<sup>2</sup>

Сўзда маънонинг ифода этилиши ва у билан боғлиқ бўлган омиллар олим ва мутафаккирларимизни фақатгина бугун эмас, балки қадимдан қизиқтириб келган. Агар машҳур алломалардан бири Жалолиддин Румий: «Сўз – либос. Маъно – унда яширин асрор», – деган бўлса, Мирзо Бедил қаламига мансуб қуйидаги мисралар ҳам фикримизга исбот бўла олади:

Аҳли юз донани бузган битта нодон шум эрур,

Англашилмас мисра гар бир сўз унда мавҳум эрур.

Дарҳақиқат, сўзнинг мазмуни билан боғлиқ муаммолар шу даражада кўпки, баъзи пайтларда биз уларни сўз билан изоҳлашга ожизлик қиламиз. Шу сабабдан ҳам Р. А. Будагов: «Гарчи ўз она тилимиздаги сўзлар бизга аниқ ва равшан туюлса-да, аслида

<sup>1</sup> Қаранг: Рустамов А. Сўз хусусида сўз. - Тошкент, 1987. 23-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Пешковский А. М. Понятие отдельного слова // Сборник статей. - Л., 1925. - С. 122.

улар табиатан ўта мураккаб ва серқиррадир», – деган эди<sup>3</sup>. У яна шунга ҳам таъкидлайдики, сўзлар борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни номлайди, аммо предмет, воқеа-ҳодисалар воқелиқда сўзларга қарам бўлмаган ҳолда мавжуддир. Сўз маъносида шу сўз билан белгиланаётган нарса ва ҳодисаларгина ўз аксини топади. Шунга кўра, сўзнинг маъноси деб шу сўзнинг маълум товуш ва товушлари орқали шаклланиши билан биз идрок этадиган нарса ва ҳодисалар ўртасидаги тарихий боғланишни тушуниш мумкин<sup>4</sup>. Бошқача айтганда, кишининг борлиқни билиши, унинг онда акс этилиши сўз маъносида ўз ифодасини топади.

Ҳар бир сўзнинг маъноси асосида борлиқдаги маълум бир предмет, воқеа ёки ҳодиса ётади. Буни билишда ҳар бир шахс ўзининг кўп йиллик ҳаётий тажрибасига таянади. Машҳур немис файласуфи Л. Фейербах: «Сезиш тажрибаси орқали биз предметни ҳис этсак, идрок этиш орқали унинг номини белгилаймиз», – деганида ҳақли эди<sup>5</sup>.

Сўз табиатининг мураккаблиги яна шунда кўринадики, у тилнинг кўп функцияли категориясига киради. Шунинг учун у ёки бу сўзнинг маъно хусусиятлари тўғрисида гапирар эканмиз, унинг функция нуктаи назаридан ҳам мураккаб характерга эга эканлигини унутмаслигимиз керак. Сўз, фонема ва морфемалардан фарқли ўлароқ, нафақат синтагматик қатор занжирида, балки парадигматик қатор доирасида ҳам ўз маъносига ва семантик вазнига эгадир. Бироқ парадигматик қатор элементлари доирасида унинг маъноси ва функциялари ҳали умумийлик оғушида бўлади.

Сўз парадигматик қатордан синтагматик қаторга ўтгач, шу қаторнинг ички қонун-қоидаларига бўйсунгани ҳолда, янгича мазмун ва функциялар кашф эта бошлайди. Энди у, синтактик алоқалар маскани бўлган маълум бир гапнинг ажралмас таркибий бўлаги сифатида фаолият кўрсатади.

Таъкидлаш лозимки, гап таркибида қўлланилаётган сўз ўзи учун белгиланган семантик вазифани бажарибгина қолмай, ўзи

<sup>3</sup> Будагов Р. А. Введение в науку о языке. – М., 1965. – С. 9.

<sup>4</sup> Қаранг: Будагов Р. А. Кўрсатилган асар, 13-бет.

<sup>5</sup> Л. Фейербах фикри В. Дрошевскийдан олинмоқда. Қаранг: Дрошевский В. Элементы лексикологии и семиотики. – М., 1973. – С. 168. /Таржима бизники/.



тегишли бўлган морфологик категория тасарруфидан чиқиб, бошқа бир морфологик категория доирасидаги сўзлар вазифасини бажариши ҳам мумкин. Масалан, сифатнинг асосий вазифаси отнинг белгисини аниқлаш бўлса, отнинг бош вазифаси, ўз навбатида, предметнинг номини аташ орқали белгиланади. Аммо кўп пайтларда отнинг феъл, сифат функциясида келишини ҳам кузатамиз. Ана шунинг ўзи ҳам сўз табиатининг ғоят мураккаблигидан далолат беради. Фикримизнинг янада аниқроқ бўлиши учун қуйидаги мисоллар таҳлилига тўхтаб ўтайлик:

1. *«Сиймонкўприк»дан ўтишининг ўзи бир томоша Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари, 77/.*

2. *Аммо ўзи яхши хотин Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари, 119/.*

3. *Ноилож сой бўйидаги колхоз чойхонасида тунашга мажбур бўлдим Ў. Усмонов. Сирли соҳил, 182/.*

4. *Бог-бўстон деб мана шу ерни айтса бўлади Г. Пўлат. Ичкуёв, 12/.*

5. *Тўрт хотин ўтиришиб олма чой ичишди Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари, 50/.*

Кўринадики, биринчи гапдаги **томоша** сўзи ўзининг асосий синтактик функциясидан чиқиб, феъл функциясида, яъни кесим вазифасида қўлланилмоқда. Иккинчи гапдаги **хотин** сўзи ҳам шу сингари функцияда ишлатилган. Қолган ҳар учала мисолдаги **колхоз**, **бог**, **олма** сўзлари сифат вазифасида қўлланиб, **чойхона**, **бўстон**, **чой** сўзларини аниқлаб келмоқда. Бошқача айтганда, айни пайтда отнинг ўз функциясига кўра феъл ва сифат категорияларига кўчирилганлигини кўрамыз. Таниқли олим Ш. Балли таълимотида бундай вазият функционал транспозиция ҳодисаси деб номланади<sup>6</sup>.

Бу сингари ҳолат турли морфологик категорияларга мансуб сўзлар доирасида ҳам кузатилади. Масалан, ҳаракат номи категориясига кўчирилган феъл бемалол от функциясини бажараверади:

1. *Ўқидан кўра ишламоқни афзал кўрдим.*

2. *Уни жеркиб ташлашдан ўзини зўрга тийди Ў. Усмонов. Сирли соҳил, 170/.*

<sup>6</sup> Каранг: Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. – М., 1955. – С. 130-144.

Кизиғи шундаки, функционал транспозиция таъсирига тушган сўз иккинчи бир морфологик категорияга мансуб бўлган сўзларнинг баъзи морфологик белгиларини қабул қилиши ҳам мумкин. Масалан, кўйда келтирилган гапда феълнинг от функциясини бажаришига эътибор берайлик:

*Чигит эжмоқ бобо деҳқонларимизнинг асосий машғулотларидан бири бўлган.*

Юқоридагилардан ташқари, сифатнинг феъл функциясида қўлланиши ҳоллари ҳам кўп учрайди:

1. *Мунча ширин бу бола Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари, 77/.*

2. *Айтишга осон. Ҳаммаси ишлик одамлар Ў. Усмонов. Сирли соҳил, 171/.*

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, тил унсурларининг бир морфологик категориядан иккинчисига ўтиши ва у ўша категорияга мансуб унсурларнинг функцияларини бажариши фақат синтагматик қатордагина юз беради. Парадигматик қаторда эса улар ўзларининг туб морфологик мазмунини сақлаб қолади. Шу боис тилнинг ҳар бир бирлиги мазмуни доирасининг кенглигини нутқ жараёнида, яъни синтагматик қаторда у иккинчи birlik билан муносабатга киришгандагина аниқроқ ҳис этиш мумкин. Чунки сўз синтагматик қатор занжирида, ўзининг туб лексик маъносидан ташқари, бошқа маъноларда ҳам қўлланила олади. М. М. Маковский таъкидлаганидек, бу жараёнда тил системасининг айрим қисмларида, ва ҳатто, бутун бир система доирасида ҳам тил элементларининг гуруҳларга ва яна қайта гуруҳларга бўлиниши сабаблари ҳамда унинг оқибатини ўрганишда, система таркибига ниманидир қўшиш ёки ундан ниманидир олиб ташлаш ва натижада система ҳажмининг кенгайиши ёки торайиши сабабларини ўрганишда ҳам тил воситаларини эркин категориялар тарзида талқин этадиган ҳар бир тадқиқот муҳим аҳамият касб этади<sup>7</sup>.

Дарҳақиқат, шундай. Чунки сўзнинг қайси маънода ва қандай функцияда эканлигини биз фақатгина нутқ жараёнида у конкрет қўлланилгандагина белгилай оламиз. Шу сабабдан ҳам машҳур тилшунос олим А. Мейе алоҳида олинган сўзнинг ўта сэр-

<sup>7</sup> Қаранг: Маковский М. М. Проблемы лингвистической комбинаторики // Вопросы языкознания, 1985. №3. – С. 43.

маъно эканлигини ва уларни ҳагто санаб ҳам бўлмаслигини эътиборга олиб: «Сўз маъносиздир. Маъно фақат у аниқ қўлланилгандагина ҳосил бўлади» /«Значения нет, есть только употребление»/, - деган хулосага келган эди<sup>8</sup>.

Юқорида тилга олинган усулларнинг барчаси учун қўлланилиш ўрни гапдир. Чунки тил унсурларининг гуруҳларга ажратилиши ва яна қайтадан янги гуруҳлар тузилиши, уларнинг, ихчамлашиши кабилар фақат маълум бир гап доирасида амалга оширилиши мумкин. Шунинг учун тил унсурларининг функционал таҳлили масаласини ҳам гап шаклининг бевосита иштирокчи унсурлари доирасида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Гапдаги ҳар бир бевосита иштирокчи унсур унинг ажралмас бир бўлаги бўлиб, маълум бир функционал қийматга эгадир. Акс ҳолда, уни гап таркибига киритиш учун ҳеч қандай сабаб ва асос бўлмайди.

Шундай қилиб, гапнинг лексик-грамматик қурилиши масаласи тил унсурларининг маълум бир қонун-қоидага риоя қилгани ҳолда парадигматик қатордан синтагматик қаторга ўтиши билан узвий боғлиқдир. Бунда тилнинг баъзи унсурлари ўзларининг маъноси ва шаклини сақлаганларича, баъзилари эса ўзагига қўшиладиган қўшимчалар таъсирида янги бир кўриниш касб этиб, амалда қўлланилиш имкониятига эга бўлади.

Аmmo, шуни назарда тутиш керакки, гап унсурларининг ҳар қандай функцияси ҳам бўшлиқда эмас, балки сўзловчи шахснинг ва унга нутқ жараёнининг муносабати доирасида юзага келади. Баъзан эса нутқ жараёни томонидан улар озми-кўпми иккинчи даражали вазифалардан озод этилади:

*1. Ўринбой уни уч-тўрт кўрган бўлса ҳам, ўзи билан яқиндан ҳамсуҳбат бўлмаган эди /Т. Пўлат. Ичкүёв, 16/.*

*2. Оқ нейлон кўйлагига гулли галстук қадаган киши билан ёшгина қиз ҳам бор эди /М. Карим. Хаёл қуши, 19/.*

*3. Хоннинг буйруғи билан канал қазилиши бошлаб юборилган /М. Карим. Хаёл қуши, 6/.*

*4. Электричка курорт зонасининг маркази бўлган шаҳар вокзалига келиб тўхтади /Т. Пўлат. Ичкүёв, 93/.*

---

<sup>8</sup> А. Мейенинг мазкур фикри В. Дрошевский ишидан олинди. Қаранг: Дрошевский В. Кўрсатилган асар. 215-бет.

Келтирилган мисолларнинг дастлабки учтасидаги **билан** сўзининг функционал фаоллигига эътибор берайлик.

Биринчи гапда унинг функционал фаоллиги сўзловчи билан объект ўртасидаги семантик ва синтактик алоқани юзага келтиришда кўринади. Бироқ, айтилган пайтда у монофункционал ҳолатда келмоқда. Чунки гапнинг бошқа унсурлари фаоллиги унга қарам эмас. Масалан, *ўзи билан* бирикмасини гап таркибидан тушурилиб қолдирилса, бу ҳолат янада аниқроқ сезилади: *Ўринбой уни уч-тўрт кўрган бўлса ҳам, яқиндан ҳамсуҳбат бўлмаган эди.*

Иккинчи гапда ҳам айнан шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Аммо учинчи гапда **билан** сўзи иш ҳаракатининг содир бўлиш сабабини ифодаламоқда ва шу билан бирга, полифункционал, яъни кўпфункционаллик даражасига кўтарила олган. Бошқача айтганда, у, биринчидан, гап таркибидан от бирикмасининг /хоннинг буйруғи билан /фёъл бирикмаси/ канал қазилиши бошлаб юборилган/ билан бевосита семантик ва синтактик муносабатини ўрнатмоқда. Иккинчидан, от бирикмаси бевосита иштирокчи унсурларининг фаоллигини синтактик ва семантик жиҳатдан ва фёъл бирикмаси иштирокчи унсурлари фаоллигини семантик жиҳатдан ташкил этмоқда. Учунчидан, берилган гапнинг умумий мазмуни шаклланишининг сабабини аниқламоқда. Тўртинчи мисолда гапнинг барча унсурларининг ҳаракат объектига муносабатини фаоллаштираётган **бўлган** сўзи функция жиҳатидан ўзига хослигини кўради. Бу гапда объект вазифасини **шаҳар вокзалига** сўз бирикмаси ўтамоқда. У қўшимча изоҳларсиз ҳам **электричка шаҳар вокзалига келиб тўхтади** тарзида қўлланилиши мумкин эди. Мазкур ҳолатда ҳам берилган гапнинг грамматик бутунлиги ва синтактик нуқтани назардан беками-кўстлиги тўлиқ сақланади. Аммо, айтилган пайтда гап мазмунининг курорт ва унда дам олувчилар тўғрисида фикр юритилаётган катта матн билан алоқаси узилиб қолади. Шу сабабдан объект мазмуни ва синтактик тасарруфини кенгайтирувчи ёрдамчи унсурларга ҳам эҳтиёж сезилади ва улар **бўлган** сифатдош шакли орқали **курорт зонасининг маркази бўлган** тарзида гап таркибига бириктирилади.

Кўринадики, бутун бир синтагматик бирикма ёлғиз бир сўз **бўлган** сифатдоши ёрдамида фаоллашмоқда. Шунга кўра, маз-

кур сўзни актуализатор, яъни фаоллаштирувчи восита тарзида талқин этиш мумкин.

Юқоридагилардан ташқари, *бўлган* сифатдош шакли гап доирасида асосий предикатив марказга бўйсунувчи ярим предикативли синтагматик бирикмани ҳам ташкил этади. Натижада, содда гапда ҳам полипредикативлик белгиси ҳосил бўлади<sup>9</sup>.

Мазкур ижобий фикр ўзбек тили материаллари асосида дастлаб Н. М. Маҳмудовнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топди. Кейинчалик унинг бошқа тилшунослар ишларида ҳам талқин этилганлигини кўрамиз. Масалан, М. Ш. Маматовнинг тадқиқотларида ҳам содда гапларда белгиси мавжуд бўла олиши хусусида маълумот берилади<sup>10</sup>.

Ҳозирги ўзбек тилида, ҳақиқатдан ҳам, содда гапларнинг мураккаб шаклларида полипредикативлик белгилари кўзга ташланади. Аммо полипредикативликни бу ўринда нисбий тушунмоқ керак. Чунки содда гаплардаги иккинчи даражали предикативлик белгиси тўлиқ эмас, балки ярим предикативлик ҳодисасини тақозо этади. Предикативлик том маънода икки ёки бир неча гаплардан ташкил топган қўшма гапларга хос хусусиятдир. Содда гапнинг синтактик шакли мураккаблашуви натижасида ҳосил бўлган қўшимча предикативлик аломати ҳар доим гапнинг асосий предикатив марказига бўйсунди. Шунинг учун бундай предикативлик белгисини ярим предикативлик деб юритиш мақсадга мувофиқдир, зеро, содда гап, қўшма гаплардан фарқли равишда, монопредикативли қурилмадир ва шундай бўлиб қолади<sup>11</sup>. Акс ҳолда, гапни содда ва қўшма гаплар деб аталувчи икки турга бўлишнинг ўзи ҳам мантиқсиз бўлиб чиқади.

Шундай қилиб, содда гап таркибида қатнашаётган сўзларнинг айримлари функционал фаоллик даражалари кенгайиши натижасида гапнинг умумий шакли мураккаблашади ва бу жара-

<sup>9</sup> Қаранг: Маҳмудов Н. М. Семантико-синтаксическая асимметрия в простом предложении узбекского языка //Автореф. док. дис. -Ташкент, 1984. -С. 13.

<sup>10</sup> Қаранг: Маматов М. Ш. Вторичный предикат в определительных конструкциях с показателем относительной связи С. Т, 1990. №4. -С. 10-20.

<sup>11</sup> Қаранг: Абдуллаев К. М. Проблемы синтаксиса простого предложения в азербайджанском языке. -Баку, 1983. - С. 6.

ёнда ярим предикативли бирикмалар ҳосил бўлади. Лекин гап унсурларининг бу тарздаги таҳлили доирасида ҳар сафар қандайдир бир сўз хусусида фикр юрита оламиз. Бошқа сўзлар эса, улар гапнинг мазмуни ва синтактик шакли учун қанчалик аҳамиятли бўлишидан қатъи назар, эътибордан четда қолади.

Маълумки, одатда, гап унсурларининг синтактик таҳлили жараёнида грамматик функцияларига кўра бош ва иккинчи даражали бўлақлар ажратилади. Назаримизда, синтактик таҳлилнинг бу усулида ҳам қандайдир жиддий камчиликлар мавжуд. Масалан, кириш сўзлар ва ундالمаларни гап бўлақлари қаторига кирита олмаймиз. Бизнингча, гап таркибида қатнашадиган ҳар бир сўз унинг маълум бир бўлаги саналмоғи лозим. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ўзбек тилшунослигида гапнинг учинчи даражали бўлақлари ҳақида билдирилган Ф. А. Абураҳмонов ва А. Р. Сайфуллаевларнинг фикрларига тўлиқ қўшилиш мумкин<sup>12</sup>. Бирок гапнинг учинчи даражали бўлақлари ҳам одатдаги семантик-грамматик нуқтаи назардан белгиланади. Бошқача айтганда, гапнинг бош ва иккинчи даражали бўлақлари қандай қоидалар асосида белгиланса, учинчи даражали бўлақлар ҳам шундай қоидалар замирида аниқланади. Демак, бу ўринда ҳам гап унсурларининг формал-синтактик функциялари эътиборга олинмайди. Бундай бўлиши табиийдир, албатта. Чунки гапнинг бевосита иштирокчи унсурлари формал-синтактик таҳлили мустақил йўналишни, алоҳида таҳлил усулини тақозо этади.

Албатта, ҳар бир таҳлил усулининг ўз олдига қўйган вазифалари бўлади. Улар бирини иккинчиси тўлдириши, изоҳлаши мумкин. Лекин айнан бир хил йўналишни тақозо этмайди. Шунга кўра, гап унсурларининг формал-синтактик функциялари таҳлили усули ҳам, семантик-грамматик ёки соф семантик таҳлил усулларидан фарқли равишда, ўзига хос доирада иш юритади, яъни гапнинг синтактик шакилланиши масаласининг формал то-

---

12. Қаранг: Абдурахманов Г. А. Синтаксис осложнённого предложения // Структура и история тюркских языков. - М., 1971. -С. 138-147; Сайфуллаев А. Р. Семантико-грамматические особенности членов предложения в современном узбекском языке. -Ташкент, 1984; Шу муаллиф. Семантика и грамматика членов предложения в современном узбекском языке // Автореф. док. дис. -Ташкент, 2001.

монларини текшириш билан шуғулланади.

Гап унсурларининг формал-синтактик таҳлили, ўз навбатида, юқорида эслатиб ўтилган семантик-грамматик ва соф семантик таҳлил усулларини тўлдиреди. Бошқача айтганда, у гап шаклининг грамматик-семантик воқеланиши муаммоларининг формал томонларини эътиборга олган ҳолда, гап унсурлари функцияларини ва уларнинг қай усулга кўра синтагматик қатор занжирга қўшилганлигини белгилайди.

Формал-синтактик таҳлил усулининг назарий аҳамиятидан ташқари амалий аҳамияти ҳам катта. Чунки кўп пайтларда ўз она тилимиздаги сўзларнинг ҳам гапнинг синтагматик занжир доирасидаги синтактик вазнига етарли эътибор бермаймиз. Хусусан, гап компонентларининг синтактик алоқаси шажараси масаласи назаримиздан четда қолиб кетади. Одатда, мавжуд грамматикаларимиздаги мослашув, бошқарув, битишув каби усулларни ўрганиш билангина чегараланамиз. Ваҳоланки, бу усуллар орқали сўзлар алоқасининг ҳоким сўз ёки тобе сўзлар ўртасидаги вазни ўрганилади, холос. Аммо ҳоким сўз билан тобе сўзни бир-бирига боғлайдиган аффиксларнинг синтактик вазни алоҳида бир муаммо тарзида туркий тиллар системасида талқин этилгани йўқ. Мазкур ишда эса улар маълум бир функцияга эга бўлган нутқ бирлиги сифатида ўрганилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, ҳоким ва тобе тушунчалари ишимизда одатдагидан бирмунча фарқлироқ маъно касб этади. Бунда, асосан, тил унсурларининг нутққа кўчирилиши жараёнидаги ҳокимлик ва тобелик тушунилади. Масалан, *Аҳмад ишдан келди* жумласидаги *ишдан* сўзига эътибор берайлик. Бунда *иш* сўзи мустақил маъноли эканлиги изоҳ талаб қилмайди, албатта. Лекин бу сўз тилдан /парадигматик қатордан/ нутққа /синтагматик қаторга/ кўчирилишига кўра номустақилдир, зотан, у мазкур жараёнда – *дан* аффиксига қарамдир. Акс ҳолда, бу сўз синтактик функция бажара олмайди.

Гап компонентларининг барчасини ана шу тахлит таҳлил қилиш орқали уларнинг синтактик фаоллашуви ҳамда синтактик вазифаларини ўрганиш самарали натижалар бериши муқаррардир. Бу эса, ўз навбатида, тил ҳодисаларини мантиқий ҳодисалардан фарқлаш учун ҳам хизмат қилади.

# ГАП УНСУРЛАРИНИНГ ФОРМАЛ-СИНТАКТИК ФУНКЦИЯЛАРИ

Тилшунослик фанининг ҳозирги даври босқичига тил белгиларининг шаклий сифатлари етарли даражада ўрганилди. Бироқ масаланинг иккинчи томони – белгининг нутқда конкрет қўлланилиши муаммоси кўп жиҳатдан ҳалигача изоҳгалаб бўлиб қолмоқда. Чунки, аввал эслатиб ўтилгани сингари, тилнинг ҳар бир белгиси нутқда, яъни гап таркибида аниқ қўлланилгандагина ўзининг конкрет маъно ифодасига ва синтактик функциясига эга бўла олади. Бу жараёнда айрим белгиларнинг нутқ унсури сифатида фаолият кўрсатиши учун иккинчи бир белгининг кўмаги лозим бўлади. Айрим тил белгилари эса, ўзини-ўзи мазмун ва функция билан таъминлашидан ташқари, гап доирасидаги бошқа белгиларни ҳам маъно ва функциялар билан таъминлаш учун фаол қатнашади.

Маълумки, тилшунослик фанининг ҳозирги даврида тил белгилар йиғиндисидан ташкил топган мураккаб системадир, дейиш орқали тил илмидан хабардор бўлган бирор кишини ҳам қониқтира олмаймиз. Чунки тилнинг системаси ва унинг белгилари ҳақида фанимиз етарли даражадаги илмий маълумот билан таъминланган. Бироқ айни пайтда тил белгиларининг ўзаро муносабати муаммоси кун тартибидаги асосий масалалардан бири бўлиб турибди. Бу муаммо ечимининг катта бир қисми тил билан нутқнинг ўзаро жипслиги ва шу билан бирга қарама-қаршилиги ҳодисаси асосида шаклланадиган гап унсурларининг функционал тахлили назарияси билан ҳам узвий боғлиқдир.

Тилнинг ҳар қандай белгиси ҳам ўзининг аниқ мазмуни ва функциясига фақат маълум бир гап доирасида эга бўлар экан, у, сўзсиз, бу жараёнда ўзига нисбатан каттароқ бошқа бир белгининг таркибий қисми бўлиб келади. Бу ҳақда гапирганда, Ч. Пирс шундай деган эди: «Белги, агар у ўзига мукаммаллик бахш этувчи бошқа бир белги таркибида қўлланила олмаса, белги бўлмайди»<sup>13</sup>. Демак, тил белгисининг турли маъноларда ва функцияларда қўлланилишида нутқ жараёни ва сўзловчи шахснинг ҳам

<sup>13</sup> Ч. Пирснинг мазкур фикри В. А. Звегинцевнинг «Язык и лингвистическая теория» /М., 1973/ асарнинг 231- бетидан олинди.



муҳим ўрни бўлади. Масалан, *одам* ва *айиқ* сўзларини олайлик. Бу икки сўз воқеликдаги икки мавжудотнинг – инсон ва маълум бир ҳайвон турининг тилдаги белгилари саналади. Улар ўртасида маъноларига кўра ер билан осмонча фарқ бор. Бироқ сўзлашув жараёнида бу сўзлардан иккинчисининг инсонга нисбатан ҳам қўлланилишини кузатиш мумкин. Масалан, семиз ва кучли одамни баъзан айиққа қиёс қиламиз.

Кўринадики, бу жараёнда *айиқ* сўзининг тил белгиси сифатидаги мазмун ва функцияси ҳам ўзгариши мумкин. Бу ўзгариш, албатта, *айиқ* сўзи алоҳида таҳлил этилганда содир бўлмайди, балки маълум бир жумла ёки гап таркибида вужудга келади. Чунки унинг туб маъноси ҳайвонларнинг бир турини тақозо этади.

Тил белгиси ҳажман кичик ҳам, катта ҳам бўлиши мумкин. Шу сабабли у фонологик, морфологик ёхуд синтактик нуқтаи назардан ўрганилади, ҳатто бир сўзнинг ўзи тилнинг тўрт хил бирлиги мазмунини бера олади. Масалан, у белгиси фонема, морфема, сўз ва гап функцияларида ҳам кела олади. Фонема сифатида талқин этиш учун уни морфемалар куршовида, морфема сифатида ўрганиш учун сўз куршовида, сўз тарзида баҳолаш учун гап доирасида ва ниҳоят, гап сифатида таърифлаш учун матн таркибида таҳлил этишимиз лозим. Мазкур ишда бизни тилнинг морфемага нисбатан катта ва эркин бирлиги – сўз қизиқтирганлиги учун бундан кейин, асосан, ана шу бирлик ва унинг функциялари ҳақида фикр билдирамиз.

Ишимизнинг олдинги саҳифаларида эслатиб ўтилганидек, функция сўзини турлича тушуниш мумкин. Лекин, шундай бўлсада, тил унсурларининг семантик функцияларини уларнинг синтактик функцияларидан фарқ қилиш ва уларни лисоний тадқиқотнинг алоҳида соҳалари деб қараш мақсадга мувофиқдир. Буни эслатиб ўтишнинг асосий сабаби шундаки, кўпчилик тилшуносларимиз гапнинг фаол /актуал/ бўлаклари тавсифи билан шуғулланадиган назарияни ҳам синтактик – функционал таҳлил назарияси деб ўрганишмоқда.

Маълумки, гапнинг фаол бўлаklarини аниқлашда оҳангни нутқ жараёнининг энг муҳим унсурларидан бирига айлантирувчи мантикий урғу катта аҳамиятга эга. Мантикий урғунинг асосий вазифаси гап унсурларидан бирортасини алоҳида бўрттириб, аж-

рагиб кўрсатишдан иборатдир. Шунинг учун мантикий урғу орқали ажратиб кўрсатилаётган сўз ёки сўз бирикмаси психологик ёхуд мантикий кесим саналади. Мантикий кесим гапнинг маълум бир нутқ жараёнидаги энг сермазмун ва муҳим унсури ҳисобланади. Шунга кўра, гап таркибидаги бошқа сўзлар унга нисбатан мантикий эга /субъект/ вазифасида келади<sup>14</sup>.

Гапнинг ҳар қандай бўлаги ҳам /эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол/ мантикий кесим вазифасини бажара олади. Бу, асосан, қайси сўзга мантикий урғу тушушига боғлиқ. Шунинг учун айрим тилшунослар бу ҳодисани гапнинг фаол бўлақларга бўлиниши деб номласалар, бошқалари уни гапнинг мазмун нуқтаи назаридан бўлақларга бўлиниши деб аташмоқда. Ҳар ҳолда, номлари турлича бўлса-да, уларнинг моҳияти бир хил.

Гапнинг мазмунан фаол бўлақларга бўлиниши масаласини мантиқ доирасидан тил доирасига олиб ўтиб, уни тил нуқтаи назаридан таҳлил этган дастлабки тилшунослардан бири чех олими Вилен Матезиусдир<sup>15</sup>. Унинг назариясига кўра, ҳар бир жумлада хабарнинг бошланиш нуқтаси /основа высказывания/ ва унинг семантик шаклининг марказида турувчи асосий нуқтаси /ядро высказывания/ мавжуд бўлади. Хабарнинг бошланиш нуқтаси деб эътироф этиладиган сўз мазмунан нафақат сўзловчи шахсга, балки тингловчига ҳам азалдан, ҳеч бўлмаганда, нутқ ижро этилаётган муҳитда маълум бўлади. Шунга кўра, гапнинг бундай бўлаги ифода этилиши лозим бўлган янги хабарнинг асоси, унинг таянч нуқтаси деб аталади. Хабарнинг марказида турувчи асосий маъно эса жумланинг /гапнинг/ мазмуни марказини ташкил этувчи сўз орқали ифодаланиб, у тингловчига олдиндан маълум бўлмайди, балки нутқ жараёнида равшанлашади.

Шундай қилиб, гапнинг фаол бўлақлари хусусидаги назариянинг, асосан, икки унсури бор: хабарнинг бошланиш нуқтаси ва асосий нуқта. Мантикий урғу ҳар доим хабарнинг марказида турувчи асосий нуқтани ифодалаётган сўзга тушади. В. Матезиус-

<sup>14</sup> Қаранг: Виноградов В. В. Исследования по русской грамматике. Изб. Труды. – М., 1975. –С. 277.

<sup>15</sup> Қаранг: Матезиус В. О так называемом актуальном членении предложения // Пражский лингвистический кружок. - М., 1967.

нинг мазкур назарияси рус тилшунослигида ҳам кенг талқин этилди ва сезиларли даражада ривожлантирилди. Айниқса 60-йиллар тилшунослигида у синтаксиснинг асосий масалаларидан бири бўлиб қолди. Масалан, И. П. Распопов, К. Г. Крушельницкая, В. Г. Гак сингари кўплаб тилшуносларнинг илмий тадқиқотлари бунга мисол бўла олади<sup>16</sup>.

Бу масалага И. П. Распоповнинг «Рус тилидаги дарак гапларнинг фаол бўлакларга бўлиниши ва уларнинг коммуникатив-синтактик турлари» номли докторлик диссертацияси бағишланган<sup>17</sup>.

И. П. Распопов фикрига кўра, гапнинг фаол бўлакларга бўлиниши назарий синтаксиснинг асосий масалаларидан бири саналмоғи лозим. Чунки у, гапнинг коммуникатив вазифаси билан узвий боғлиқ. Гапнинг марказида унинг коммуникатив вазифасининг асосий салмоғини ўзига олган сўз ёки бирикма туради<sup>18</sup>. Бироқ И. П. Распопов гапнинг фаол бўлакларга бўлинишини семантик синтаксиснинг масалаларидан бири эканлигини инкор этади ва бу ҳақдаги К. Г. Крушельницкая фикрига танқидий назар билан қарайди<sup>19</sup>.

К. Г. Крушельницкая, бизнингча, бу ҳақда тўғри ва теран фикр билдирган. Унинг таъкидлашича, гапнинг фаол бўлакларга бўлиниши масаласи ўз моҳиятига ва тилдаги ифодаланишига кўра, гарчи уни синтаксисда ўрганишаётган бўлса ҳам, гап унсурларининг семантик томонини тақозо этади<sup>20</sup>.

Дарҳақиқат, синтаксис ва семантика турли хил соҳалардир. Шунинг учун К. Г. Крушельницкаянинг юқорида кўрсатиб ўтилган фикрига тўлиқ қўшилиш мумкин. Лекин, шу билан бирга, синтаксисни мазмунсиз шакл тарзида ва аксинча, мазмунни ҳам

<sup>16</sup> Қаранг: Распопов И. П. Актуальное членение и коммуникативно-синтаксические типы повествовательных предложений в русском языке // Док. Дис. -Уфа, 1964; Крушельницкая К. Г. К вопросу о смысловом членении предложения // Вопросы языкознания №5, 1956. - С. 58; Гак В. Г. Актуальное членение и лексико-грамматическая структура предложения // Русский язык зарубежом, №3, 1966. - С. 70-74.

<sup>17</sup> Қаранг: Распопов И. П. Ўша асар. 78-бет.

<sup>18</sup> Қаранг: Ўша асар. 78-бет.

<sup>19</sup> Қаранг: Ўша асар. 75-76-бетлар.

<sup>20</sup> Қаранг: Крушельницкая К. Г. Кўрсатилган асар. 58-бет.

бирор бир шакл қолипидан ташқарида ўрганиш мақсадга помувофиқ ва бу мумкин ҳам эмас.

Гапнинг фаол бўлақларга бўлиниши сўз тартиби масаласи билан ҳам узвий алоқадор. Сўз тартиби ўзгариши билан гап улсурларининг коммуникатив вазифалари ва функциялари ҳам ўзгариши мумкин. Сўз тартиби эса, ўз навбатида, сўзловчининг сўзлашиш услубига ҳам боғлиқ. Шу сабабли гапнинг фаол бўлақлари ёлғиз бир гап доирасида турлича белгиланиши мумкин. Бу ўринда, албатта, сўзловчининг сўз танлаш маҳорати кагга аҳамиятга эга. В. Г. Гак таъкидлаганидек, гапнинг шаклий тузилиши кўп жиҳатдан унинг улсурларини танлаш ва жойлаштириш, хусусан, феъл-кесимни танлаш масаласига боғлиқ. Бу жараёнга, сўзсиз, гапнинг фаол бўлақларга бўлиниши сезиларли даражада таъсир этади<sup>21</sup>. В. Г. Гак фикрига кўра, гап таркибида махсус улсурлар, кўшимча сўзлар ёрдамида мазмуни бўрттирилаётган сўз манتيкий урғу олади ва у берилаётган хабарнинг асосий нуқтаси саналади. Агар гап таркибида махсус улсурлар ёки кўшимча сўзлар бўлмаса, у ҳолда ноаниқ артикль /Ҳинд-Оврупо тилларида/ билан келаётган сўз хабар мазмунининг марказида бўлади. Борди-ю, ҳар икки воситанинг бирортаси ҳам гапда қатнашмаётган бўлса, дастлабки сўз хабарнинг бошланиш нуқтаси /унинг асоси/, охири сўз эса асосий /марказий/ нуқтаси саналади. Чунки сўзлашув жараёнида биз ҳар доим аниқликдан ноаниқликка қараб борамиз. Бундан асосий мақсад қандайдир янги ахборот олиш ёки аввалги ахборотни янгилашдан иборатдир<sup>22</sup>.

Кўринадики, В. Г. Гакнинг синтактик назарияси марказида гап /жумла/ мазмуни билан унинг шакли ўртасидаги узвий муносабат туради. Бунда олим шакл ва мазмун бирлиги диалектик қонунига тўлиқ амал қилади.

Юқорида берилган фикрлар шуни кўрсатадики, гапнинг фаол бўлақларга бўлиниши ва унинг таҳлили одатдаги синтактик таҳлил усулидан фарқ қилади. Биринчидан, гапнинг семантик-грамматик бўлақлари /эга, кесим, иккинчи даражали бўлақлар/ гапда сўз тартиби ўзгармаса ўзгармайди. Фаол бўлақлар эса сўзловчи ва тингловчининг таъсирида ўзгараверади. Иккинчидан, семан-

<sup>21</sup> Қаранг: Гак В. Г. Кўрсатилган иш. 70-бет.

<sup>22</sup> Қаранг: Гак В. Г. Ўша иш. 70-74-бетлар.

тик-грамматик бўлақлар асосида синтактик муносабатлар ётса, фаол бўлақлар замирида семантик муносабатлар кузатилади. Учинчидан, семантик-грамматик бўлақларнинг бош ва иккинчи даражали турлари ҳам мавжуд бўлиб, улар бир неча гап унсурларини тақозо этса, фаол бўлақлар атиги икки унсурдан иборат, холос.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш жоизки, гапнинг фаол бўлақлари масаласи ҳозирги замон тилшунослиги учун янгилик эмас. У фақат 60-йилларга келиб янгича талқин этилди. Чунки психологик кесим ва психологик эга ҳақидаги маълумот Ф. Ф. Фортунатов таълимотида ва кейинчалик Ш. Балли ҳамда бошқаларнинг илмий ишларида атрофлича таҳлил этилганлигини кўраимиз<sup>23</sup>. Олдинги ишлардан кейингилари шу билан фарқ қиладики, уларда фаол бўлақлар назарияси синтаксис доирасида ўрганилиб, янги атамалардан фойдаланилмоқда. Масалан, Ш. Балли «тема» ва «сабаб» /повод/ атамаларидан фойдаланган бўлса, бу атамалар кейинчалик турли номлар билан изоҳлана бошлади<sup>24</sup>.

Тилшунослик фани тараққиётининг ҳозирги даврига келиб, аввал эслатиб ўтилганидек, гапнинг фаол бўлақларга бўлиниши ҳодисасига алоҳида синтактик-функционал таҳлил назарияси сифатида қаралмоқда. Бундай ҳолат рус ва бошқа ғарб тилшуносликларида ҳам кузатилади. Масалан, Н. А. Слюсарева илмий тадқиқотларида унинг ана шундай талқин этилганини кўраимиз. Муаллиф гапнинг фаол бўлақларини «тема» ва «рема» терминлари орқали белгилайди. Тема гапда берилаётган хабар асоси бўлса /унинг дастлабки таянч нуқтаса/, рема хабар мазмуни марказида турувчи асосий нуқтадир<sup>25</sup>. Айнан шунга монанд фикр инглиз олими М. А. К. Хэллде ишларида ҳам кузатилади<sup>26</sup>.

---

<sup>23</sup> Қаранг: Фортунатов Ф. Ф. О преподавании грамматики русского языка в средней школе. Избранные труды. Т. 2. - М., 1957. - С. 449-540; Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. - М., 1955. - С. 44-46; Бу ҳақда яна қаранг: Абдуллаев К. М. Проблемы синтаксиса простого предложения в азербайджанском языке. - Баку, 1983. - С. 68-71.

<sup>24</sup> Бу ҳақда ишимизнинг кейинги саҳифаларига қаранг.

<sup>25</sup> Қаранг: Слюсарева Н. А. Проблемы функционального синтаксиса современного английского языка. -М., 1981. -С. 111.

<sup>26</sup> Қаранг: Слюсарева Н. А. Об английском функционализме М. К. А. Хэллдия // Вопросы языкознания, №5, 1987.

Кўринадики, Н. А. Слюсарева назарияси ҳам юқорида эслатиб ўтилган асосга қурилган бўлиб, унда фақат бошқа атамалардан фойдаланилган. Бу атамалар ҳам фанда аввалдан маълум. Масалан, Ш. Баллининг «тема» ва «сабаб» атамаларидан фойдаланганлиги айтиб ўтилган эди. Агар масалага яқиндан ёндашадиган бўлсак, Ш. Балли назариясида «тема» модал субъект, яъни модус, «сабаб» эса нутқ қаратилган объект, яъни диктум демакдир<sup>27</sup>. Ш. Балли шунинг учун ҳам модаллик белгилари акс эттирилмаган жумлани гап билан тенглаштирмаслик кераклигини уқдиради. Модаллик – бу гапнинг жони, юрагидир<sup>28</sup>.

Бизнингча, гап унсурларининг модаллик белгиси бир томондан сўзловчи шахс руҳияти билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан уларнинг англатадиган маънолари билан ҳам узвий алоқадордир. Ҳар ҳолда, ҳар икки омил ҳам гап унсурларининг синтактик функцияларидан анча узоқ туради. Шунинг учун Н. А. Слюсареванинг гапнинг фаол бўлаклари таҳлилини синтактик-функционал таҳлил деб аташини мақсадга мувофиқ эмас, деб ўйлаймиз. Фикр исботини В. Б. Касевичнинг қуйидаги мулоҳазаларида ҳам кўриш мумкин: «*Тема* ва *рема* тушунчаларининг аъъанавий талқини Аристотел томонидан изоҳланган *субъект* ва *предикат* тушунчаларидан бошқа нарса эмас».<sup>29</sup> В. Б. Касевич гапнинг актуал бўлаклари нутқий жараёни эмас, балки маълум бир гапни таҳлил қилаётган тилшуноснинг шу гапга муносабатини кўрсатади<sup>30</sup>.

Бу масалага У. Л. Чейф ҳам бирмунча тўғри ёндашади. У гапнинг фаол бўлаклари муаммосини тўғридан-тўғри сўзловчи ва тингловчи шахсларнинг психологик фаолияти билан боғлайди. Унинг фикрига кўра, ҳар қандай семантик структура ҳам киши онгидаги фонологик шаклларга айлана олади. Демак, тил ақлий жараёни тақозо этади. Тилга оид ҳар қандай масалани ҳам киши онгида нималар бўлаётганлиги билан ҳисоблашмасдан туриб тадқиқ этиш мумкин эмас<sup>31</sup>.

<sup>27</sup> Қаранг: Балли Ш. Кўрсатилган асар. 46-бет.

<sup>28</sup> Қаранг: Балли Ш. Кўрсатилган асар. 44-46-бетлар.

<sup>29</sup> Қаранг: Касевич В. Б. Семантика. Синтаксис. Морфология. - М., 1988. - С. 86.

<sup>30</sup> Қаранг: Ўша асар, ўша бет.

<sup>31</sup> Қаранг: Чейф У. Л. Значение и структура языка. - М., 1975. - С. 28; 47.

У. Л. Чейфнинг мазкур мулоҳазаси ҳам гапнинг фаол бўлаклари назарияси функционал таҳлилдан кўра кўпроқ семантик таҳлилга яқин эканлигидан ва бундан ташқари, у билан психологик тилшунослик шуғулланиши лозимлигидан далолат беради. Бизнингча, бу ерда икки йўл бўлиши мумкин. Биринчидан, гапнинг фаол бўлақларига мантиқий нуқтаи назардан қаралса, у билан семантик синтаксис шуғулланиши лозим. Иккинчидан, унга киши руҳияти нуқтаи назаридан ёндашилса, у билан психологик тилшунослик иш тутиши керак.

Юқоридагилардан ташқари, биз гап унсурларининг у ёки бу томонлари тавсифи билан шуғулланар эканмиз, албатта, тил ташқи муҳити шарт-шароитлари билан ҳам ҳисоблашмоғимиз лозим. Чунки тил ташқи муҳити тил унсурларининг фаоллашуви учун кўп пайтларда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Агар тилнинг маълум бир унсури бир ташқи муҳит доирасида ўзининг туб маъносида /ёки функциясида/ қўлланса, иккинчи ташқи муҳит фақатгина ясама маънода ёки иккинчи даражали маънода қўлланилиши учун йўл беради. Тилнинг ички муҳити эса ўз қонун-қоидаларига қатъий бўйсунгани ҳолда фаолият кўрсатади. Шунинг учун тил ички муҳитида тил белгиларининг ясама ёки абстракт маънолари уларнинг конкрет ва туб маъноларидан келиб чиқади, аксинча бўлиши мумкин эмас<sup>32</sup>.

Бу ҳақда айтилган Э. Бенвенист фикри ҳам диққатга сазовордир. Унга кўра, ташқи муҳит тилнинг конкрет қўлланилишининг энг муҳим омилларидан бири бўлиб, у нутқимизга икки хил функция беради: нутқ сўзловчи шахс онгида воқелиқдаги воқеа-ҳодисаларни қайтадан тиклайди, тингловчи онгида эса ана шу воқеа-ҳодисаларга нисбатан янгидан муносабат уйғотади. Ана шу тарзда тил кишилар ўртасидаги алоқа қуролига айланади<sup>33</sup>. Сўзлашув жараёнида ўзаро муносабатнинг тилдаги моделлари шакли яратилади, сўзлар ва тушунчаларнинг нутқ оқимидаги алоқалари вужудга келади ва натижада, тил белгилари ҳосил бўлади<sup>34</sup>.

Шуни қайд этиш лозимки, тилнинг нутқ оқимида қўлланил-

<sup>32</sup> Қаранг: Блумфилд Л. Язык. - М., 1968. - С. 465-486.

<sup>33</sup> Қаранг: Бенвенист Э. Общая лингвистика. - М., 1974. - С. 27.

<sup>34</sup> Қаранг: Ўша асар. 30-бет.

ган белгилари ҳар доим фаолдир. Акс ҳолда, улар нутқда қўлланилиши имкониятига ҳам эга бўла олмайди. Демак, тилнинг нутқ занжири таркибида қўлланилган ҳар бир унсури /ёки белгиси/ маълум бир синтактик вазифани ҳам бажаради. Буни шундай тушунмоқ керакки, кўпгина сўзлар ўз-ўзича бирор бир тугал маънони англата олмайди. Иккинчидан, алоҳида олинган ҳолда сўзлар кўп маъноли тил белгилари саналса, гап таркибига киритилгач, бу имкониятдан маҳрум бўлади. Учинчидан, ана шунга кўра, гапнинг умумий маъноси ҳам унинг таркибидаги сўзларнинг маънолари микдорига тенг келмайди<sup>35</sup>.

Кўринадики, тилнинг ҳар бир белгиси, унинг катта ёки кичик бўлишидан қатъи назар, ўзининг аниқ вазифасини нутқ занжири доирасидагина олади. Нутқ занжири эса, ўз навбатида, уларнинг бирортасини ҳам синтактик ёки семантик функциясиз ўз таркибига киритмайди. Шунинг учун айрим тилшуносларнинг мустақил маъноли сўзлар билан бир қаторда маъносиз сўзлар ҳам мавжуд, деган фикрга тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Масалан, Л. Теньер Хинд-Оврупо тилларидаги артикларни ва айрим предлогларни ана шундай маъносиз /пустые/ сўзлар деб ҳисоблайди<sup>36</sup>.

Бизнингча, бу каби сўзларнинг лексик маънолари эътиборга олинсагина маъносиз дейиш мумкин. Бироқ функция нуқтаи назаридан уларга бундай қараш ноўрин. Чунки уларнинг функционал фаоллиги мустақил мазмунли сўзларга қараганда бир неча маротаба зиёд бўлиши ҳам мумкин. Масалан, ўзбек тилига форс тилидан ўзлаштирилган **-ки** боғловчисини олиб кўрайлик. У семантик нуқтаи назардан ҳеч қандай маъно англатмайди, албатта. Лекин синтактик жиҳатдан шу даражада кўн функция ифодасини берадики, бундай вазифада мустақил сўзларнинг ҳам аксарияти қўллана олмайди. Масалан, эргаш гапли қўшма гапларнинг қисмлари мазмунини бирлаштириб, яхлит бир фикр ифодасига айлантиришда унинг нафақат синтактик, балки семантик боғловчи эканлигини ҳам кўрамайз.

Ана шулардан келиб чиқиб, ҳар бир тил белгисининг синтактик ва семантик функциялари унинг лексик маъноси мезони билан боғлиқ эмас, деган хулосага келиш мумкин. Тил белгиси-

<sup>35</sup> Қаранг: Падучева Е. В. О семантике синтаксиса. - М., 1974.

<sup>36</sup> Қаранг: Tesnière L. *Éléments de syntaxe structurale*. - Paris, 1976, pp. 19-29.



нинг бундай фаоллиги, албатта, маълум бир синтактик қурилма таркибидагина рўёбга чиқади. Чунки синтактик қурилма, масалан, жумла ёки гап, тил унсурларининг фонологик, грамматик, семантик, синтактик ва коммуникатив маъно ҳамда сифатларининг ҳам кесишиш нуқтасидир<sup>37</sup>.

Айни пайтда шуни ҳам қайд этиш керакки, тилнинг ҳар бир унсури шаклий бутунлигини ўзи тегишли бўлган унсулар гуруҳи доирасида олади, масалан, фонема фонология доирасида, морфема ва сўз морфология доирасида ва ҳоказо. Бироқ уларнинг маънолари ўзлари тегишли бўлган гуруҳлар доирасида эмас, балки бу гуруҳлар доирасига нисбатан кенгроқ ва каттароқ объектларда аниқ ифодасини топади. Бошқача айтганда, товушлар функционал мазмуни морфема сатҳида, морфеманинг функционал қиймати сўз доирасида, сўзнинг мазмуний фаоллиги гап ичида белгиланади. Бу жараёнга, албатта, оҳанг, экстралингвистик омиллар, сўзловчи шахснинг истак-хоҳиши кабиллар ҳам ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Чунки юқорида айтиб ўтилган тил белгиларининг конкрет қўлланиши тилнинг ана шу ташқи муҳити унсуллари қуршовида амалга оширилади.

Тил белгилари нутқ оқимида киритилгач, бирор синтактик ёки семантик вазифада келиши шарт. Уларнинг ўзаро муносабати доирасида эса қайсидир бир белги функционал фаоллик даражасига кўтарилиб, бир йўла икки-уч семантик, синтактик ёки грамматик вазифаларни бажарса, айримлари ёлғиз бир функцияда қўлланилади<sup>38</sup>. Бошқача айтганда, тил белгиларига тил нуқтаи назаридан қараганимизда, биз уларда умумийлик, ноаниқлик, ноактуаллик сифатларини кўрамыз, нутқ нуқтаи назаридан қараганимизда эса ҳар бирининг аниқлик ва фаоллик даражасига кўтарилиб, конкрет мақсад ифодаси учун ишлатилишини кузатамыз<sup>39</sup>.

Тил белгиларининг бу хилдаги сифатлари туб манбаи тил билан нутқ ўртасидаги бирлик ва қарама-қаршилик қонуниятидан қидирилмоғи лозим. Айни пайтда «бирлик ва қарама-қарши-

<sup>37</sup> Қаранг: Москальская О. И. Проблемы системного описания синтаксиса. –М., 1981. –С. 9.

<sup>38</sup> Қаранг: Аругюнова Н. Д. Предложение и его смысл. –М., 1967. –С. 329.

<sup>39</sup> Қаранг: Шутова Е. И. Вопросы теории синтаксиса. –М., 1984. –С. 35.

лик» тушунчасининг ўзи шундан далолат берадики, тил билан нутқ, гарчи уларнинг ҳар қайсисининг ўзига хос қонун-қоидалари бўлса-да, мухтор ҳолда фаолият кўрсатувчи ҳодисалар эмас. Масалан, айнан бир белги бир пайтнинг ўзида тилнинг ҳам, нутқнинг ҳам материали саналади. Бошқача айтганда, сўз морфологик бирлик сифатида тилга тегишли бўлса, синтактик қурилмалар материали сифатида нутқнинг ҳам бирлигидир. Демак, сўз морфологик бирлик тарзида ўз шакли орқали маълум бир грамматик категориянинг мазмунини ифодаласа, синтактик қурилма материали сифатида бирор гап бўлагига тегишли бўлган функцияни бажаради. Сўзлар тилда бири иккинчисидан лексик маъноси ва грамматик белгисига кўра фарқ қилса, нутқда улар бир-биридан синтактик ва семантик вазифалари билан фарқланади.

Шуни ҳам айтиш зарурки, сўзлар нутқ оқимида мустақил ва номуустақил ҳолатда функция бажаришлари орқали ҳам фарқ қилади. Масалан, *Эрталаб шаҳарга жўнаймиз* жумласини олиб кўрайлик. Мазкур жумлада *эрталаб* сўзи мустақил семантик функцияда келиб, иш-ҳаракатнинг бажарилиши вақтини аниқламоқда. *Шаҳар* сўзи эса иш-ҳаракати қаратилган макон (объект) синтактик функциясини бажариш учун *-га* аффикси кўмагига муҳтождир. Маъно нуқтаи назаридан эса, албатта, *-га* аффикси билан *шаҳар* сўзини мутлақо қиёслаш мумкин эмас. Шунинг учун сўзнинг маъноси ва грамматик мазмуни масалалари билан, асосан, лексикология ҳамда морфология шуғулланса, унинг функцияси муаммоси синтаксисга тааллуқлидир<sup>40</sup>.

Сўз тилдан нутққа кўчирилгач, синтагматик қатор занжирида синтактик функция олади. Бу жараёнда сўз бирикмалари ва гап шаклидаги синтактик қурилмалар вужудга келади ва уларнинг ҳар бири ўзига хос коммуникатив функция бажарилиши учун хизмат қила бошлайди. Масалан, Г. А. Золотованинг фикрига кўра, синтактик қурилмаларнинг бири мустақил хабар ифодасини берувчи функцияда қўлланса, иккинчиси сўзлашув жараёни маълум бир бирлигининг таркибий қисми тарзида, учинчиси эса қандайдир бир синтактик қурилмага қарам ҳолда функция олади. Бу функционал ҳолат-

<sup>40</sup> Қаранг: Золотова Г. А. Очерк функционального синтаксиса русского языка. –М., 1973. –С. 8. 1973. –С. 8.

лардан биринчиси гапга тааллуқли бўлиб, унинг энг асосий вазифаларидан бирини тақозо этади. Иккинчи ва учинчи функционал ҳолатлар эса гап доирасида иккиламчи аҳамиятга эга<sup>41</sup>. Дарҳақиқат, биринчи функционал ҳолат, яъни мустақил ва тугал фикр ифодасини бериш, гапнинг барча турлари учун ҳам асосий ва бирламчи функция саналади. Иккинчи функционал ҳолат содда гапга – у қўшма гапнинг қурилиш материали бўлганда, қўшма гапга – у абзац ёки катта матннинг таркибий қисми бўлганда тегишлидир. Ва ниҳоят, учинчи функционал ҳолат содда гапга – у абзац ёки катта матн таркибида қўшма гапнинг қарам бўлаги бўлганда, қўшма гапга – у катта матн таркибидаги абзац ёки маълум бир бўлакнинг қарам ҳолдаги қурилиш материали бўлганда тегишли бўлади. Лекин, шундай бўлса-да, гапнинг ҳар қандай турини таҳлил этишда ҳам, асосан, сўз ва унинг бажарадиган синтактик функциялари биринчи ўринда туради. Чунки биз синтаксис ва унинг вазифаларини қандай тушунишимиздан қатъи назар, сўзларнинг синтактик муносабати масаласи барча синтактик назарияларнинг ҳам эътибори марказида туради<sup>42</sup>.

А. Р. Сайфуллаев эътироф этганидек, сўз кенг маънода нутқнинг қурилиш материали бўлса, нисбатан торроқ маънода гапнинг қурилиш материалидир<sup>43</sup>. Бундан ташқари, А. Р. Сайфуллаевнинг фикрига кўра, гап таркибида сўзлараро синтактик муносабат қуйидаги тўрт усулга биноан юз беради: 1) сўз ўзгартирувчи аффикслар орқали, 2) ёрдамчи сўзлар таъсирида, 3) сўз тартиби доирасида, 4) оҳанг иштирокида<sup>44</sup>.

Бу сингари мулоҳаза ўзбек тили академграмматикасида ҳам кузатилади<sup>45</sup>. Бироқ мазкур ишларда сўз ўзгартирувчи аффикслар таъсирида юз берадиган трансформацион ҳолат, ёрдамчи сўзлар орқали амалга ошадиган тил белгиларининг фаоллашуви /актуаллашуви/, оҳанг ва унинг асосий ва ёрдамчи функциялари каби қатор масалалар диққат марказидан четда қолган. Бизнингча, бу масалалар таҳлили ҳозирги ўзбек тили материаллари асосида ҳам

<sup>41</sup> Қаранг: Золотова Г. А. Ўша асар. 11-бет.

<sup>42</sup> Қаранг: Золотова Г. А. Ўша асар. 30-бет.

<sup>43</sup> Қаранг: Сайфуллаев А. Р. Семантико-грамматические особенности членов предложения в современном узбекском языке. –Ташкент, 1984. –С. 18.

<sup>44</sup> Қаранг: Ўша асар. 18-19-бет.

<sup>45</sup> Қаранг: Ўзбек тили грамматикаси. –Тошкент, 1976. 9-13-бетлар.

ёритилиши зарурий юмушларимиздан биридир. Чунки ўзбек тилшунослигида тил унсурларининг қай даражада парадигматик қатордан синтагматик қаторга ўтказилиши /ёки тилдан нутққа кўчирилиши/ ва бу жараёнда уларнинг синтактик ёки семантик функциялар билан таъминланиши каби қатор муаммолар ҳозиргача махсус илмий тадқиқот ишларининг асоси бўлгани йўқ.

Юқоридагилардан ташқари, ҳозирги тилшуносликнинг шундай масалалари ҳам борки, уларга кўра гапни соф нутқ бирлиги деб аташ керакми, сўз ясалиши муаммоси фақат морфология учун хосми ёки унга синтаксис ҳам дахлдорми, деган бир неча жумбоқли фикрларнинг атрофлича ёритилиши талаб қилинади.

Бизнингча, ҳозирги даврга келиб, тилшуносликнинг сўз тил бирлиги сифатида морфологияда ўрганилади, синтаксис эса сўз бирикмалари ва гап назарияси билан шуғулланиши лозим, деган ғояси анча изоҳталаб бўлиб қолди. Бугунги тилшунослик фани бу масалага бошқача кўз билан қарамоқда. Чунки сўз конкрет қўлланилиш имкониятига эга экан, у синтаксиснинг ҳам зарурий ва шу билан бирга, кўп функцияли бирикларидан бири саналмоғи керак. Бундан ташқари, сўзнинг морфологик шакли доирасида ҳам микросинтагматик муносабатлар мавжудлигини кўраемиз. Бу эса, ўз навбатида, кун тартибига «сўз синтаксиси» тушунчасини ҳам қўймоқда<sup>46</sup>.

Ана шуларни назарда тутиб, тил бириклари масаласини қайта кўриб чиқишга тўғри келади. Унга кўра, гапни фақат нутқ бирлиги деб эмас, балки тил ва нутқ бирлиги деб аташ мақсадга мувофиқ кўринади, зеро, тил билан нутқнинг бир бири билан қарама-қарши томонлари мавжуд бўлса-да, улар бири иккинчисисиз яшай олмайди. Ҳатто жонли нутққа, яъни товуш иштирокидаги нутққа эга бўлмаган шахсларда ҳам у имо-ишора орқали ифода қилинади. Демак, сўз муаммоси икки йўналишда: вертикал /парадигматик/ ва горизонтал /синтагматик/ режалар асосида ўрганилмоғи лозим. Бунга барча тилларда зарурат сезилади. Хусусан, туркий тилларда синтактик қурилмалар шакли сўз шакллариининг ясалиши ва тузилишида қатнашувчи унсурларнинг кетма-кет жойлашиши билан боғлиқ ҳолда вужудга келади. Ҳинд-

<sup>46</sup> Қаранг: Турниёзов Н. Тил унсурларининг микросинтагматик муносабатлари хусусида// Ўзбек тили ва адабиёти, № 5, 1998.

Оврупа тилларида эса аксинча, сўз шаклларининг ясалиши ва тузилишида иштирок этувчи элементлар кетма-кетлиги синтактик қурилмалар доирасидагина ўз ифодасини топади<sup>47</sup>. Масалан, ўзбек тилида сўз туркумлари бири иккинчисидан формал томонлари билан фарқ қилмайди. Рус тилида эса, **-ая, -ые, -ое** аффикслари сифатларга тегишли бўлса, **-о, -е** каби қўшимчалар равишларга хос<sup>48</sup>. Аммо уларнинг қайси бири аниқ қўлланиши синтагматик қатор занжирида шу сифат ёки равиш билан муносабатга киришаётган сўз орқали белгиланади. Туркий тилларда эса, масалан, ўзбек тилида сифат, равиш, сон ва ҳоказолар шакллари род тушунчаси билан алоқадор бўлмаганлиги учун бошқа сўзлар билан мазмунига қараб боғлана олади. Бундан ташқари, туркий тилларда артикл ва предлог сингари морфологик унсурлар бўлмаганлиги учун кслишк қўшимчалари алоҳида аҳамиятга эга. Бу ҳам, ўз навбатида, сўзлар муносабатининг кетма-кетлигини таъминловчи омиллардан бири ҳисобланади.

Турк тилшуноси А. Дилячар эътироф этганидек, туркий тиллар синтаксиси бир сўз билан иккинчисининг муносабатини вужудга келтирувчи боғловчи вазифасидаги махсус морфологик унсурлари билан ҳам Ҳинд-Оврупа тиллари синтаксисидан кескин фарқ қилади<sup>49</sup>. Туркий тилларда кўп ҳолларда сўзларнинг синтактик муносабати ёрдамчи морфологик воситалар кўмагисиз тўғридан-тўғри ўрнатилади. Шунинг учун сўзларнинг синтактик ёки семантик вазни ҳам турли омилларга кўра белгиланади. Масалан, феъл олдидан қўлланилган сўз алоҳида аҳамият касб этади ва мазмуни салмоғи билан бошқа сўзлардан ажралиб туради<sup>50</sup>. Туркий тилларда ана шу феъл олдидан қўлланилаётган сўз аксарият ҳолларда мантикий урғу олади ва гапнинг фаол бўлақларидан бири «рема» функциясида келади. Масалан, **Адолат бугун кинога боради** жумласида **кинога** сўзи мантикий урғу олаётга-

<sup>47</sup> Қаранг: Шербак А. М. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков /Глагол/. –Л., 1981. –С. 157.

<sup>48</sup> Қаранг: Ҳозирги ўзбек адабий тили II. –Тошкент, 1966. 3-4-бетлар.

<sup>49</sup> Қаранг: Дилячар А. Заметки о синтаксисе и грамматических функциях в турецком языке// *Turcologica*. –Л., 1976. –С. 66.

<sup>50</sup> Қаранг: Дилячар А. Кўрсатилган мақола. 67-бет.

нини кўрамиз. Айнан шу гапнинг рус тилидаги муқобили *Адолат сегодня пойдёт в кино* жумласида эса мазкур сўзнинг феълдан кейин келиши кузатилади. Айни пайтда мантикий урғу *сегодня* сўзига тушмоқда. Аммо шуни ҳам эътироф этмоқ керакки, сўз тартиби ўзгариши билан гапнинг фаол бўлаклари ҳам ўзгариши мумкин. Агар юқоридаги жумлани *Адолат кинога бугун боради* тарзида тасаввур этсак, *бугун* сўзнинг «рема» вазифасида келиши учун имконият яратган бўламиз.

Демак, гап унсурларининг у ёки бу тарзда фаоллашувида сўз тартибининг ҳам муҳим аҳамияти бор. Фикримиз исботи учун яна бир мисол келтирайлик: *Тог томондан майин шабада эсмоқда – Майин шабада тог томондан эсмоқда*. Биринчи гапнинг мазмуни марказида *майин шабада* бирикмаси ва иккинчи гапда шу манода *тог томондан* бирикмаси қатнашмоқда. Бошқача айтганда, сўз тартиби ўзгариши натижасида мантикий кесимнинг ўрни алмашмоқда ва сўзларнинг семантик функциялари ҳам ўзгармоқда. Бироқ, бизнингча, гап унсурларининг бу сингари тема-ремастик функцияларининг таҳлили семантик синтаксиснинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Функционал синтаксиснинг мақсади ва вазифалари эса бундан фарқ қилади.

Гап унсурларининг грамматик ва формал синтактик функциялари ҳам, ўз навбатида, турли мақсадларга кўра тадқиқ этилади. Масалан, гап бўлаклари нуқтаи назаридан, тил белгиларининг нутққа кўчирилиши нуқтаи назаридан ва ҳоказолар. Уларнинг ҳар бирининг аниқ мақсади ва вазифалари мавжуд. Мазкур ишда асосий эътибор кўпроқ гап унсурларининг қай ҳолатда синтактик фаоллашуви, аниқроғи, уларнинг қай даражада тилдан нутққа кўчирилиши ва нутқ доирасида тутган синтактик вазнига қаратилади.

Ушбу тадқиқотда назарий томондан Прага тилшунослик мактаби намоёндаларидан бири Андре Мартиненинг функционал таҳлил назарияси ғояларидан фойдаланилган бўлишига қарамай, А. Мартинедан фарқли равишда, тил ва нутқ бирлиги ва қарама-қаршилиги қонуниятига амал қилиш бош мезон саналади. Бундан ташқари, А. Мартиненинг функционал таҳлил назарияси Ҳинд-Оврупа тиллари материаллари замирида яратилган бўлиб, унинг айрим томонларини туркий тиллар материалларига нисбатан бошқачароқ

усулда тадбик этишга тўғри келади.

Этьироф этиш керакки, А. Мартиненинг функционал таҳлил назарияси бу соҳада ҳозиргача мавжуд ишлар ичида ўзининг мазмуни ва ғояси билан алоҳида ажралиб туради<sup>51</sup>. Унинг асосий мақсади гап унсурларини функцияларига кўра энг кичик нутқ бўлақларига /парчаларига/ тасниф этишдан иборат. Мартине тили билан айтганда: «Агар фонолагик таҳлил сўзларни энг кичик бирликлар фонемаларга ажратишдан бошланса, айти пайтда фикр билдириладиган таҳлил жумлани ёки унинг маълум қисмларини энг кичик /монемалар деб аталувчи/ нутқ бирликларига ажратишдан бошланади»<sup>52</sup>.

Монемалар мухтор /автоном/, функционал ва қарам бўлиши мумкин. Мухтор монемалар деганда, А. Мартине бошқа монемаларга қарам бўлмаган ва функция нуқтаи назаридан улар билан бирор муносабатга кирмаган, мустақил фаолият кўрсатувчи нутқ парчасини тушунади. Функционал монемалар вазифаларига кўра бошқа монемаларга функция беради. Қарам монемалар эса бошқа монемаларга функция бера олмайдиган ва шу билан бирга, ўзлари бошқа монемалар кўмагига мухтож бўлган нутқ парчаларидар<sup>53</sup>.

Кўринадики, Мартине «функция» деганда, тажриба ва кўникмамиздан келиб чикувчи нутқимизда қўлланиладиган унсулар ўртасидаги муносабатга асосланган тил ҳодисасини тушунади. Ана шунинг ўзи ҳам Мартине назариясининг бошқа тилшунослар ғояларидан тубдан фарқ қилишини кўрсатади.

Шундай қилиб, функционал таҳлил бобидаги илмий тадқиқотлар ичида, А. Мартине назарияси анча мукамал ва мантикий тушунчалардан холи кўринади. Бироқ бу билан уни айрим камчиликлардан йироқ деб бўлмайди, албатта. Бундай камчиликлар, асосан, функционал монема ва унинг синтактик таъсири доирасини белгилашда, тил ва нутқ дихотомиясининг баъзи шартларига риоя қилинмаганлигида, шунингдек, прагматик қоидалар эътиборга олинмаганлигида кўпроқ кўзга ташланади. Булар хусусида мазкур ишнинг кейинги саҳифаларида фикр билдирилади.

<sup>51</sup> Қаранг: Мартине А. Основы общей лингвистики// Новое в лингвистике, вып. III. –М., 1963.

<sup>52</sup> Қаранг: Мартине А. Ўша асар. 451-бет /Таржима бизники/.

<sup>53</sup> Қаранг: Мартине А. Ўша асар. 463-бет.

# СОДДА ГАП УНСУРЛАРИНИНГ СИНТАКТИК МУНОСАБАТЛАРИ

## 1-§. ТИЛ УНСУРЛАРИНИНГ ПАРАДИГМАТИК ҲАМДА СИНТАГМАТИК РЕЖАЛАРГА КЎРА БОҒЛИҚЛИГИ ВА ҚАРАМА-ҚАРШИЛИГИ

Парадигматика ва синтагматика тушунчалари Фердинанд де Соссюр номи билан узвий боғлиқдир. Зеро, тил унсурларининг парадигматик ва синтагматик режаларда ўрганилиши ва уларнинг шу режалар асосидаги муносабати масаласи тилшунослик фанида биринчилардан бўлиб Фердинанд де Соссюр таълимотида тилга олинган<sup>54</sup>. Тўғри, Соссюр ўз тадқиқотларида «парадигматика» атамасини ишлатмаган. Бу атама ҳозирги тилшуносликда кенг қўлланилмоқда. Бироқ Соссюр «ассоциация» атамасидан фойдаланган. Бу атама эса мазмуни эътибори билан «парадигматика» атамасининг бевосита муқобили ҳисобланади.

Парадигматика ва синтагматика тушунчалари асосида тил билан нутқнинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқлиги ва шу билан бирга қарама-қаршилиги қонуни ётади<sup>55</sup>. Қуйида ана шулар ҳақида фикр билдирилади.

Парадигматик муносабат тилнинг шундай унсурига хоски, бу унсурлар сўзловчи шахс онгида тил белгилари сифатида маълум захира тарзида яшайди. Уларни онгимиздаги тил жавоҳири дейишимиз мумкин. Бу унсурлар парадигматик қатор таркибида экан, улар замон тушунчасидан ҳам йироқ туради. Бошқача айтганда, парадигматик қатор унсурлари нутқ доирасидан ташқаридаги ноактуал тил белгиларини тақозо этади. Шунинг учун парадигматик қатор унсурлари ўртасида ўзаро муносабат ҳам бўлмайди. Масалан, от, феъл, сифат, олмош сингарилар бу қаторда алоҳида сўз туркумлари сифа-

<sup>54</sup> Қаранг: Соссюр Ф. де. Труды по языкознанию. –М., 1977. –С. 155-162.

<sup>55</sup> Қаранг: Турниёзов Н. Қ. Ўзбек тили структурал синтаксисига кириш. – Самарқанд, 1989, 27-28 – бетлар.



тида ўрганилиши мумкин. Агар тил белгиларининг ўзаро муносабати хусусида гапириш мумкин бўлса, бу ерда фақатгина бир сўз туркуми ичидаги кичик муносабатларни /микросинтагматик/ мисол келтиришимиз мумкин: *гапир+моқ, ишла+моқ, гўзал+лик, пахта+зор, темир+чи, палов+хўр* кабилар.

Кўринадики, парадигматик қатор унсурларининг микросинтагматик муносабати, асосан, бир сўз доирасида юз бериши мумкин бўлган морфемалар алоқасини тақозо этади. Демак, парадигматик қатор унсурларини морфологик унсурлар – морфемалар ва турли туркумларга хос сўзлар ташкил этади<sup>56</sup>/сўз бирикмалари ва гапларнинг парадигмаси бундан истисно/.

Синтагматик муносабатларни тил унсурларининг ўзаро жонли алоқаси орқали белгилаймиз. Бу муносабатлар натижасида сўз бирикмаларидан бошлаб матнгача бўлган синтактик қурулмалар вужудга келади. Синтагматик муносабатлар тил белгиларининг виртуалликдан фаоликка, умумийликдан аниқликка ўтишини, бир сўз билан айтганда, тилнинг нутққа кўчирилишини тақозо этади. В. М. Солнцев таъбири билан изоҳлаганда, тил синтагматикаси унинг парадигматикасининг яшаши учун макондир<sup>57</sup>. Демак, синтагматик муносабат учун замон тушунчаси муҳимдир. Чунки ҳар қандай жонли муносабат маълум бир замон оқимида юз беради.

Шундай қилиб, тил белгиларининг парадигматик режага асосланган муносабатини тик чизик /вертикал/ ва синтагматик режага бўйсунувчи муносабатини тўғри чизик /горизонтал/ бўйлаб таҳлил қиламиз. Бошқача айтганда, тил ҳодисаларини тик чизик ва нутқ ҳодисаларини тўғри чизик асосида ўрганамиз. Аммо бу тил белгилари нутққа кўчирилгач, тил элементлари саналмайди, деган гап эмас, албатга. Чунки ҳар иккала режа ҳам биринчи гада тил учун хизмат қилади ва тил унсурларига асосланади. В. М. Солнцев таъкидлаганидек, бу муносабатларнинг иккаласи ҳам тилга тегишли бўлиб, тил ҳодисаларининг тавсифи билан шуғулланади<sup>58</sup>. Бироқ тил нутқдан ташқари ҳолатда белгиларнинг ассоциатив ёки парадигматик муно-

<sup>56</sup> Қаранг: Сова Л. З. Аналитическая лингвистика. –М., 1970. –С. 47-75.

<sup>57</sup> Қаранг: Солнцев В. М. Язык как системно-структурное образование. – М., 1971. –С. 91.

<sup>58</sup> Қаранг: Солнцев В. М. Ўша асар. 65-бет.

сабатларини мужассам этса, нутқ доирасида уларнинг кетма-кет йўналишга эга бўлган жонли синтагматик алоқалари вужудга келади<sup>59</sup>. Мазкур ҳодисалар хусусида гапирганда, Ш. Балли тил белгилари нутқдан ташқари ҳолатда мавҳумлик ва умумийлик белгиларига эга, нутқ доирасида конкрет қўлланилганда эса, фаоллик даражасига кўтарилувчи унсурлар эканлигини уқдиради<sup>60</sup>.

Кўринадики, тилнинг парадигматик ва синтагматик режаларининг ҳар бири учун алоҳида белгилар йўқ ва бундай белгиларнинг бўлиши мумкин эмас. Бу режалар алоҳида йўналишларни тақозо этса ҳам бир хил белгилардан фойдаланади. Лекин, шундай бўлсада, парадигматик ва синтагматик режалар ўртасида сезиларли даражада зиддиятлар ҳам мавжуд. Бу зиддиятлар қуйидаги сабабларга асосланади: а/ парадигматик муносабатдаги тил унсурлари нисбатан ҳаракатсиз, синтагматик муносабатдаги тил белгилари эса ҳар доим фаолдир; б/ парадигматик муносабатдаги тил унсурлари учун грамматик замон категорияси бегона, синтагматик муносабатда эса улар ҳар доим маълум замон оқимига мослашади; в/ парадигматик муносабат мавҳум тил белгиларини, синтагматик муносабат эса фаол ва конкрет тил белгиларини тақозо этади; г/ парадигматик муносабатга кўра тил унсурлари сўз туркумлари доирасида, синтагматик муносабат доирасида эса улар гап бўлаклари доирасида таҳлил этилади. Бошқача айтганда, парадигматика кенг маънода морфологияни, синтагматика эса синтаксисни тақозо этади. Демак, парадигматика тилни, синтагматика нутқни акс эттиради<sup>61</sup>.

Парадигматика ва синтагматика тушунчалари ўртасидаги ўзаро боғланиш қуйидаги сабабларга кўра мавжуд бўлади: а/ тил унсурларининг парадигматик ва синтагматик таҳлилларининг ҳар иккаласида ҳам тил белгиларидан фойдаланилади; б/ синтагматик қаторнинг, ёки бошқача айтганда, синтагматик занжирнинг эҳтиёжи материал /хом ашё/ нуқтаи назаридан парадигматик қатор томонидан қондирилади; в/ парадигматик қатор унсурларининг конкрет қўлланиш макони синтагматик қатор саналади; г/ синтагма-

<sup>59</sup> Қаранг: Солнцев В. М. Ўша асар. 65-66-бетлар.

<sup>60</sup> Қаранг: Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. –М., 1955. –С. 53.

<sup>61</sup> Қаранг: Сова Л. З. Аналитическая лингвистика. –М., 1970. –С. 71-72.

тик қаторда гап бўлаклари деб номланадиган тил унсурларининг асосида парадигматик қатордаги сўз туркумлари ётади.

Айни пайтда шунга ҳам эътибор бериш керакки, парадигматик қаторда ҳам тил унсурларининг маълум даражадаги муносабатлари мавжуддир. Масалан, морфема таркибида фонемалар, сўз таркибида морфемалар муносабати шундан далолат беради. Лекин бундай муносабатлар тил унсурлари ўртасидаги турғун алоқаларни тақозо этади. Чунки морфема таркибидаги фонемалар ўрнини алмаштириш мумкин бўлмаганидек, сўз таркибидаги морфемалар ўрнини ҳам маънони ўзгартирмай алмаштира олмаймиз. Синтагматик занжир таркибида эса тил унсурларининг ўзаро муносабати турғун эмас, балки динамик хусусиятга эга алоқалардир. Шунинг учун бу ерда *Баҳор келди* жумласи ўрнига *Келди баҳор* жумласини ҳам ишла-тиш имконияти бўлади. Бундан ташқари, синтагматик занжир дои-расида нафақат сўзлар, балки тилнинг ҳар қандай белгиси ҳам дина-мик хусусият касб эта олади. Масалан, маълум бир фонема ўрнига иккинчисини /аллофонни/, маълум бир морфема ўрнига бошқасини /алломорфни/, бир гап ўрнига иккинчисини /синтактик нуқтаи на-зардан маънодош бўлган бирор гапни/ қўллаш мумкин.

## 2-§. ТИЛНИНГ МАВҲУМ ИФОДАДАГИ БЕЛГИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛЛАШУВИ

Тилнинг мавҳум ифодадаги белгилари, асосан, парадигматик қатор унсурларидир. Улар ўртасидаги муносабатларни ҳам син-тагматик қатор унсурлари ўртасидаги муносабатлар билан тенг-лаштириб бўлмайди. Парадигматик қатор унсурлари ўртасидаги муносабатларни тафаккуримиз, онгимиз орқалигина ҳис эта ола-миз, чунки улар аниқ ифодага эга эмас. Ф. Де Соссюр таъбири билан айтганда, бу муносабатлар юлдузлар сингари тарқоқ хол-дадир. Масалан, тусланиш, турланиш белгилари, сўз ясалиши усуллари ёки аффиксларнинг қўлланилиши ана шундай муноса-батларни вужудга келтиради<sup>62</sup>.

<sup>62</sup> Ф. де Соссюрнинг мазкур фикри хусусида қаранг: Слосарева Н. А. Теория Ф. де Соссюра в свете современной лингвистики. –М., 1975. –С. 73-74.

Парадигматик қатор унсурларининг мавҳум ифодада бўлиши асосий сабабларидан бири уларнинг тил системасининг умумий ва кенг маънога эга бўлган белгилари саналишидир. Ана шу белгилар тилдан нутққа кўчирилгач, мавҳумлик билан бир қаторда, улардаги умумийлик ҳам барҳам топади ва аниқлик даражасига кўтарилади. Лекин тил белгиси, парадигматик ва синтагматик режаларнинг қайси бирида ўрганилишидан қатъи назар, ўзининг икки сифатига кўра ажралиб туради. Улардан бирини ифодаловчи /означающее/ ва иккинчиси ифодаланувчи /означаемое/ деб аталади. Бу икки нарса тил белгиларининг доимий сифатлари саналади ва улар морфемалардан бошлаб гапгача, матнгача бўлган жуда катта ҳудуд бўйлаб таъсир кучига эга бўлади.

Ана шундай сифатларга барча тил белгилари, ҳатто тил билан нутқнинг яхлитлигини таъминловчи нутқий фаолият ҳам эгадир. Бу ҳақда айтилган Н. С. Трубецкойнинг қуйидаги фикри диққатга сазовордир: «Нутқда яхлит бир мазмун ифодасини берадиган хабар ҳар доим ифодаланувчи саналади. ...ифодаловчи эса товуш оқими, яъни эшитиш орқали идрок этиладиган жисмоний ҳолатдир. Тилдачи? Тилда нима ифодаловчи саналади? Агар тилда керакли равишда тартибга солинган ва мазмунан қисмларга бўлинadиган қонун ва қоидалар ифодаланувчи ҳисобланса, у ҳолда нутқ оқимининг товушга хос томонларини тартибга соладиган қонун ва қоидалар унинг ифодаловчиси бўла олади»<sup>63</sup>.

Шундай қилиб, тил белгиларининг ифодаловчи сифати уларнинг фаоллашуви масаласи билан узвий алоқадордир, зеро, белгиларнинг материал томони, яъни ифодаловчи сифати аксарият ҳолларда тайёр тарзда бериледи. Бу, асосан, морфема ва сўз каби тил белгилари мисолида аниқ кўзга ташланади. Тилнинг морфема ва сўздан катта белгилари синтагматик қаторда шаклланади<sup>64</sup>. Сўз бирикмаларининг гапда, гап шаклларининг эса нутқ доирасида фаоллашуви бунга мисол бўла олади. Ана шуларнинг барчаси тил белгиларининг қўлланилиши масаласи билан чамбарчас боғлиқ.

<sup>63</sup> Трубецкой Н. С. Основы фонологии. –М., 1960. –С. 8 (таржима бизники).

<sup>64</sup> Айни пайтда тил белгиси ҳақидаги тушунча гапга ҳам тааллуқлидир. Бу ҳақда қаранг: Гак В. Г. Высказывание и ситуация // Проблемы структурной лингвистики – 1972. –М., 1973. –С. 353-354.

Чунки фаол ҳолатда қўлланилиш имкониятига эга бўлмаган тил белгиси йўқ. Бошқача айтганда, тил системасидаги ҳар бир унсур зарур бўлганда фаоллик даражасига кўтарила олади.

Тил унсурларининг фаоллашуви учун ягона макон, аввал эслатиб ўтилгани сингари, синтагматик қатордир. Ҳатто оддий бир фонема ҳам горизонтал қатор доирасида фаол қўлланилгандагина актуаллашади. Шунинг учун Ф. де Соссюр тўғри чизик бўйлаб кетма-кетлик қонуни асосида фаоллик ифодасини олувчи турли қўшимчаларнинг /аффиксларнинг/ қўлланилиши ҳам ўзига хос синтаксис эканлигини қайд этган<sup>65</sup>. Масалан, *ёз* морфемасининг сўз маъносида қўлланилганда *ёзни*, *ёздан* каби турли келишк аффиксларини олиши, ёки *иш* морфемасининг сўз сифатида қўлланилиб *ишлар*, *ишларимиз*, *ишларимизнинг* каби турли морфологик шаклларда келиши энг кичик /микросинтагматик/ синтактик муносабатга мисол бўла олади. Агар мазкур сўзларга лексик деривация нуқтан назаридан ёндашсак, масалан, *ёзлик*, *ёз-лоқ*, *ёзламоқ*, *ишчи*, *ишла*, *ишламоқ* сўзларининг ҳосил бўлишини кўрамиз. Ана шуларнинг барчаси парадигматик қатор доирасида ҳам энг кичик синтактик муносабатлар мавжудлигидан далолат беради. Бундай муносабатларни тақозо этувчи синтаксисни кичик синтаксис деб номлаш мумкин. Бунда морфемалар муносабати статик характерда бўлади. Чунки сўз ясалиши ҳали бу унинг фаоллашуви деган гап эмас. Масалан, *камсув*, *камҳосил* каби ясама сўзлар композиция усулига кўра<sup>66</sup>, яъни ясовчи асос ва ясовчи формантлар асосида ясалган бўлса-да, уларда мавҳумлик ва умумийлик белгилари тўлиқ сақланади. Ҳатто сўз бирикмалари ҳам гапдан /нутқдан/ ташқари ҳолатда мавҳумлик ва умумийлик белгилари қуршовида бўлади. Бундай ҳолатнинг сабаби, бизнингча, тил белгиларида бўлиши шарт ҳисобланган икки сифатнинг фақат биттасининг фаоллашувидадир. Масалан, алоҳида олинган ҳар бир сўз ёки бирикма ўзининг материал томони билангина мавжуд бўлади. Уларни талаффуз этиш орқали белгининг иккинчи сифатини ҳам /ифодаловчи сифатини/ тасаввур этмоқчи бўлганимиз билан, мав-ҳум-

<sup>65</sup> Қаранг: Слюсарева Н. А. Кўрсатилган асар. 74-бет.

<sup>66</sup> Қаранг: Ҳожиев А. Сўз ясалиши ва лексика // Ўзбек адабий тили тараққиёти, III том. –Тошкент, 1971. 6-7-бетлар.

лик белгиси тарк этилмайди. Демак, тил белгисининг ҳар икки сифати ҳам синтагматик қатордагина беками-кўст фаоллик даражасига кўтарилади.

Сўз бирикмасини тақозо этувчи синтактик қурилма нутқдан ташқари ҳолатда аксарият ҳолларда ёлғиз бир сўзнинг мазмуни кенгайтирилган шаклини ифода этади. Масалан, *тез югурмоқ*, *икки қаватли бино* бирикмаларини олайлик. Бу ўринда *югурмоқ* ва *бино* сўзларининг мазмуни кенгайтирилмоқда. Демак, айна пайтда бир сўз диққат марказида туради. Аслида *югурмоқ*, лекин бошқаларидан фарқли равишда, *тез югурмоқ*, ёки аслида *бино*, аммо бошқа бинолардан фарқли равишда, у *икки қаватли*.

Кўринадики, тилда сўз, унинг маъноси ва товуш ифодаларидан муҳимроқ нарса йўқ. Шунинг учун А. А. Реформатский шундай деган эди: «Ишни мудом тил ҳодисаларидан бошламоқ керак. Тилда эса фонемалар, морфемалар, лексемалардан бошқа нарса йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас»<sup>67</sup>. Демак, тил системаси ҳажман катта ва нисбатан кичик белгиларнинг йигиндисидан ташкил топади. Шунга кўра, гап схемасини ҳам тил белгисининг бир кўриниши сифатида тан оламиз ва шу билан бирга, уни катта-кичик тил белгиларига фаоллик бахш этувчи макон деб тушунамиз. Гап ўз хусусиятига кўра, бир пайтнинг ўзида парадигматик ва синтагматик режаларнинг ҳар иккаласи билан алоқадор бўлади. У парадигматик режа билан ўз унсурларининг морфологик жиҳатдан қайсидир бир сўз туркумининг вакили эканлиги орқали боғланади. Бу сўзлар, албатта, гап таркибида конкрет қўлланилмагунларича мавхумлик ва умумийлик белгилари таъсирида бўлади. Масалан, у, *хат*, *ёзмоқ* сўзларининг фаоллашуви масаласига эътибор берайлик. Айна пайтда мазкур сўзлар мазмунан мавхум ва умумийдир. Аниқ мақсад ифодасини бериш учун уларни фаоллаштиришимиз ва синтагматик қатор шартларига риоя қилингани ҳолда кетма-кет талаффуз этишимиз керак: *У хат ёзмоқда*.

Шуни ҳам эслатиш лозимки, бу ҳилдаги тил унсурларининг фаоллашуви сўзловчи томонидан стихияли ва механик тарзда бажарилади. Чунки сўзловчи шахс, агар у ўз она тилида сўзлаёт-

<sup>67</sup> Қаранг: Реформатский А. А. Фонологические этюды. –М., 1975. –С. 15. /Таржима бизники/.

ган бўлса, ҳаётини тажрибасида жуда катта кўникма ҳосил қилган бўлади. Бундан ташқари, тил унсурларининг нутқда фаоллашуви сўзлашув муҳити билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун юқорида берилган гап *У хат ёзпти. У хат ёзди. У хат ёзмоқчи. У хат ёзади. У хат ёзар эмиш* ва ҳоказо тарзида ҳам ифодаланиши мумкин.

Тил унсурларининг конкрет фаоллашуви учун нутқ муҳитининг аҳамияти катта. Нутқ муҳити бўлмас экан, тил элементлари мавҳум ва умумийлигича қолади. Г. В. Степановнинг қуйидаги фикри буни исботи бўла олади: «Тил воқелигининг унсурлари бир бутун мазмун ифодасини бераётган бошқа унсурлар билан муносабатга киришганда, фақат ана шу муҳитдагина аниқлик даражасига кўтарила олади»<sup>68</sup>. Мисол учун қуйидаги гап унсурларининг фаоллашувига эътибор берайлик: *Турли-туман қушлар сайрамоқда* /Н. Сафаров. Наврўз, 31/. Берилган гап унсурларининг фаоллик даражасига кўтарилиши айни пайтда феъл тусланиш парадигмасининг *–моқда* мучаси орқали амалга ошган, зеро, гапнинг синтагматик занжири фақат шу унсур орқалигина шаклланмоқда. Аммо тубандаги гапнинг синтактик шакли эса нисбатан мураккаброқ усул орқали вужудга келган: *Поччам мени даст кўтариб аравага ўтқазди* / Н. Сафаров. Наврўз, 33/. Бу гапда олтига тил белгисининг нутққа кўчирилганлигини кўрамиз: *поччам, мен, кўтаришмоқ, арава, ўтқазмоқ*. Улардан кейинги иккитаси феъл тусланиш парадигмаси мучаси *–ди* ва келишиқ кўшимчаси *–га* орқали фаоллашмоқда. Биринчи ва иккинчи белгилар эса /поччам, мени/ эгаллик кўшимчаси *–м* ва келишиқ кўшимчаси *–ни* таъсирида фаоллик белгисини олган. Учинчи белги /даст/, бошқалардан фарқли равишда, мустақил ҳолатда фаоллашмоқда. Бошқача айтганда, унинг фаоллашувини таъминловчи нутқ муҳитидан бошқа бирор бир морфологик белги қатнашмаган.

Шундай қилиб, мавҳум ва умумий ҳолатда бўлган тил унсурлари парадигматик режани, аниқ мазмун ифодасини берувчи фаол ҳолдаги нутқ унсурлари эса синтагматик режани асослайди, деган хулосага келамиз. Тил унсурларининг /белгиларининг/ фаоллашу-

<sup>68</sup> Степанов Г. В. Типология языковых состояний и ситуаций в странах романской речи. - М., 1976. -С. 31. /Таржима бизники/.

ви эса ҳар бир тилнинг ўзининг ички имкониятлари билан узвий боғлиқ ва айнан ана шу имкониятлар парадигматик ва синтагматик режаларни бир-бири билан туташтирувчи омилар саналади.

Аввал қисман эслатиб ўтилганидек, парадигматик қатор оғушидаги тил унсурларининг микросинтагматик муносабатлари фаол ҳолда бўлмайди. Бу элементларнинг ҳақиқий фаоллиги фақатгина синтагматик қаторда таъминланади. Шунинг учун ҳатто фонологик элементлар ҳам синтагматик қатордагина фаоллик белгисини олади. Масалан, товуш нуқтаи назаридан ана шундай фаоллик ҳосил бўлади. Сўз туркумлари масаласига келсак, улар ҳам гап бўлаклари функциясидагина фаол саналади. «Бирор бир тушунча гап бўлаги вазифасини олиши учун, - деб ёзади Ш. Балли, унинг фаоллашуви зарур. Бутушунчанинг фаоллашуви унинг сўзловчи шахс эътиборига аниқ ўтиши демакдир, чунки оддий тушунчанинг ўзи онгнинг маҳсулоти бўлиб, у мавҳум ва умумий мазмунга эга»<sup>69</sup>.

Кўринадики, маълум бир тушунчанинг сўзловчи эътиборига тушиши билан тил унсурларининг нутққа кўчирилиши масаласи уйғунлашиб кетади. Аммо тил унсурларининг нутққа ўтиши, прагматик қоидалар, яъни маълум бир нутқ муҳити ва сўзловчининг истак-хоҳиши билан боғлиқ ҳолда, белгили ва белгисиз бўлиши ҳам мумкин. Ш. Балли бу ўринда «*имплицит*» ва «*эксплицит*» атамаларидан фойдаланади ва уларнинг ҳар иккисига ҳам тил белгилари фаоллашувининг алоҳида усуллари сифатида қарайди<sup>70</sup>.

Тил унсурларининг белгили фаоллашувида уларнинг ҳар икки сифатини /аниқловчи ва аниқланмиш/ ҳам аниқ ҳис қилиш мумкин. Белгисиз фаоллашуви эса тил белгиларининг нутқ доирасида яширин ҳолда иштирок этишини тақозо этади. Айни пайтда уларнинг бирор бир сифати рўйроқ ифодаланмайди. Шунга кўра, тил унсурларининг бундай фаоллашувини белгисиз фаоллашув деб аташ мумкин. Масалан: *Довуд баққол ҳужрани топиб олган эди* /Ш. Холмирзаев. Қил кўприк, 38/.

Берилган гап унсурларининг барчаси ҳам белгили тарзда фаоллашмоқда ва шу сабабли гап таркибида синтактик жиҳатдан

<sup>69</sup> Ш. Балли. Кўрсатилган асар. 87-бет (Таржима бизники).

<sup>70</sup> Қаранг: Ш. Балли. Кўрсатилган асар. 94-95-бетлар.



очиқ қолган /холи/ ўрин кузатилмайди. Аммо куйидаги гаплар мисолида бошқача манзарани кўрамиз:

1. *Мана бу лаҳмлардан кабоб билан ош қиласан. Қозон иккита* /П. Қодиров, Қадрим/

2. *Эрта кўкламда сумалак, кетидан исмалоқ, кейин қарабсизки, тут пишади. Майиз дейсизми, шинни дейсизми... Ҳам овқат, ҳам ўйин* /Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари, 19/.

3. *Ким айтди?! – Раъно* /Ў. Усмонов. Сирли соҳил, 5/.

Келтирилган мисолларда синтагматик занжирнинг бўш қолган ўринлари, яъни гап унсурларининг белгисиз берилиши куйидаги кўринишга эга: а/ биринчи мисолнинг иккинчи гапида **иккита қозон бор** жумласининг мазмуни **бор** сўзининг иштирокисиз **қозон иккита** ҳолида берилган; б/ иккинчи мисолда **ҳаммасидан бор** ёки **ҳаммаси мавжуд** жумласи туширилиб қолдирилган; в/ учинчи мисолда **Раъно айтди** ўрнига кесими яширинган эга қўлланилган /Раъно/.

Лекин энг муҳими шундаки, туширилиб қолдирилатган гап унсурлари берилаётган хабарлар мазмунида, яширин ҳолда келса-да, ўз таъсир кучига эга бўлмоқда. Бошқача айтганда, улар конкрет морфологик ифодасига эга бўлмаса-да, мазмунан англашилмоқда ва ўзлари қатнашаётган гап унсурларининг синтактик фаоллашуви учун кучли таъсир ўтказмоқда. Бу жараёнда, шубҳасиз, нутқ муҳитининг аҳамияти ҳам каттадир. Чунки ана шу сўз ва жумлаларнинг мазмунан сақланиши ва шаклан туширилиб қолдирилиши учун сўзлашув муҳити шароит яратиб бермоқда. Шунинг учун тил унсурларининг тилдан нутққа белгисиз ҳолда кўчирилишида тил ташки омилларининг аҳамияти ғоят салмоқли ва сезиларли бўлади.

Фикр исботи учун юқорида келтирилган биринчи мисолга яна бир бор назар ташлайлик: *Мана бу лаҳмлардан кабоб билан ош қиласан* гапида биринчи ва иккинчи сўзларнинг, қисман **лаҳм, кабоб** ва **ош** сўзларининг синтактик фаоллашувида феълнинг ҳам таъсири бор. Аммо иккинчи жумла унсурларига, яъни **қозон, иккита** сўзларига синтактик фаоллик бераётган бирор морфологик белги иштирок этмаган. Демак, уларни фаоллаштирувчи ёлғиз восита **бор** сўзини яширин ифодали қилиб келаётган нутқ муҳитидир.

Юқорида кўриб ўтганларимиздан ташқари, гап унсурларининг фаоллашуви жараёнида шундай ҳолатлар ҳам учрайдики, уларга кўра маълум бир сўз иккинчи сўзнинг синтактик фаоллашувига кўмак берса-да, унинг ўзи фаоллик даражасига кўтарилиши учун бошқа бир сўзнинг ёки нутқ муҳитининг ёрдамига муҳтож бўлиб қолади. Масалан, *кўча бог, бог эшик, дала ҳовли, сопол товоқ, ёғоч қошиқ* сингари бирикмалар гап таркибида келганда ана шундай вазият юз беради. Бу бирикмалардаги ҳоким сўзларнинг маълум бир семантик қирраларини изоҳлаб келаётган биринчи сўзлар нутқ муҳити таъсиридагина синтактик фаоллик белгисини олиши мумкин. Агар мазкур бирикмалар нутқдан ташқари ҳолатда олиниб таҳлил этилса, яъни уларга тил унсурлари сифатида қаралса, биринчи сўзлар иккинчиларига тўлиқ фаоллик бахш эта олмасда, маълум даражада аниқлик киритади, лекин ўзлари мутлақо мавҳум ва умумийлигича қолаверади. Ш. Балли таъбири билан айтганда: «Бирор бир мавҳум ва умумийлик мазмунидаги тушунча /виртуал/ иккинчи бир мавҳум тушунчага аниқлик киритар экан, унинг ўзи мавҳумлиги ва умумийлигича қолади»<sup>71</sup>.

Бу сингари бирикма унсурлари ўртасидаги синтактик муносабат ҳар доим битишув усулига кўра ифодаланади. Чунки у бирор морфологик белги ёрдамида амалга ошмайди<sup>72</sup>. Шунинг учун тил белгисининг синтактик фаоллашуви ҳар доим тилга тегишля воситалар билангина воқеланади, деб ўйламаслик лозим<sup>73</sup>, зотан, тил омилларидан ташқари, тилдан ташқарида яшовчи омиллар ҳам /экстралингвистик/ мавжуд бўлиб, улар тилдан нутқда фойдаланишда ғоят муҳим аҳамият касб этади.

### 3-§. ТИЛ УНСУРЛАРИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ФАОЛЛИГИ

Мазкур ишнинг олдинги саҳифаларида тил белгиларининг фаоллашуви ҳақида фикр билдирилган эди. Айни пайтда эса ана шу белгиларнинг нутқ занжиридаги вазифалари хусусида сўз юритилади.

<sup>71</sup> Балли Ш. Кўрсатилган асар. 101-6 (Таржима бизники).

<sup>72</sup> Қаранг: Тенишев Э. Р. Строй саларского языка. -М., 1976.

<sup>73</sup> Қаранг: Степанова А. Н. Об актуализации и референции лингвистического знака // Иностранные языки в школе, №1, 1985. -С. 15-17.

Кўриб ўтилгани сингари, ҳар бир тил белгисининг синтактик фаоллиги таъминланиши учун энг аввал у нисбатан каттарок белги тасарруфига кўчирилиб ўтказилмоғи лозим. Бошқача айтганда, тилнинг ҳар қайси белгиси ҳам ўзи мансуб бўлган белгилар доирасида фаоллаша олмайди. Масалан, фонема фонемалар ичида, морфема морфемалар қолипида, сўз сўз таркибида ва ҳ. к. чунки ҳар бир белгилар туркуми шу белгиларнинг ўзига хос даражадаги захираси саналади ва уларни мавҳум, умумий тушунчалар сифатида ўзида сақлайди. Шунинг учун, аввал қисман эслатиб ўтилганидек, фонема морфема ёки сўз доирасида, морфема сўз қолипида, сўз гап қолипида ва ҳ. к. фаоллик белгисини олади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тил унсурларининг поғонали /иерархик/ муносабати тилнинг энг кичик бирлиги фонемадан бошқа барча бирликларда кузатилади. Чунки фонема ўзидан кичик бўлган бошқа бирликнинг яшаши учун макон бўлолмайди.

Шу нарса характерлики, ҳар бир лингвистик сатҳ ўзидан олдинги сатҳга тегишли бўлган унсурлар эвазига шаклланади: морфема ўзидан кичик фонемалардан /бир товушли морфемалар бундан истисно/, сўз морфемалардан /сўз-морфемалардан ташқари/, гап эса сўзлардан /сўз-гаплар бунга қирмайди/ ташкил топади. Бу эса, ўз навбатида, иерархик муносабатнинг поғонали эканлигини кўрсатади. С. Д. Кацнельсон таъбири билан айтганда, тилнинг ҳар бир сатҳи ўзича алоҳида поғонани тақозо этади<sup>74</sup>.

Тил унсурлари сатҳлараро қийматга эга бўлиши ҳам мумкин. Бунга фонеманинг морфема ўрнида, морфеманинг сўз ва ҳатто гап ўрнида келиши, сўзнинг гап, кези келганда матн вазифасини бажара олиши мисол бўла олади.

Тил унсурларининг бу тахлит сатҳлараро қийматга эга бўлиши уларнинг қарама-қаршилигини кўрсатибгина қолмай, ўзаро боғлиқлигини, бири иккинчиси билан функционал фаоллиги доирасида алмашиши ҳам мумкинлигини намоён этади.

Ана шулардан келиб чиқиб, тил белгиларининг синтактик фаоллашувини уларнинг функционал фаоллиги билан бир хил ҳодиса деб тушунмоқ керакми, деган савол туғилиши табиийдир.

<sup>74</sup> Қаранг: Кацнельсон С. Д. О понятии уровня в современном языкознании // Тезисы докл. На дискуссии о проблеме системности в языке. –М., 1962. – С. 5.

Бу саволга, бизнингча, ижобий жавоб бериш мақсадга мувофиқ бўлади, зеро, синтактик жиҳатдан фаоллашмаган белги на семантик, на синтактик функция бажара олади. Ёки аксинча, семантик ёхуд синтактик функция бажараётган ҳар қандай белги мавҳум ва умумий мазмунда бўлмайди. Белгининг синтагматик қатор занжири доирасида белгилли ёки белгисиз тарзда берилиши эса унинг функционал фаоллиги учун сезиларли даражада аҳамиятга эга эмас.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш лозимки, синтагматик занжир доирасида синтактик жиҳатдан мухтор ҳолатда фаоллашаётган тил белгилари ҳар доим ифодали тарзда бериледи ва бундай белгилар маълум бир гап орқали ифодаланаётган хабарнинг умумий мазмунини кенгайтириш ёки изоҳлаш учун хизмат қилади. Бироқ гап унсурларининг семантик ва синтактик мақсадларга кўра фаоллашувини бир-биридан фарқламоқ керак. Чунки семантик мақсадга кўра фаоллашаётган сўз иштирокисиз гап тузилиши мумкин, синтактик мақсадга кўра фаоллашаётган сўз иштирокисиз эса, у айниқса белгилли ҳолатда бўлса, гап тузилиши қийин. Бу қоида ҳатто сўз бирикмалари учун ҳам характерлидир: *катта анжуман, пўлат сандиқ, салмоқли режа*.

Маълумки, бу сингари бирикмалар мучаларининг иккинчиси ҳоким саналади. Демак, унинг семантик вазни биринчи муча вазнидан ортик. Аммо синтактик функцияси нуқтаи назаридан биринчи сўзнинг иккинчисига нисбатан салмоғи каттароқдир. Чунки унинг иштирокисиз сўз бирикмасининг синтактик шакли вужудга келмайди. Шунинг учун реал қўлланилган тил унсурларининг семантик вазни билан синтактик салмоғини фарқламоқ зарур.

Фикр исботи учун кўйидаги мисоллар таҳлилига тўхтаб ўтайлик:

1. *Қумри эшик олдидаги озода сахни кўздан кечирди / Х. Фулом. Тошкентликлар, 28/.*

2. *Бироздан кейин бизнинг суҳбатимиз қизиб кетди / Х. Шамс. Танланган асарлар, 30/.*

3. *Қишлоқ уйлари қингир-қийшиқ пахсадан / Ойбек. Покистон таассуротлари, 293/.*

Келтирилган мисолларининг биринчисида гапнинг бевосита иштирокчи унсурлари сони еттита, тил белгилари сони эса ўн тўртта /Қумри, эшик, олди, -и, -да, -ги, озода, сахн, -ни, кўз, -дан, кеч, -ир, ди/. Ҳар бир тил белгисининг умумий синтактик

фаоллиги, албатта, гапнинг бош бўлаклари /Кумри ва кўздан кечирди/ билан бевосита боғлиқ. Бироқ гап таркибида *эшик олдидаги озода саҳни* тарзида берилаётган ва ҳаракат объекти функциясини бажараётган алоҳида синтагматик гуруҳ ҳам мавжуд бўлиб, унда –даги /олдидаги/ ва –ни /саҳни/ аффикслари бирикма таркибидаги сўзларни синтактик фаоллаштирувчи омиллар /актуализаторлар/ сифатида иштирок этмоқда. Мазкур бирикма таркибидаги сўзлар юқорида берилган гапнинг предикатив бўлаклари мазмунини тўлдириш мақсадида синтактик фаоллашаётган бўлса-да, улар ўртасидаги ўзига хос алоҳида семантик мақсад ҳам кўзда тутилаётганини кўрамиз. Масалан, *эшик олдидаги, озода* сўзлари *саҳн* сўзи учун, аниқроғи, унинг маъносига аниқлик киритиш учун хизмат қилмоқда ва шу мақсадда синтактик муносабатга киришган.

Юқорида берилган иккинчи гап мисолида биз муғлақо бошқача манзарани кўрамиз. Семантик жиҳатдан бу гапнинг туб /семантик/ структураси унинг қуйидаги унсурлари билан боғланган: *қизиб кетди*. Гапнинг барча бошқа унсурлари /айни пайтда учта сўз ёки бешта белги/ унинг умумий /юзак/ синтактик шаклини яшаш учун қўлланмоқда. Ана шу тарзда берилган гапнинг умумий синтактик шакли ҳосил қилинмоқда. Унинг таркибидаги сўзлар сони олтига бўлса, уларни синтактик функцияларига кўра фаоллаштирувчи тил белгилари сони бештага етган /-дан, -нинг, -и, -ми, -ди/.

Учинчи гап унсурларининг синтактик фаоллашуви ва функционал сифатлари юқорида таҳлил этилган гапнинг бевосита иштирокчи унсурларига нисбатан бошқачароқ ифодаланган. Бунда *уйлари, бари, пахсадан* каби сўзлар бошқа морфологик воситалар ёрдамисиз синтактик фаоллик олмақда. Бу воситалар иштирок этганда, уларнинг морфологик шакллари қуйидагича бўларди: -нинг /уйларининг/, -си ҳам /бариси ҳам/, ясалган /пахсадан

---

\* Гапнинг туб структураси ҳақида сўз юритилганда шуни айтиш лозимки, у ҳозиргача мавжуд назарияга биноан гапнинг семантик структураси асосини ташкил этувчи энг зарур унсурларнигина кўзда тутати /Қаранг: Падучева Е. В. О семантике синтаксиса. Материалы к трансформационной грамматике русского языка. –М., 1974. –С. 7-8/. Бироқ гапнинг туб структурасини бу тарзда белгилаганда, жумланинг мазмуни ифодаси учун муҳим бўлган унсурларнинг фақат бир қисми эътиборга олинади. Бу эса, ўз навбатида, туб структура ҳақидаги назариянинг ҳали изоҳталаб эканини кўрсатади.

ясалган/. Албатта, мазкур морфологик унсурларнинг белгисиз ҳолатда фаоллашуви, биринчидан, тил воситаларини тежаш мақсадида бўлса, иккинчидан, уларнинг услубий ортиқча қўлланилишига йўл қўймаслик учун қилинган. Буларнинг барчаси тил меъёри доирасидан четга чиқмаган ҳолда юз бермоқда. Шунинг учун белгисиз ҳолатда англашилаётган барча морфологик воситаларни функцияларига кўра гапнинг умумий /юзаки/ синтактик шакли доирасида фаол деб ҳисобламоқ даркор.

Айни пайтда гапнинг семантик шакли, асосан, уйлар /и/ паҳса /дан/ предикативли бирикмаси орқали ифодаланган ва у жумланинг умумий синтактик шаклланиши учун асос бўлмоқда.

Шундай қилиб, тил унсурларининг синтактик фаоллашуvidан, асосан, қуйидаги мақсадлар кўзда тутилади:

а/ мавҳум ва умумийлик мазмундаги белгилар аниқ /ягона/ маъно касб этади ва парадигматик қатордан, яъни тилдан нутққа кўчирилади;

б/ ҳаракатсиз белгилар жонлантирилади ва натижада, уларнинг бошқа белгилар билан синтактик муносабатлари шаклланади;

в/ белгининг «ўзи ўзи учун» қабилидаги сифати бекор қилинади ва ундан тилнинг бошқа белгиларини фаоллаштиришда ҳам фойдаланилади.

г/ сўз туркумлари гап бўлаклари тушунчаси билан алмаштирилади.

#### 4-§. ГАПНИНГ БЕВОСИТА ИШТИРОКЧИ УНСУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ СИНТАГМАТИК МУНОСАБАТЛАРИ

Ҳар қандай гап ҳам тил унсурларининг бевосита синтагматик муносабатларини тақозо этади. Бошқача айтганда, тил унсурларининг фонетик, морфологик, синтактик ва семантик сифатларининг барчаси гап доирасидагина ўзининг ҳақиқий ифодасини топади. Демак, гап тил илми учун хизмат қиладиган барча соҳалар компонентлари ва уларнинг қонун-қоидаларининг кесишиш чизиғи ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, гапнинг қурилиш материали сўз саналади. Анъанага кўра гапнинг қурилиш материали

деб талқин этилиб келган сўз бирикмаси бундан истиснодир. Чунки, сўз бирикмаси /эркин бирикма/ тилда тайёр ҳолда мавжуд бўлмайди, унинг шаклланиши гап сатҳида рўй беради. Шундай бўлгач, сўз бирикмасини гапнинг қурилиш материали деб аташ ҳақиқатдан йироқдир. Демак, одатдаги синтаксиснинг асосий текширув объекти гапдир.

Мазкур ўринда «одатдаги синтаксис» тушунчаси қўлланилди. Бунинг боиси шундаки, сўз сатҳида қўлланилган морфемалар ҳам, аввал эслатиб ўтилганидек, микросинтагматик муносабатни ташкил этади. Бу эса, ўз навбатида, синтаксисни иккига – катта ва кичик синтаксисларга бўлишни тақозо этади. Катта синтаксисда динамик характердаги, кичик синтаксисда эса статик характердаги синтактик муносабатлар текширилади. Бошқача айтганда, сўз ва сўз бирикмасининг нутқдан ташқари ҳолатдаги шакли доирасидаги микросинтагматик муносабатлар кичик синтаксисда, гап компонентларининг синтактик муносабатлари эса катта синтаксисда ўрганилади.

Маълумки, гапнинг зарурий бевосита иштирокчи унсурлари анъанавий синтактик таҳлилга кўра эга ва кесим саналади. Функция нуқтаи назаридан эганинг бош вазифаси кесимга синтактик фаоллик бахш этиш бўлса, кесимнинг асосий вазифаси, ўз навбатида, эгага шундай сифат беришдан иборатдир. Агар уларни шартли белгилар билан ифодаласак, қуйидагича бўлади: S + V. Лекин гап таркибида эга билан кесимдан ташқари иккинчи даражали бўлақлар ҳам иштирок этаётган бўлса, /яъни X элементлар/, у ҳолда гап унсурларининг айримлари S /эга/ тасарруфида келса, бошқалари V /кесим/ тасарруфида бўлади. Умуман, содда гап шаклининг ҳар қандай кенгайтирилиши ана шу икки унсурнинг синтактик муносабатлари доирасида амалга ошади. Тўғри, гапнинг иккинчи даражали бўлақларининг синтактик тасарруфи ҳам кенгайиши мумкин. Аммо иккинчи даражали бўлақларнинг гап таркибига киритилишидан асосий мақсад эга ёки кесим мазмунини кенгайтириш, тўлдиришдан иборат бўлиб, ана шу жараёнда /бир пайнинг ўзида/ уларнинг синтактик тасарруфи ҳам кенгайиб, мураккаблашиб боради. Чунки гапнинг бош бўлақлари ҳар қандай шароитда ҳам /хатто белгисиз берилган пайтда ҳам/ унинг ҳоким унсурлари бўлиб қолади.

Куйидаги гапларнинг бевосита иштирокчилари синтагматик муносабатларини конкрет мисоллар орқали кўриб ўтайлик:

1. *Чўлпоннинг сўзи Жўрабекни ҳушёр торттирди* /М. Қориев. Қиз узатиб борганда, 27/.

2. *Момақалди роқ пайтида кичик ирмоқлар ҳам дарёдек тошади* /С. Кароматов. Сўнги бархан, 24/.

3. *Боядан бери қўлимда паспортни ушлаб ўтирганимни энди билдим* /Ў. Ҳошимов. Икки эшик ораси/.

Гапнинг бевосита иштирокчи унсурлари синтагматик муносабатларини тик чизик асосида ёки тўғри чизик асосида тадқиқ этиш мумкин. Шунга кўра, берилган гапларнинг БИ /бевосита иштирокчилар/ унсурлари таҳлилни аввал тўғри /горизонтал/ чизик асосида кўриб ўтамыз.

БИ таҳлили шартига кўра ҳар қандай жумла ёки гап шакли таҳлилнинг биринчи босқичида икки катга синтагматик гуруҳга бўлинади ва бу гуруҳлар бевосита иштирокчи унсурларни сўнги босқичларда белгилаш учун асос бўлади<sup>75</sup>.

1. *Чўлпоннинг сўзи / Жўрабекни ҳушёр торттирди.*

2. *Момақалди роқ пайтида / кичик ирмоқлар ҳам дарёдек тошади.*

3. *Боядан бери / қўлимда паспортни ушлаб ўтирганимни энди билдим.*

Кўринадики, таҳлилнинг биринчи босқичида синтактик фаоллашуви бири иккинчиси билан узвий боғлиқ бўлган БИ унсурлар алоҳида гуруҳларга бўлинади. Таҳлилнинг иккинчи босқичида ана шу гуруҳлар таркибида фаоллашаётган БИ унсурлар /ўзларининг бевосита синтагматик муносабатларига қараб/ яна иккига бўлинади:

1. *Чўлпоннинг // сўзи / Жўрабекни // ҳушёр торттирди.*

2. *Момақалди роқ // пайтида / кичик ирмоқлар ҳам / арёдек тошади.*

3. *Боядан // бери / қўлимда паспортни ушлаб ўтирганимни // энди билдим.*

Таҳлил ана шу тарзда гап таркибида бўлинмайдиган алоҳида

<sup>75</sup> Қаранг: Бархударов Л. С. Структура простого предложения современного английского языка. -М., 1966. -С. 20-24; Бўронов Ж. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. - Тошкент, 1973. 35-39-бетлар.



сўзлар ҳосил бўлгунга қадар давом эттирилади ва ҳар сафар чизиклар сони ҳам биттага ортиб боради:

1. Чўлпонинг // сўзи / Жўрабекни // ҳушёр торттирди.

2. Момақалдироқ // пайтида / кичик /// ирмоқлар /// ҳам дарёдек /// тошади.

3. Боядан // бери / қўлимда /// паспортни /// ушлаб ўтирганимни / энди /// билдим.

Мазкур таҳлил усулининг афзаллик томони шундаки, у орқали гап унсурларининг синтактик фаоллашуви йўлларини жуда осон аниқлаш мумкин, зеро, ҳар бир гуруҳ таркибидаги БИ унсурларнинг ўзаро муносабатлари бунга катта имконият яратади. Бу муносабатларни қисқа ва лўнда қилиб қуйидаги тарзда шартли белгилар ёрдамида ҳам кўрсатиш мумкин:


1.  $P = GN + GV$ ;  $GN = N_1 + N_2$ ;  $GV = N + V$  [1. Шартли белгилар қуйидагиларни билдиради: P-гап; GN-от тасарруфидаги гуруҳ; GV-фeyл тасарруфидаги гуруҳ; N-от ва унинг ўрнида келайтган бошқа бирор сўз; V-фeyл ёки унинг ўрнидаги сўз; d-ҳар қандай аниқловчи ёки ёрдамчи унсур; рақамлар эса гуруҳ таркибидаги бир туркумдаги унсурларнинг миқдорини билдиради.]

2.  $P = GN + GV$ ;  $GN = N_1 + N_2$ ;  $GV = d_1 + N_1 + d_2 + N_2 + V$ .

3.  $P = GN + GV$ ;  $GN = N + d$ ;  $GV = GN + GV$ ;  $GN = N + N_1 + N_2$ ;  $GV = d + V$ .

Шуни эслатиб ўтиш лозимки, формулаларнинг ҳар бири юқорида келтирилган конкрет гапларни тақозо этади. Шунга кўра, ҳар бир шартли белги гап таркибида синтактик фаоллашган аниқ бир сўзнинг тимсолидир. Формулаларнинг ишлатилишига келсак, улар гап таркибидаги бевосита иштирокчи унсурларнинг синтагматик алоқаларини аниқ ва ихчам ҳолда тасвирлаш мумкин.

Берилган гапларнинг БИ унсурлари синтагматик муносабатларини вертикал чизик асосида қуйидагича акс эттира оламиз:



Кўринадики, гап унсурларининг бевосита синтактик муносабатларини тўғри чизик орқали кўрсатилганидек, вертикал чизик асосида ҳам ўта ихчам ва аниқ қилиб ифодалаш мумкин. Айниқса, ниманинг нима билан биринчи ва иккинчи даражали синтактик алоқаси борлиги уларда жуда яхши ифода этилади. Бироқ гап унсурлари алоқаси вертикал чизик бўйлаб ифода этилганда, синтактик муносабатлар асосида қандай воситалар ётиши ва қайси гап унсури қандай синтактик фаоллик олаётгани каби қатор масалалар ўз ечимини топа олмайди ва натижада, гапнинг бевосита иштирокчи унсурларининг функционал вазни ва фаоллиги масаласи ҳам очиқ қолади. Шунинг учун гап унсурларининг структур-функционал таҳлилини тўғри чизик асосида олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Чунки, бу хилдаги таҳлил орқали гап таркибидаги ҳар бир катта-кичик унсурларнинг, ҳатто одатда гап бўлаги саналмайдиган унсурларнинг ҳам функционал фаоллиги қай даражада эканлигини аниқ ва равшан кузатиш мумкин. Фикримиз исботи учун қуйидаги гапнинг тўғри чизик асосидаги таҳлилга эътибор берайлик:

*Лекин Сауднинг аризаси ўша воқеага боғлиқ* /А. Мухтор. Чинор, 349/.

Мазкур гап таҳлилининг биринчи босқичида икки катта БИ гуруҳга бўлинади: *Лекин Сауднинг аризаси* от тасарруфидаги БИ гуруҳи /GN/ ва *ўша воқеага боғлиқ* феъл тасарруфидаги БИ гуруҳи /GV/. Гапнинг умумий шаклини бундай гуруҳларга ажратишдан асосий мақсад эга ва кесим синтактик майдонларининг нималар эвазига кенгайганлигини аниқлашдан иборат. Таҳлилининг сўнги босқичларида эса кичик БИ гуруҳлар ажралиб чиқади ва натижада, гап таркибидаги ҳар бир унсурнинг функционал фаоллиги ҳақида керакли маълумотларни аниқлаш имконига эга бўламиз. Масалан, берилган мисолда от тасарруфидаги БИ гуруҳи унсурлари орасида *-нинг* келишик ва *-и* эгалик аффикслари функционал фаоллиги жиҳатидан алоҳида ажралиб турибди. Бошқача айтганда, ана шу БИ гуруҳининг синтагматик занжири ясалиши учун улар асосий воситалар ҳисобланади.

Иккинчи БИ гуруҳининг феъл тасарруфидаги унсурлари орасида эса *-га* аффиксининг фаоллигини кўрамиз. Бу аффикс айтилганда эга билан кесим муносабатини такомиллаштирибгина қол-

май, феъл тасарруфидаги БИ гуруҳи унсурларининг от тасарруфидаги БИ гуруҳи унсурлари билан ўзаро синтактик ва семантик алоқалари учун ҳам восита бўлмоқда. Бундан ташқари, кесимнинг функционал вазни учун белгисиз ҳолда берилаётган **-дир** /боғлиқдир/ аффиксининг ҳам маълум даражада аҳамияти бор.

Шундай қилиб, гап унсурларининг синтагматик муносабатлари ҳақидаги мулоҳазамизни куйидаги хулосалар билан якунлаймиз:

1) парадигматик ва синтагматик режалар тил белгиларининг турлича муносабатларини ифодалайди. Уларнинг биринчисида мавҳумлик ва ноаниқлик белгилари устунлик қилади, иккинчисида эса актуаллик аломатлари асосий ўрин тутади. Аммо шунга қарамасдан, бу режалар бири иккинчиси билан чамбарчас боғлиқдир;

2) тилнинг мавҳумлик ва умумийлик хусусиятларига эга барча белгилари, уларнинг катга ва кичиклигидан қатъи назар, фақат синтагматик қатордагина фаоллик даражасига кўтарила олади. Шунинг учун тил белгиларининг функционал фаоллиги ҳам синтагматик қатор доирасида шаклланади ва мустаҳкамланади;

3) тил белгиларининг функционал характеристикаси билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган фаоллашуви масаласи икки хил усул билан рўёбга чиқиши мумкин. Бу усулларнинг бири белгили бўлса, иккинчиси белгисиздир;

4) тил белгилари белгили ёки белгисиз фаоллашганда ҳам асосий омиллардан бири нутқ муҳити саналади;

5) ҳар қандай синтагматик қурилма шакли ва мазмуни унинг БИ унсурларининг функционал фаоллиги даражаси билан боғлиқ бўлади;

6) тил белгисининг синтактик фаоллиги унинг семантик вазни билан боғлиқ эмас. Шу сабабли оддий аффикс ҳам синтактик фаоллиги ёки вазифасига кўра айрим мустақил ва ўз лексик маъносига эга бўлган сўзлардан устун туриши мумкин.

# ГАП СТРУКТУРАСИ БЕВОСИТА ИШТИРОКЧИ УНСУРЛАРИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ТАҲЛИЛИ

## 1-§. ГАП УНСУРЛАРИНИНГ МОНО- ВА ПОЛИФУНКЦИОНАЛЛИГИ

Ишнинг олдинги саҳифаларида тил белгиларининг парадигматик ва синтагматик режаларга кўра ўрни масаласи билан атрофлича танишиб ўтдик ва бу жараёнда ҳар бир тил белгисининг функционал фаоллиги у тилдан нутққа кўчирилгач вужудга келишини аниқладик. Айни пайтда эса бош мезон тил белгиларининг гап таркибидаги функционал тавсифини белгилашдан иборат.

Маълумки, гап сўзларнинг ўзаро синтактик муносабатини тақозо этади. Бошқача айтганда, гапнинг умумий қурилиши сўзлар муносабати орқали таъминланади, чунки сўз ёрдамида предмет ва ҳодисалар номланади. Аммо предмет ва ҳодисалар, ўз қонуниятларига кўра, сўзга алоқаси бўлмаган ҳолда мавжуддир. «Кўриниши, шакли бор нарсаларнинг акси онгимизда ўрнашиши мумкин, - дейди А. Рустамов, - лекин шаклсиз нарсаларни биз фақат сўз шаклида ўзлаштирамиз»<sup>76</sup>. Ана шунинг ўзи ҳам сўз тилимизнинг қуроли, унинг юраги эканлигидан далолат беради. Шунинг учун сўз нутқда бир пайтнинг ўзида ҳам шакл, ва ҳам синтактик функция ифодасини бера олади. Шу боис у тилимизнинг ва нутқимизнинг барча имкониятларини яратувчи кучга эга. Демак,<sup>77</sup> сўз тилнинг энг серқирра ва кўп функцияли категориясидир. Бундай сифатга тилнинг бошқа категорияларидаги бирорта унсури эга эмас. Оддий бир мисол келтирайлик. Кўпгина сўзлар бир пайтнинг ўзида морфема структурасини ҳам тақозо этади. Лекин бу сўзларга морфема тарзида қарасак, уларнинг полифункционаллиги ўз-ўзидан инкор қилинади. Масалан, **сир**, **нон**, **кон** каби сўзларни ўзак морфемалар категориясига ҳам киритиш мумкин.

<sup>76</sup> Рустамов А. Сўз хусусида сўз. -Тошкент, 1987. 8-бет.

<sup>77</sup> Қаранг: Будагов Р. А. Введение в науку о языке. -М., 1965.

Аммо морфемалар, сўзлардан фарқли равишда, синтагматик қатор доирасида ҳаракат қила олмайди. Улар учун асосий макон сўздир. Морфемалар синтагматик қатор доирасига сўз орқали, унинг таркибидагина киритилади. Сўзлар эса бу қаторда эркин ҳаракат қилади. Қиёсланг: *Баҳор келди – Келди баҳор. Ҳаво иссиқ – Иссиқ ҳаво. Сир сақланди – Сақланди сир. Нон ёпилди – Ёпилди нон. Кон очамиз – Очамиз кон.*

Кўринадики, сўз синтагматик қаторда эркин ҳаракат қила олгани учун бир мазмуннинг турлича синтактик ифодаси шакллари бера олади. Морфемалар эса, нафақат синтагматик қатор доирасида, балки сўз доирасида ҳам ҳаракат қила олмайди. Лекин, шундай бўлса-да, синтагматик қаторда морфемаларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуддир. Масалан, улар бир сўз доирасидан чиқа олмагани ҳолда, шу сўзнинг иккинчи бир сўз билан синтагматик муносабатларини ташкил этади. Бу соҳада, айниқса, сўзларнинг кетма-кет алоқасини ўрнатувчи шакл ўзгартирувчи аффиксал морфемаларнинг аҳамияти катта.

Юқоридагилардан ташқари, сўзнинг яна бир муҳим томони борки, у кўп пайтларда ўз морфологик категорияларига хос имкониятлар доирасидан чиқа олади. Фикримиз исботи учун қуйидаги мисоллар таҳлиliga тўхтаб ўтайлик:

1. *Тапур-тупур от чонаётганлар – бўй етган хушрўй қизлар* /П. Кодиров. Авлодлар довони, 8/.

2. *Бу жой дарёнинг тирсаги.* /Й. Шамширов. Ворислар, 5/.

3. *Бир-бирин кифтлаган қоялар-соҳил қалқонлари* /Й. Шамширов. Ворислар, 5/.

4. *Бу уй уста Сафарнинг меҳмонхонаси экан* /О. Ҳусанов. Тақилман узук, 26/.

5. *Шаҳар кўчаларида лола кўтарган қизларни кўрсам, ўзимнинг ҳам ҳавасим келарди* /Ў. Ҳошимов. Икки эшик ораси, 17/.

Биринчи гапда от категориясига мансуб *қизлар* сўзи транспозицион ҳолатга тушиб феъл функциясида келаётганлигини кўра-миз. Айни пайтда унга шу функцияни бераётган *бўлмоқ* феълнинг -дир шакли /қизлардир/ яширин ҳолда келмоқда. Бирок., шундай бўлса-да, у *қизлар* сўзини нафақат морфологик категорияси мазмунига, балки синтактик функцияси мазмунига ҳам таъ-

сир этмоқда. Бошқача айтганда, бу сўз от бажариши мумкин бўлган тўлдирувчи, изоҳловчи, аниқловчи ва ҳоказо функцияларнинг бирида эмас, балки гапнинг бош бўлақларидан бири кесим вазифасида келмоқда.

Айнан шу сингари транспозицион ҳолатни келтирилган иккинчи гап таркибидаги **тирсаги** сўзи мисолида ҳам кўрамыз. Учинчи, тўртинчи ва бешинчи мисолларда **соҳил**, **Уста Сафар**, **шаҳар** сўзларининг морфологик нуқтаи назардан сифат функциясини бажараётганлигини ва синтактик нуқтаи назардан эса аниқловчи функциясида келаётганини кўрамыз. Чунки **қалқонлар**, **меҳмонхона**, **кўчалар** сўзларининг маънолари улар томонидан аниқланмоқда.

Гап таркибида бирор сўзнинг ўз морфологик категориясидаги сўзларга хос белгилар доирасидан чиқиб, иккинчи бир категориядаги сўзлар белгиларини қабул қилиши Ш. Балли фикрига кўра функционал транспозиция ҳодисаси деб аталади<sup>78</sup>.

Функционал транспозиция ҳодисасини ҳар қандай морфологик категорияга хос сўзлар мисолида ҳам кузатиш мумкин:

1. *Илгарилари одамларнинг дард-ҳасрати, илтимосларини тинглаш, уларга қўлдан келгунча кўмаклашиш Фаттоҳ Ўлмасбоевга завқ багишларди /Ў. Усмонов. Сирли соҳил, 137/.*

2. *...уни жеркиб ташлашдан ўзини зўрга тийди /Ў. Усмонов. Сирли соҳил, 170/.*

3. *Икки кун кўзлаб борилган қудуқ қуруқ чиқиб, айланиш йўлдан уч доvon ошиб сув излашга тўғри келди /А. Мухтор. Чинор, 19/.*

4. *Бешинчи қурилиш трестида бухгалтер эдим /Ў. Усмонов. Сирли соҳил, 173/.*

5. *Мунча иштин бу бола! /Ў. Хошимов. Дунёнинг ишлари, 77/.*

6. *Айтишга осон. Ҳаммаси ишлик одамлар /Ў. Усмонов. Сирли соҳил, 171/.*

Келтирилган мисолларнинг биринчи ва иккинчисида феълнинг функционал шакли ҳаракат номи /тинглаш, кўмаклашиш, ташлашдан/ отнинг синтактик функциясида келаётгани кузатилади. Учинчи ва тўртинчи мисолларда эса ҳаракат номи /айланиш

<sup>78</sup> Қаранг: Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. – М., 1955. – С. 130-140.

йўл, қурилиш трестида/ сифатга тегишли бўлган аниқловчи функциясида келаётганини кўрамиз. Бешинчи ва олтинчи мисолларда сифат феъл функциясида /ширин, осон/ келмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, сўзнинг ўз функциясига кўра бир морфологик категориядан иккинчи морфологик категорияга кўчирилиши фақат синтагматик қатор доирасидагина мумкин бўлади. Масалан, берилган охириги мисолларда **ширин ва осон** сўзлари шаклан сифат категориясига мансубдир. Бироқ, функция нуқтаи назаридан улар ўз морфологик категорияси доирасидан узоқлашган. Шунинг учун сўзларнинг ўзаро муносабатга киришиш имкониятлари грамматик шакллари ва бажараётган синтактик функциялари билан чамбарчас боғлиқ бўлади. В. фон Гумбольдт таъбири билан айтганда: «Тилда мавжуд бўлган барча унсурлар маълум сўз туркумларига тегишли бўлади ва уларнинг нафақат лексик, балки грамматик жиҳатдан ҳам ўзига хос томонлари мавжуд. Маълум бир грамматик шакл ифодасидаги сўзлар грамматик муносабатларни ифодалаш учун хослангандир»<sup>79</sup>.

Маълумки, гапнинг ҳар бир БИ унсури унинг ажралмас бир бўлагидир. БИ унсурларнинг ҳар бири функционал вазифаларга /ҳеч бўлмаганда битта вазифага/ эга бўлади. Чунки гап ёки жумла таркибига бирорта унсур ҳам мақсадсиз киритилмайди. Ана шу жараёнда гап тузилишининг барча лексик-грамматик муаммолари тил унсурларининг парадигматик режадан синтагматик режага кўчирилиши билан боғлиқ бўлган қонун-қоидалар доирасида ўз ифодасини топади. Айрим унсурлар ўзларининг аслий морфологик шаклларида қўлланилса, айримлари ясама шаклларда фаоллик кўрсатади. /Масалан, қўшимчалар таъсирида уларнинг шакл-лари ўзгариши/. Буларнинг барчаси гап унсурларига функционал вазифаларнинг у ёки бу шаклда тақсимланиши жараёнида механик тарзда юз беради.

Аммо, қайд этиш лозимки, гап унсурларининг функционал сифатлари /белгилари/ ўз-ўзидан ҳосил бўлиб қолмайди. Бошқача айтганда, уларга маълум бир функциянинг берилиши учун фақат тил имкониятларининг ўзи камлик қилади. Чунки нутқ

<sup>79</sup> Гумбольдт В. фон. Избранные труды по языкознанию. –М., 1984. –С. 344 / Таржима бизники/.

мухитининг талаблари билан ҳам ҳисоблашишга тўғри келади. Нутқ мухитида эса, ўз навбатида, сўзловчи шахс етакчи омиллардан биридир. Демак, тил унсурларининг нутқда функциясига кўра фаоллашувида сўзловчининг ҳам мавқеи каттадир. Шунинг учун гап унсурларидан бирининг ўта фаол ва иккинчисининг нисбатан камроқ фаол даражада қўлланилиши нутқ мухитининг ўзигагина эмас, балки сўзловчининг истак-хоҳишига ҳам маълум даражада боғлиқ бўлади. Масалан:

1. *Ҳамида бонуга тааллуқли сирни ҳеч кимга айтиб бўлмайди* /П. Қодиров. Авлодлар довони, 87/.

2. *Низом учун саройдаги энг ишончли одам Ҳумоюн эди* /П. Қодиров. Авлодлар довони, 86/.

3. *Хонанинг асосий саҳни тизза баравар тахта-нар билан кўтарилган* /О. Хусунов. Тақилмаган узук, 26/.

4. *У сув йўли билан Ганга дарёси томонга йўл олди* /П. Қодиров. Авлодлар довони, 51/.

Келтирилган мисолларнинг биринчисида сифатдошнинг *бўлган* шаклига синтактик зарурат сезилмаганлиги туфайли у гап таркибидан тушиб қолган. Бу, албатта, сўзловчининг хоҳишига боғлиқ. Чунки мазкур сўзнинг *тааллуқли бўлган* тарзида ишлатилиши ҳам ҳозирги ўзбек адабий тили меъёрига зид эмас. Бироқ ундан олдин келаётган сифат шакли /масалан, тааллуқли бўлган, тегишли бўлган/ функциясига кўра фаол бўлганлиги учун ўзига тегишли семантик ва синтактик вазифаларнинг барчасини ёлғиз ҳолда бажараверади. Шунинг учун ҳам бу гапда туб структура /айтиб бўлмайди/ учун берилаётган кўшимча изоҳнинг /Ҳамида бонуга тааллуқли/ мазмуни ва шакли бутунлиги тўлиғича шу сўз билан боғлиқ.

Иккинчи гапда /ишончли одам/ *Ҳумоюн эди* бирикмаси туб структура бўлса, қолган сўзларнинг барчаси умумий синтактик структурани ташкил этмоқда. Бу ўринда *учун* кўмакчиси ва *саройдаги* сўзидаги *-даги* аффиксал бирикмаси функционал фаоллик кўрсатмоқда. Агар *учун* кўмакчиси *Низом* сўзига функция бераётган бўлса, *-даги* бирикмаси *сарой* сўзига шундай сифат улашмоқда. Айни пайтда ҳам сўз танлаш бобида сўзловчининг истак-хоҳишини эслатиб ўтишга тўғри келади. Чунки сўзловчи *Низомнинг саройда ишончли одами* бирикмасидан ҳам бемалол фойдаланиши мумкин эди.



Учинчи гапда умумий синтактик структуранинг бир неча дери-  
вацион босқичда ташкил этилганлигини кўрамиз ва ҳар бир  
босқичда алоҳида морфологик унсурларнинг функционал фаол-  
лигини кузатамиз. Буни кўйидагича таҳлил қилиш мумкин: */саҳн/  
кўтарилган* - туб структура. *Хонанинг саҳни кўтарилган* -  
биринчи босқичдаги умумий синтактик структура. *Хонанинг асо-  
сий саҳни кўтарилган* - иккинчи босқичдаги умумий синтактик  
структура. *Хонанинг асосий саҳни тахта-нар билан кўта-  
рилган* - учинчи босқичдаги умумий синтактик структура. *Хона-  
нинг асосий саҳни тизза баравар тахта-нар билан кўта-  
рилган* - тўртинчи босқичдаги умумий синтактик структура.

Кўринадики, биринчи босқичда умумий синтактик структура-  
нинг ташкил этилиши *-нинг* ва *-и* /хона + нинг саҳн + и/ аффикс-  
слари функционал фаоллиги натижасида рўёбга чиққан. Иккинчи  
босқичда *асосий* сўзи, гарчи у гапнинг бошқа унсурларига функ-  
ционал фаоллик бермаса-да, синтактик қурилма шаклини маълум  
даражада кенгайтирган. Учинчи босқичдаги умумий синтактик струк-  
туранинг ясалиши *билан* кўмакчи сўзининг функционал фаоллиги  
билан узвий боғланган. Ва ниҳоят, тўртинчи босқичда *тизза ба-  
равар* бирикмасининг гап таркибига мустақил ҳолда қўшилиб,  
унинг синтактик вазини кенгайтираётганини кўрамиз.

Тўртинчи мисолда *билан* ва *томон* кўмакчи сўзларининг  
функционал фаоллиги кўзга ташланади. Чунки уларнинг ҳар ик-  
каласи ҳам алоҳида синтагматик бирикмаларни бошқариб\* кел-  
моқда: *суб йўли билан; Ганга дарёси томонга*. Айни пайтда  
иккинчи бирикма таркибидаги *-га* аффикси семантик, синтактик  
жиҳатларидан ва функциясига кўра ҳам фаол эмас. Шу боис  
унинг иштирокисиз ҳам бирикма шакли *томон* сўзи орқали бош-  
қарилаверади: ... *Ганга дарёси томон йўл олди*.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган гапларнинг айрим ун-  
сурлари функционал сифатлари билан қисқача танишиб ўтдик.  
Зарурат туғилганда, гапнинг ҳар бир унсурининг синтактик фаол-  
лиги масаласини ҳам шу тарзда таҳлил этиш мумкин. Лекин  
таҳлилнинг бундай усули билан берилган гапнинг умумий шакли  
синтагматик занжирининг қай даражада вужудга келиши муаммо-

\* Бу ўринда одатдаги бошқарув эмас, балки синтагматик бутунлик шик-  
ланиши назарда тутилмоқда.

сини ҳал этиб бўлмайди. Чунки масаланинг бошқа бир томони ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра гап таркибидаги ҳар бир унсурнинг синтактик функциясини тадқиқ этиш тақозо қилинади. Таҳлилни бу усули бир кўринишда гапнинг фақат синтактик шаклинигина ўрганишга қаратилгандек туюлса-да, у маълум даражада унинг семантик тузилишини ўрганишда ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки семантик тушунчалар синтактик муносабатлар асосида вужудга келади, ва аксинча, синтактик муносабатлар ҳам, ўз навбатида, маълум бир мазмун ифодасининг воқеланиши учун шаклланади. Бошқача айтганда, синтактик ва семантик тадқиқотлар ўртасида « хитой девори» йўқ, зотан, субъект, предикат, аргумент, пропозиция тушунчалари ҳам, сўзларнинг синтактик муносабатлари доирасида реаллашади. Иккинчи томондан эса, семантика ва синтаксисни муштарак тушунчалар деб ҳам бўлмайди. Шу боис уларнинг ҳар бирининг семантик ва синтактик функциялари алоҳиди режалар асосида тадқиқ этилиши мақсадга мувофиқдир.

## 2-§. МУХТОР МОНЕМАЛАР ВА УЛАРНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ

Мазкур ишда А. Мартиненинг функционал таҳлил назариясида қўлланилган «монема» атамасидан фойдаланамиз. Фикризмизча, бу структур-функционал таҳлил учун энг қулай атамидир. Унинг қулайлик томонларидан бири шундаки, у орқали нафақат гап унсурларининг функционал қимматини, балки синтактик қурилманинг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳар бир унсурнинг парадигматик қатордан синтагматик қаторга ўтиши йўлларини ҳам тадқиқ этиш мумкин.

Албатта, айни пайтда, «монема» нима, деган савол изоҳ талаб қилади. Шундай экан, уни дастлаб қўллаган А. Мартине фикрига мурожаат этамиз. А Мартиненинг функционал таҳлил назариясида жумланинг икки босқичга кўра артикуляция қилиниши масаласи асосий ўринлардан бирида туради. Масалан, ҳар бир жумла маълум синтагмаларга бўлинади. Бу жараёнда энг кичик ва ўзига хос функцияга эга бўлган нутқ бирликлари сифатида монемалар аҳамият касб этади. Агар жумла унсурларининг моддий томони диққат марказида бўлса, у ҳолда энг кичик бир-

ликлар сифатида фонемаларга эътибор қаратилади. Ана шу хилдаги режаларга кўра жумланинг таҳлил этилишини А. Мартинс икки босқичли артикуляция деб номлайди<sup>80</sup>.

Бирок, шуни ҳам қайд этиш лозимки, кўп пайтларда монемалар ифодаси материал нуктаи назаридан морфемалардан фарқ қилмайди. Аммо функционал қимматларига кўра улар кескин фарқланади. Чунки морфема тилда вазифа бажаради ва унинг бирлиги саналади, монема эса нутқ бирлиги ҳисобланади. Морфема тил бирлиги бўлганлиги учун сўз қобиғида яшайди ва унинг шаклини яшаш учун хизмат қилади. Монема эса тилда эмас, нутқда яшайди ва мудом синтагматик қатор занжирининг шаклланишида салмоқли функционал аҳамиятга эга бўлади.

Аммо юқоридагилар билан бир қаторда, монема ҳақида фикр юритилганда ҳар бир тилнинг ички системаси билан боғлиқ бўлган имкониятларни ҳисобга олмоқ даркор. Функционал таҳлил асосчиси А. Мартине сўз назариясини яратишда, албатта, она тилиси - француз тили системасига мурожаат этган.

Синтетик қурилишга мойил тилларда эса мазкур назарияга нисбатан бошқачароқ ёндашмоқ лозим. Масалан, туркий тилларда гап унсурларининг функционал таҳлилини тадқиқ этишда кўпроқ келишик қўшимчалари, кўмакчи сингари тил унсурларига мурожаат этишга тўғри келади. Баъзи ҳолларда ҳатто қариндош тилларда ҳам, грамматик қурилишлари айнан бир хил бўлсада, баъзи унсурларнинг функционал сифатлари иккинчисидан фарқ қилиши мумкин. Буни А. Мартиненинг ўзи ҳам эътироф этади ва француз тилидаги *J'ai mal à la tête* **Менинг бошим оғриятми** жумласини испан тилида *La tête me fait mal* **Бошим менга оғриқ беряпти** тарзида ёки француз тилидаги *défense de fumer* **чеккиш мумкин эмас** жумласини инглиз тилида *smoking prohibited*, немис тилида эса *rauchen verboten* тарзидаги сифатдош қўлланган жумлалар орқали бериш мумкинлигини ёзади<sup>81</sup>.

Шундай қилиб, А. Мартиненинг функционал таҳлил назариясида масаланинг умумий томонларигина ёритилганини кўра-

<sup>80</sup> Қаранг: Веденина Л. Г. Функциональное направление в современном зарубежном языкознании // Вопросы языкознания, № 6, 1978. -С. 74.

<sup>81</sup> Қаранг: Martinet A. La linguistique synchronique. -Paris, 1968, p. 5.

миз. Шу сабабли бу назария функционал синтаксис бобида илмий изланишлар олиб бораётган тилшунослар томонидан тўлдирилиши ва кенгайтирилиши лозим. Профессор Л. И. Илия бу ҳақда гапирганда куйидаги фикрни билдирган эди: «Жумланинг функционал таҳлили аҳамияти барча тилшунослар томонидан тан олинади, аммо А. Мартине назариясида унинг фақат умумий йўриқларигина берилган» .

Мазкур ишда ҳам, аввал эслатиб ўтилгани сингари, А. Мартине томонидан қўлланилган *мухтор* /автоном/ *монема*, *функционал монема* ва *қарам монема* сингари махсус тушунчалардан фойдаланилади. Аммо бу жараёнда, албатта, ўзбек тилининг ўзига хос ички қонун-қоидалари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг мазмуни сифатларига айрим ўзгаришлар киритилмоқда.

Ана шулардан келиб чиқиб, «*монема*» деганда, нутқнинг синтагматик қатор занжиридаги тилнинг бирор белгисига синтактик ва функционал фаоллик бераётган ёки функционал сифатга эга бўлиши тилнинг бошқа бирор белгисига қарам ёхуд мустақил ҳолатда синтактик функция бажараётган маълум бир бўлагини тушунамиз. У турли морфологик воситилар билан, алоҳида сўз ёки аффикс орқали ҳам ифодаланиши мумкин.

*Мухтор монема* тушунчасининг мазмуни шарҳи ҳам ана шу қоидага асосланади. Бошқача айтганда, ўзининг синтактик, семантик ва функционал фаоллиги жиҳатидан бошқа бирор монемага қарам бўлмаган алоҳида бир сўз мухтор монема бўла олади. У феълдан бошқа ҳар қандай туркумдаги сўз билан ифодаланиши мумкин.

Мухтор монема синтактик ўрнига кўра гап унсурларининг энг эркин ҳаракатдагиси саналади. Шунинг учун аксарият ҳолларда унинг ўрнини ўзгартириб қўллаш ва исталган пайтда гап таркибидан тушириб қолдириш мумкин. Бу билан гапнинг умумий синтактик шакли бутунлиги бузилмайди. Масалан:

1. *Тўғри, ҳар биримиз пулга муҳтожмиз* /Х. Тўхтабоев. Йиллар ва йўллар, 15/.

2. *Дарҳақиқат у янги тушгандан бошлаб то айрилгун-*

<sup>82</sup> Илия Л. И. Очерки по грамматике современного французского языка. -М., 1970. -С. 135.

ча Аширмирзодан ёмонлик кўрмаган эди /М. Исмоилий. Фарғона тонг отпунча, 31/.

3. Бугун ҳафсала қилиб идора олдидаги устахонага келди /Т. Ашуров. Андижон хангомалари, 6/.

Келтирилган гапларнинг биринчисида *тўғри* сўзи мухтор монема тарзида келмоқда. Шу сабабли синтактик фаоллашуви бирор сўзга боғлиқ эмас. Унинг фаоллашувига фақатгина нутқ муҳити кўмаклашмоқда. Айни пайтда бу сўз нафақат синтактик жиҳатдан, балки семантик нуқтаи назардан ҳам мухтор ҳолатда келган. Шунинг учун уни гап таркибидан тушириб қолдирилса-да, берилаётган хабарнинг на семантик ва на синтактик бутунлигига зиён етади: ... *ҳар биримиз пулга муҳтожмиз*.

Кўринадики, гапнинг асосий қисми алоҳида олинганида ҳам синтактик жиҳатдан бекаму кўстдир. Демак, *тўғри* сўзининг мазкур гап таркибида қатнашиши учун синтактик зарурат йўқ. Унинг гап доирасида биргина функцияси бўлиб, у ҳам бўлса семантик жиҳатдан изоҳланади. Бошқача айтганда, *тўғри* сўзи орқали гапнинг бевосита иштирокчи унсурлари томонидан ифодаланаётган умумий маънонинг ҳақиқий эканлиги қўшимча равишда тасдиқланмоқда, холос. Шу сабабдан гапнинг бу сингари унсурлари мухтор монема деб белгиланади.

Айни пайтда шуни ҳам эслатиб ўтиш лозимки, агар синтактик таҳлил учун бош мезон гап бўлаклари бўлса, бундай бевосита иштирокчи унсурларни, А. Р. Сайфуллаев қайд этганидек, гапнинг учинчи даражали бўлаклари сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқдир<sup>83</sup> Дарҳақиқат, гап таркибида бевосита иштирок этаётган ҳар бир унсур унинг маълум бир бўлаги саналмоғи керак.

Анъанавий тилшуносликда кириш сўз ва бирикмалар деб номланаётган тил унсурлари гапнинг кесими билан маълум даражада синтактик муносабатда ҳам бўлиши мумкин. Бундай муносабат бошқарув, битишув<sup>84</sup> усуллари воситасида воқеланади, деган фикр ҳам айтилмоқда .

<sup>83</sup> Қаранг: Сайфуллаев А. Р. Семантико-грамматические особенности членов предложения в современном узбекском языке. –Ташкент, 1984. –С. 70-98.

<sup>84</sup> Қаранг: Сайфуллаев А. Р. Семантика и грамматика членов предложения в современном узбекском языке // Автореф. докт. дис. – Ташкент, 2001. –С. 14.

Юқорида берилган иккинчи гапда *дарҳақиқат* сўзи мухтор монема вазифасида келмоқда. Унинг гап таркибидаги ўрни, асосан, семантик нуқтаи назардан изоҳланиши мумкин. Чунки мазкур жумланинг синтактик қурилиши у билан боғлиқ эмас. Шунинг учун бу сўзнинг барча ўзига хос белгиларини юқорида кўриб ўтилган *тўғри* сўзининг белгилари билан тенглаштириш мумкин.

Шундай қилиб, ҳар иккала гапда ҳам мухтор монемалар синтактик заруратга кўра қўлланилмаган. Тўғри, улар ёрдамида оз бўлса-да, гапнинг синтактик шакли кенгайди, лекин бу берилган монемаларнинг асосий функциясига кирмайди.

Келтирилган учинчи гапда мухтор монема вазифасини *бугун* сўзи бажармоқда. Унинг мухтор ҳолати биринчи гапда синтактик фаоллашуви жиҳатидан бошқа бирор сўзга тобе эмаслиги билан белгиланади. Бундан ташқари, унинг ўзи ҳам бирор сўзга синтактик фаоллик бераётгани йўқ. Аммо, шундай бўлса-да, гап таркибидаги бошқа сўзлар билан мазмуни жиҳатидан қоришуви эркин эканлигини кузатамиз. Чунки у, кириш сўз ёки бирикма билан ифодаланаётган мухтор монемалардан фарқли равишда, гапда анъанавий синтактик таҳлилда ҳол деб аталувчи иккинчи даражали бўлак вазифасида келмоқда. */У/ бугун ҳафсала қилди; /У/ бугун /идора олдидаги/ устахонага келди.*

Шундай қилиб, мухтор монемалар берилаётган хабарга ё тасдиқ маъносини, ёки унга замон нуқтаи назаридан бирор қўшимча изоҳни, ёхуд сўзловчи шахснинг унга нисбатан муносабатини билдиради. Масалан:

1. *Тўғри, ҳали қандай коллективга тушишингиз, кимнинг қўли остида ишлашингиз аниқ эмас /Ж. Шарипов. Бу йўлда хато қилма, 69/.*

2. *Илгари ошқовоқ ўғирлаб еса савоб бўлади, дейишарди /Г. Ашуров. Андижон ҳангомалари, 62/.*

3. *Қизик, ўз онангдан ўзинг, мен сизнинг болангизманми, деб сўраш ҳам галати /Г. Ашуров. Андижон ҳангомалари, 51/.*

Келтирилган гапларнинг биринчисида *тўғри* сўзи мухтор монема сифатида қўлланиб, у сўзловчининг берилаётган хабарга нисбатан муносабатини билдирмоқда. Мазкур монеманинг бошқа функционал сифатлари ҳақида эса олдин таҳлил этилган гапларда фикр билдирилган эди. Иккинчи гапда мухтор монема вазифа-

сида **илгари** сўзи келмоқда. У гапнинг бошқа унсурлари томонидан ифодаланаётган умумий хабарнинг замон оқимига муносабатини белгиламоқда.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш лозимки, бу замон муносабати бир йўла гапнинг нутқ муҳитига муносабатини, яъни шу муҳитга дахилдор бўлган матннинг БИ унсурлари билан семантик алоқасини шакллантирмоқда.

Айни пайтда **илгари** мухтор монемасининг синтактик фаоллашуви масаласи аниқ бир морфологик восита ёрдамида эмас, балки нутқ муҳити таъсирида рўёбга чиққан. Будан ташқари, бу ўринда монеманинг тўлиқ шакли қўлланилмаган. Акс ҳолда, **илгари пайтларда** ёки **илгариги вақтларда** тарзида таркибли ҳолда ҳам ифодаланиши мумкин эди.

Учинчи гапда мухтор монема **қизиқ** сўзи билан ифодаланган. У, кўриб ўтилган бошқа монемалардан фарқли равишда, сўзловчининг берилаётган хабарга шахсий муносабатини, ҳис-ҳаяжонини алоҳида бўрттириб кўрсатмоқда.

Мухтор монемаларнинг ўзига хос функционал сифатлари туфайли уларнинг синтактик ўрни ҳам кўп пайтларда бошқа монемаларга нисбатан анча эркин бўлади. Фикр исботи учун куйидаги гапларнинг турли шакллари кўрсатиб кўрайлик:

1. *Ахир, ёшликда ким хато қилмайди, адашмайди* /С. Жуманазаров. Ирода,35/ - *Ёшликда ким хато қилмайди, адашмайди, ахир.*

2. *Баъзан ҳеч нарса қўшмай сотган кунлари ҳам бўлади* /Т. Ашуров. Андижон ҳангомалари,63/ - *Ҳеч нарса қўшмай сотган кунлари ҳам бўлади, баъзан.*

3. *Албатта, бу гапни менга эшиттирмасликка уринишардилар* /Н. Қобул. Каптарлар қайтмаган кун./ - *Бу гапни менга эшиттирмасликка уринишардилар, албатта.*

Кўринадики, мухтор монемалар гапнинг турли ўринларида келишидан қатъи назар, функционал белгисини ўзгартирмайди. Бизнингча, бунинг асосий сабабларидан бири улар гапнинг туб структураси билан алоқасизлигидадир. Шунинг учун ҳатто гапнинг синтактик шаклланишида ҳам мухтор монемаларнинг аҳамияти йўқ. Масалан, юқорида берилган гапларнинг туб структуралари куйидагича шаклланишини кўралик: 1. /ким/ + хато қилмоқ,

адашмоқ. 2. /кунлари/ + бўлади. 3. /улар/ + уринишардилар. Бошқача айтганда, бу гапларнинг туб структуралари куйидаги синтактик қурилмалар қобиғида келмоқда: 1. Ким хато қилмайди, адашмайди. 2. Кунлари ҳам бўлади. 4. ... улар уринишардилар.

Демак, мухтор монема семантик аҳамиятта эга бўлса-да, гапнинг туб структураси билан алоқадор бўлмайди. Чунки у орқали гапнинг маълум бир унсурига ёки унинг умумий мазмунига қўшимча аниқлик, изоҳ берилади, холос. Бундай аниқлик ёки изоҳ сўзловчининг хоҳишига кўра берилмаслиги ҳам мумкин. Мазкур монеманинг мухторлиги ҳам айнан ана шу нарсага асосланади ва шунга кўра унинг ўрни гапнинг умумий синтактик структураси доирасида белгиланади. Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, юқорида кўриб ўтилган мисолларда мухтор монема билан гапнинг бошқа унсуллари орасига баъзан тиниш белгиси қўйилган, баъзан эса қўйилмаган. Аммо бу белгининг функционал таҳлил учун муҳим аҳамияти йўқ. А. Мартине айтганидек, функционал таҳлил жараёнида тиниш белгилари муҳим вазифани бажармайди. Чунки гап ёки таҳлил учун берилган жумланинг барча бевосита иштирокчи унсуллари биринчи галда гап белгиларидир, тиниш белгилари эса нутқ жараёни ёки муҳити билан боғлиқ муча саналади.<sup>85</sup>

А. А. Реформатский ҳам сўзга нисбатан қўлланган суперсегмент белгилар унинг маълум даражада кучли ёки кучсизроқ талаффуз этилишига ишора қилишини таъкидлайди. Демак, айтилганда суперсегмент белгилар лексик урғу доирасида тушунилади. Жумлага нисбатан қўлланилган суперсегмент белгилар оҳанг /интонация/ маъносида эътироф этилиши лозим. Бу ўринда А. А. Реформатский синтагма хусусида ҳам фикр билдиради ва унинг соф грамматик тушунча эканлигини, жумланинг у ёки бу тарзда оҳанг нуктаи назаридан қандайдир қисмларга бўлиниши билан алоқаси йўқлигини таъкидлайди.<sup>86</sup>

Ана шулардан келиб чиқиб, мухтор монемалар гапнинг бошқа унсуллари билан тиниш белгиси орқали ажратилишини гап унсуллари билан қайдаражада талаффуз этилиши масаласи билан боғлиқ деб ҳисоблаш мумкин. Уларнинг функционал белги ёки си-

<sup>85</sup> Қаранг: Мартине А. Основы общей лингвистики. –С. 551.

<sup>86</sup> Қаранг: Реформатский А. А. Фонологические этюды. –М., 1975. –С. 72-73.



фатлари эса бу хилдаги суперсегмент белгиларга дахлсиздир. Де-мак, мухтор монемалардан кейин тиниш белгилари қўлланилиши ёки қўлланилмаслиги ҳам мумкин:

1. *Мана, йигирма йилдан бери шу соҳада ишлаб келаман* /Т. Ашуров. Андижон ҳангомалари, 71/.

2. *У бугун кўп қатори автобусда шаҳарни томоша қилди* /Шухрат. Жаннат қидирганлар, 94/.

3. *Ихчам кийинган овруполикларни кўрганда ҳавасинг келганми, келган албатта* /Х. Тўхтабоев. Йиллар ва йўллар, 103/.

Кўринадики, берилган мисолларда *мана* монемаси тиниш белгиси билан, *бугун*, *албатта* монемалари эса тиниш белгиларисиз гапнинг турли ўринларида қўлланмоқда. Аммо тиниш белгисининг /вергулнинг/ ишлатилиши кўп пайтларда сўзловчининг хоҳишига боғлиқ бўлади. Чунки сўзловчи гап таркибидаги сўзларнинг қайси бирини ажратиб алоҳида такт сифатида кўрсатиш лозимлигини ҳар доим ҳис эта олади.

Шуни ҳам эслатиш лозимки, мухтор монема сифатида гапнинг феълдан бошқа ҳар қандай унсури қўллана олади. Феъл эса ўз хусусиятига кўра ҳар доим гапнинг бошқа унсурларига /ҳеч бўлмаганда бирорта унсурига/ функционал фаоллик улашади<sup>87</sup>.

Мухтор монемаларнинг қўлланилиши кўп жиҳатдан гапда берилаётган хабарнинг воқеликка муносабати билан боғлиқ. Масалан, баъзан бир пайтнинг ўзида хабарнинг ҳақиқатан ҳам ростлигини ва унинг замон оқимига муносабатини ифодалашга тўғри келади. Унга кўра, бир гапнинг ўзида иккита мухтор монема қўлланади. Уларнинг бири хабар тасдиғини, иккинчиси эса унинг замон оқимига муносабатини билдиради. Масалан:

1. *Мана, бугун сизга яхши кўрган овқатингизни қилиб қўйганмиз* /Т. Ашуров. Андижон ҳангомалари, 20/.

2. *Мана, энди Муҳаммад пайгамбар ва унинг чорёрлари ҳақида ривоятлар айтиб берадиган энажоним йўқ* /Н. Қобул. Қаптарлар қайтмаган кун, 39/.

Берилган гапларнинг ҳар иккаласида ҳам *мана* сўзи мухтор монема сифатида қатнашмоқда. Биринчи гапда у орқали хабарга қўшимча равишда тасдиқ ифодаси қайтарзда берилаётган бўлса,

<sup>87</sup> Қаранг: Илия Л. И. Кўрсатилган асар. 135-бет.

иккинчи гапда ҳам шундай берилмоқда. *Бугун* ва *энди* мухтор монемалари эса хабарнинг замон оқимига нисбатан муносабатини кўрсатиш учун қўлланган.

Гап таркибида иккита мухтор монеманинг ишлатилиши, албатта, сўзловчининг сўзлашув услуги билан ҳам узвий даражада боғлиқ бўлади. Сўзловчи эса, ўз навбатида, нутқ муҳитининг шарт-шароитлари билан ҳисоблашишга мажбур.

Юкоридагилардан ташқари, мухтор монемаларнинг жуфт ҳолда қўлланилиши ҳам кузатилади. Бу, албатта, сўзловчи шахс ёки нутқ муҳитининг талабларидан келиб чиқмайди. Бундай мухтор монемалар тилнинг шу тарздаги тайёр ҳолда бериладиган белгиларидир. Уларнинг бирини иккинчисидан ажратиш мумкин эмас. Акс ҳолда, функционал ва синтактик фаоллик сифатларига ҳам путур етказилади. Чунки бу ҳилдаги мухтор монемаларнинг функционал ва синтактик фаоллиги ҳар икки таркибий қисм билан ҳам чамбарчас алоқадордир. Масалан:

1. *Шу-шу қишлоқда бошқа кўринмади* /Т. Ашуров. Андижон ҳангомалари, 8/.

2. *Мактабда ёзган иншоларимиз мавзулари ҳали-ҳали эсимда* /Газ. 1/.

Келтирилган мисолларда жуфт мучали мухтор монемалар сифатида *шу-шу* ва *ҳали-ҳали* сўзларининг иштирок этаётганини кўраимиз.

Шундай қилиб, мухтор монемалар ҳақида билдирилган барча фикрлар асосида қуйидаги хулосаларга келамиз:

а/ мухтор монеманинг синтактик фаоллиги бирор морфологик унсур билан боғлиқ бўлмайди;

б/ мухтор монемалар гапнинг бошқа унсурларига қарам бўлмаган тарзда қўлланади. Акс ҳолда, улар мухтор эмас, балки функционал монеманинг белги ва сифатларини олади;

в/ мухтор монемалар синтагматик қатордаги ўринларига кўра гапнинг бошида, ўртасида ва сўнгида келиши ҳам мумкин;

г/ мухтор монемалар гапнинг туб структураси /минимал семантик шакли/ билан алоқадор бўлмайди. Уларнинг ўрни фақат гапнинг умумий синтактик шакли таркибида белгиланади;

д/ мухтор монема феълдан бошқа ҳар қандай туркумга оид сўз орқали ифодалана олади.

### 3-§. ФУНКЦИОНАЛ ВА ҚАРАМ МОНЕМАЛАР

Маълумки, гап тилнинг энг йирик ва муҳим бирлиги бўлиши билан бирга, нутқнинг ҳам ана шундай бирлигидир. Гап нутқда конкрет қўлланар экан, у синтактик жиҳатдан актуал ҳолатда бўлади. Бироқ, қизиғи шундаки, гап нутқда фақат ўзигагина фаоллик бериб қолмай, ўзидан кичик бирликлар қўлланиши ва синтактик жиҳатдан фаоллашуви учун макон ҳам ҳисобланади.

Фикрни тил ёрдамида ифода этишда гапнинг барча унсурлари иштирок этади. Бироқ, шуни ҳам таъкидлаш керакки, гапнинг ҳар бир унсурининг ўзига хос вазифаси мавжуд бўлиб, уларнинг бири иккинчисидан функционал вазнига кўра фарқ қилади. Бу, албатта, турли омиллар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Лекин ана шу омилларнинг энг муҳимларидан бири тил унсурларининг нутққа кўчирилиши ва синтактик фаоллашуви бўлса, иккинчиси гап сатҳида сўзларнинг ўзаро синтактик муносабатга киришуви усуллари, учинчиси эса семантик муносабат зарурати ва турларидир. Бошқача айтганда, сўзлардан гап тузилиши босқичма-босқич, интеграл усул орқали вужудга келади<sup>88</sup>.

Парадигматик қатор унсурлари, масалан, *Карим, кутубхона, бормоқ* тарзида функционал фаол бўла олмайди. Улардан маълум бир мақсад ифодасига кўра фойдаланмоқчи бўлсак, шундагина улар парадигматик қатордан синтагматик қаторга кўчирилади ва функционал фаоллик касб этади: *Карим кутубхонага боряпти*.

Ана шу жараёнда, агар таъбир жоиз бўлса, бир йўла бир неча мўжиза рўй беради. Биринчидан, тилнинг энг йирик белгиларидан бири – гап шаклланади; иккинчидан, нутқ бирлиги вужудга келади; учинчидан, тил билан нутқ ўртасидаги узвий муносабат аниқ шаклга киради; тўртинчидан, синтаксис ва семантика /шакл ва мазмун/ ўртасида узвий алоқа ҳосил бўлади. Бу, албатта, масаланинг тез кўзга ташланадиган томонларидир. Аммо унинг шундай жиҳатлари ҳам борки, уларга кўра гап таркибидаги ҳар бир унсурнинг формал-грамматик вазни ҳисобга олинмоғи лозим

<sup>88</sup> Қаранг: Солнцев В. М. Язык как системно-структурное образование. – М., 1971. – С. 78-86.

бўлади, зеро, юқорида эслатиб ўтилган тилга, нутққа синтаксис ва семантикага оид ҳар қандай воқеланиш ана шу унсурлар эвазига рўёбга чиқади. Шунинг учун Н. А. Слюсарева гап грамматик, семантик, синтактик ва функционал қонуп-қоидалар мажмуини ташкил этишини алоҳида таъкидлайди<sup>89</sup>.

Гапнинг лексик-грамматик нуқтаи назардан ташкил этилишида, айниқса, функционал монемалар салмоқли вазнга эга. Чунки функционал монемалар гапнинг ҳар бир бевосита иштирокчи унсурининг синтагматик қатордаги ўрнини белгилаб беради ва уларни функционал жиҳатдан фаол ҳолатга келтиради<sup>90</sup>. Бундан ташқари, функционал монемалар гап унсурларининг парадигматик қатордан синтагматик қаторга ўтишида ҳам энг асосий воситалар саналади.

Кўринадики, функционал монемалар, ўзлари функционал фаол бўлишларидан ташқари, бошқа монемаларга ҳам фаоллик бахш этади. Натижада, бундай монемалар функционал монемаларга қарам бўлиб қолади. Шунинг учун А. Мартине назариясида функционал монемалар орқали синтактик фаолликка эришадиган сўзлар /ёки тил белгилари/ **қарам** монемалар деб аталади<sup>91</sup>.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, гапнинг ҳар қандай унсури мухтор, функционал ёки қарам монема вазифасида кела олади<sup>92</sup>. Бу унинг гапдаги семантик вазифаси ва синтактик ўрни билан боғлиқ. Демак, у ёки бу монема учун олдиндан белгилаб қўйилган махсус сўз ёки тил белгилари йўқ. Монемалар характери гап таркибида конкрет қўланилишига қараб аниқланади. Шунинг учун мустақил сўзлар ҳам, агар уларнинг функционал фаоллиги иккинчи бир унсурга боғлиқ бўлса, қарам монема вазифасида келиши ва бунинг акси ўлароқ, ёрдамчи сўзлар аксарият ҳолларда функционал монемалар вазифасини бажариши кузатилади:

**1. Мулла Муҳиддиннинг кўз олдини қоронги босди /С. Абдулла. Мавлоно Муқимий, 28/.**

<sup>89</sup> Қаранг: Мартине А. Основы общей лингвистики. –С. 463.

<sup>90</sup> Қаранг: Ўша асар. 463-470-бетлар.

<sup>91</sup> Қаранг: Ўша асар. 463-470- бетлар.

<sup>92</sup> Фельд, ишнинг олдинги саҳифаларида эслатиб ўтилгани сингари, мухтор монема функциясида келмайди.

2. *Низомжон эрталаб ҳам Икромжон амакини кўрмаган эди* /С. Аҳмад. Уфк, 221/.


Келтирилган гапларнинг биринчисида *Мулла Муҳиддин* сўзи мустақил сўз туркумига тегишли бўлишидан қатъи назар, ўзининг синтактик жиҳатдан ҳамда функционал фаоллиги нуқтаи назаридан **–нинг** келишик кўшимчасига қарам ҳолда келмоқда. Тўғри, айти пайтда **–нинг** кўшимчасини гап таркибидан тушириб қолдириш ҳам мумкин. Лекин, у барибир, белгисиз берилган функционал монема сифатида синтактик ва семантик вазифа бажараверади. Шунингдек, **кўз** сўзи ҳам ўзининг синтактик фаоллигини **олдини** сўзи воситасида олмақда. Ганнинг охириги икки унсури эса предикативли бирикмани тақозо этаётгани учун функционал монемалар саналади, чунки эга кесимга ва, ўз навбатида, кесим эгага функция беради.

Иккинчи мисолдаги гап унсурлари эса қуйидагича синтактик ва функционал фаоллик олмақда: *Низомжон* функционал монема вазифасини бажармоқда. Чунки у гапнинг предикатив маркази ташкил этилишини таъминловчи унсурлардан биридир. *Эрталаб* – қарам монема, зотан, унинг тилдан нутққа кўчирилиши бу ўринда **ҳам** сўзига боғлиқдир. Демак, **ҳам** функционал монема вазифасида келмоқда. У *эрталаб* сўзига функционал фаоллик берибгина қолмай, бир пайтнинг ўзида иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтига давомийлик маъносини ҳам кўшмоқда. *Икромжон* ва *амаки* сўзларининг ҳар иккиси ҳам функционал фаоллиги жиҳатидан **–ни** функционал монемасига қарам ҳолатда воқеланмоқда. Гапнинг *кўрмаган эди* сўзлари билан ифодаланган парчаси функционал монема вазифасида фаоллашган. Чунки у берилган гапда предикативликни ифодаловчи асосий унсурдир. Бошқача айтганда, *кўрмаган эди* ва *Низомжон* сўзлари бир-бирларига нутқий фаоллик бериб, гапнинг семантик салмоғи марказини гавдалантирмоқда.

Мисоллар таҳлилидан кўринадики, мустақил лексик маъно англатувчи морфологик унсурларга нисбатан кўмакчи унсурлар ва ҳатто, келишик аффикслари кўпроқ функционал монема вазифасида келади. Бу табиийдир, албатта. Чунки кўмакчи вазифасидаги тил унсурларининг асосий функциялари мустақил сўзлар ўртасида синтактик ва семантик муносабатларни ташкил этиш-

дан иборатдир. Шунинг учун ҳам ёрдамчи сўзлар гап ёки матн доирасида баъзан абстракт – грамматик воситалар ёрдамида /масалан, келишик қўшимчалари маъносида/, баъзан эса ўз мазмунига кўра аниқроқ ва эркинроқ қўлланилади<sup>93</sup>.

Ҳар қандай сўз ҳам, унинг мустақил ёки кўмакчи эканлигидан қатъи назар, ўз-ўзича бирор синтактик ёки семантик-грамматик вазифани бажара олмайди. Унинг маълум бир функцияда келиши ва аниқ бир маънони англатиши учун синтактик жараён талаб қилинади. Ана шундагина у маълум бир шаклга, маънога ва функцияга эга бўлади. Г. А. Золотованинг таъбири билан айтганда, тил белгисининг бу хилдаги маъно ва шакл бутунлиги сўзлашув жараёнидагина рўёбга чиқади<sup>94</sup> ҳамда қуйидаги ўзаро муносабат бутунлигини ташкил этади :



Тил белгисининг учбурчак шаклида ифодаланаётган функция, шакл ва маъно бутунлигини нафақат алоҳида олинган бир сўзга, балки ҳар қандай жумла ёки гапга нисбатан ҳам бемалол қўллаш мумкин. Агар учбурчак гапга нисбатан тадбиқ этилса, маъно тушунчаси гапнинг структураси билан боғлиқ бўлади, шакл тушунчаси эса бир йўла семантик структурага ҳам, умумий синтактик структурага ҳам алоқадор саналади. Чунки, аввал кўриб ўтганимиз сингари, семантик структура асосида умумий синтактик структура ҳосил бўлади ва у орқали гап нутқ муҳитига кириб, фаол ҳолатда алоқа воситаси функциясини бажара бошлайди.

<sup>93</sup> Қаранг: Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. –М., 1960. –С. 296-326; Коклянова А. А. Глагольные словосочетания в узбекском языке // В кн. : Исследования по синтаксису тюркских языков. –М., 1962. –С. 99; Фуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 1987. 16-бет.

<sup>94</sup> Қаранг: Золотова Г. А. Очерк функционального синтаксиса русского языка. –М., 1973. –С. 8.

Буни қуйидагича кўрсатиш мумкин:

функция

маъно → семантик  
структура

шакл → умумий  
синтактик структура

Учбурчак мазмуни алоҳида олинган сўзларга тадбиқ этилганда эса, уни турлича талқин қилиш мумкин. Бунинг асосий боиси шундаки, ҳар бир сўзнинг функция жиҳатидан фаол ёки нофаоллиги у гап таркибида аниқ бир мақсадга кўра қўлланилгандагина аниқланади. Гапни эса сўзловчи нутқ муҳитининг ихчамлиги ва раволигини таъминлаш мақсадида имкон борича қисқа ва аниқ шакллантиришга ҳаракат қилади. Демак, нутқ муҳитининг асосий унсури сифатида кўпроқ функциялари жиҳатидан фаол монемалар иштирок этади. Шунинг учун гап таркибидаги айрим унсурларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги баъзан берилаётган хабарнинг на мазмунига, на синтактик шаклига сезиларли таъсир этади<sup>95</sup>. Бундай унсурлар гапнинг умумий мазмунини кўшимча равишда тўлдиради, синтактик шаклини эса маълум даражада кенгайтиради, холос:

*Эрталаб Тоҳирнинг уйига меҳмонлар кела бошлади* /К. Икромов. Ўқчи кўчаси, 19/.

Берилган гапнинг энг кичик семантик /туб/ структурасини *кела бошлади* қурилмасида, таянч /ядровий/ структурасини эса *меҳмонлар кела бошлади* предикативли бирикмасида кўрамиз. Бунда эга /меҳмонлар/ ва кесим /кела бошлади/ бири иккинчисига синтактик функция бераётгани учун функционал монемалар саналади. Гапнинг бошқа унсурлари ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин: *эрталаб* сўзи мухтор монема вазифасида келиб, кесимга замон нуктаи назаридан кўшимча маълумот бермоқда: *Тоҳирнинг уйига* бирикмаси мучаларининг ҳар иккиси ҳам қарам монемалардир, чунки уларнинг функционал фаоллиги *-нинг* ва *-га* функционал монемалари орқали таъминланмоқда. Бирикма

<sup>95</sup> Бу қоидадан функционал монемаларнинг белгисиз ҳолда берилиши мустасно.

мазмунига кўра иш ҳаракатининг бажарилиши объекти функциясини тақозо қилади. Демак, мазкур гапнинг семантик структураси предикативлик белгисини ифода этаётган функционал монемалар орқали берилаётган бўлса, унинг бошқа унсурлари, турли семантик ва синтактик функцияларни бажарганлари ҳолда семантик ва бир пайтнинг ўзида синтактик структураларнинг ҳар томонлама кенгайиши учун хизмат қилмоқда.

Шундай қилиб, берилган гапнинг умумий синтактик шаклини  $X_3SV$  формуласи билан ифодалаш мумкин<sup>96</sup>. Формуланинг биринчи белгиси гапнинг умумий синтактик структураси доирасига кирса, кейинги иккаласи таянч структура шаклини тақозо этади. Нутқ муҳитининг талаби ва сўзловчи шахснинг сўзлашув услубига мувофиқ, бу гапнинг умумий синтактик шаклини истаганча кенгайтириш мумкин. Бу жараёнда кенгайиш майдони, асосан, формуладаги  $SV$  элементлари тасарруфида бўлади. Ҳаракат объекти ҳам кенгайиши мумкин, албатта. Аммо объект ҳаракатга /яъни  $V$  га/ тегишлидир. Масалан: *Эрталаб /қўшимиз/ Тоҳирнинг /янги/ уйига /тунги мажлисдан кейин/ меҳмонлар кела бошлади:  $X_8+S+V$ .*

Келтирилган мисолда гапнинг эгаси ва кесими сатҳлари турли монемалар таъсирида семантик ва синтактик жиҳатлардан кенгаймоқда. Гап таркибига янгидан киритилаётган қарийб барча монемалар ҳам ўзлари бўйсунётган сўзларга қарам бўлиб, гапнинг умумий ҳамда семантик-синтактик вазнларини кенгайтириш учун хизмат қилмоқда.

Шу мисолнинг қуйидаги кенгайтирилган шаклида эса ҳаракат объекти ва эганинг синтактик тасарруфлари янги монемалар эвазига янада кенгайишидан ташқари, кесимнинг ифодаланиши ҳолатининг ҳам мукаммалашганини ва натижада, уларнинг ҳар бири учун алоҳида синтактик ифода майдони ҳосил бўлишини кўрамыз: *Самарқанддан кўчиб келган қўшимиз Тоҳирнинг сой бўйидаги янги уйига тунги мажлисдан кейин таклиф қилинган меҳмонлар тўп-тўп бўлиб келиша бошлади.* Бунда: а/ ҳаракат объекти синтактик ифодаси майдони: *Самарқанддан кўчиб келган қўшимиз Тоҳирнинг сой бўйидаги янги уйи-*

<sup>96</sup> Формулада  $X_3$  умумий синтактик структурани ташкил этувчи воситалар,  $S$ -субъект,  $V$ -предикатни тақозо этади.



га; б/ эганинг синтактик ифодаси майдони: *тунги мажлисдан кейин таклиф қилинган меҳмонлар*; в/ кесимнинг синтактик ифодаси майдони: *тўп-тўп бўлиб кела бошлади*.

Бу бирикмаларнинг ҳар бири функционал ва қарам монемаларнинг ўзаро синтактик муносабатларидан тузилмоқда. Масалан, Самарқанд – қарам монема, -дан – функционал монема, кўчиб – қарам ва келган – функционал монема ва ҳоказолар.

Аммо, шуни ҳам эслатиб ўтиш лозимки, гап семантик структурасини кенгайтириш учун тилнинг дуч келган унсурларидан фойдаланиб бўлмайди. Гап таркибига янгидан киритилаётган ҳар бир унсур синтагматик қаторнинг ички қонуниятларига мос келадиган даражада фаоллик кўрсата олади, чунки синтагматик қаторда гап нафақат алоҳида унсурларнинг фаоллиги учун, балки ўзининг коммуникатив жиҳатдан фаол бўлиши учун ҳам интилади<sup>97</sup>.

Албатта, гапнинг коммуникатив фаоллиги унинг зарурий унсурлари орқали рўёбга чиқади. Шунинг учун бундай унсурлар, бошқаларидан фарқли равишда, алоҳида функционал вазнга эга бўлади. Масалан, юқорида таҳлил этилган гапнинг хабар объекти таркибидаги *уйига* сўзи ана шундай хислатга эга. Мазкур сўз айни пайтда уч таркибий қисмдан иборат бўлиб, улардан бири /уй/ қарам монема, иккинчиси /-га/ функционал монема ва учинчиси /-и эгалик аффикси/ сўзнинг парадигматик қатордан синтагматик қаторга ўтишини таъминловчи воситадир. Ана шу таркибий қисмлар бир бугун ҳолда келгандагина айни пайтдаги сўз /уйига/ фаоллиги таъминланади ва у орқали ҳаракат объекти вазифасида келаётган бугун бир бирикманинг гап таркибига кириши учун имконият яратилади. Фараз қилайлик, сўз таркибида -га функционал монемаси йўқ. У ҳолда хабар объекти унсурларининг синтактик фаоллиги сусаяди ва нутқдан ташқари виртуал ҳолатдаги сўз бирикмаси ҳосил қилинади. Шунинг учун бу сингари функционал фаол унсурларни синтагматик қатор занжирини ташкил этувчи ҳалқа деб аташ мумкин.

Гапнинг умумий синтактик структураси кенгайишида -ган аффикси ёрдамида ҳосил бўлувчи сифатдош шаклининг ҳам аҳамияти муҳимдир. Сифатдош шаклидаги сўз гапнинг туб структураси

<sup>97</sup> Қаранг: Реформатский А. А. Фонологические этюды. -М.,1975. -С. 72.

қисмларининг бирортасига ёки унинг умумий синтактик структурасини шакллантирувчи иккинчи даражали бўлақлардан бирига боғланган ҳолда, асосан, функционал монема вазифасини бажаради (бу ҳақда ишнинг кейинги саҳифаларида батафсил фикр билдирилади).

Ҳозирги замон ўзбек тилида, юқорида кўриб ўтилганидек, келишиқ кўшимчалари ҳам функционал монема вазифасида келади. Уларнинг –ган аффиксли сифатдош шакли билан ифодаланадиган функционал монемадан асосий фарқи аксарият ҳолларда мустақил равишда /бошқа морфологик воситалар ёрдами-сиз/ синтактик фаоллик кўрсатишидадир:

1. Эртасига эрталаб Маҳкам аканинг машинасида колхоз идорасига келдик /О. Ҳусанов. Тақилмаган узук, 78/.

2. Румиянинг портретини битказиш ниятида уларникига қанда қилмай келиб турди /С. Кароматов. Сўнги бархан, 63/.

3. Кўзғолончиларнинг бошида саркарда Спитамен турарди /М. Осим. Аждодларимиз фожиаси, 11/.

Келишиқ кўшимчалари билан ифодаланган функционал монемалар маълум бир сўзнинг ўзак ёки негизига бирикиши натижа-сида ўша сўзни қарам монема ҳолатига келтиради: *университет + га, университет + да, университет + ни, университет + нинг*. Бошқача айтганда, келишиқ кўшимчаси олаётган сўз шу кўшим-часиз гап таркибига тўғридан-тўғри кириб синтактик фаол ҳолда қўллана олмайди. Шу сабабли у ана шу кўшимчага қарам бўлиб қолади ва натижада, аффикс шаклан тилнинг энг кичик унсурла-ридан бўлса-да, функционал монема мавқеини касб этади.

Келишиқ аффикси бошқа морфологик воситалар қуршови-да бўлганда, у ана шу воситалар билан бирга яхлит олингани ҳолда функционал монема вазифасини бажаради: *мактаб + даги, уй + даги*. Масалан:

1. Қиз шошиб бошидаги эскигина дуррасини тузатган бўлди /Д. Нурий. Осмон устун, 57/.

2. Болаларнинг гурунги бўғотдаги мусичанинг ку-куси би-лан бўлиниб турибди /А. Мухтор. Чинор, 55/.

Бирок, бошқа аффикслардан фарқли равишда, эгалиқ аф-фикси тўлақонли функционал монема эмас, балки ўзи кўшилиб келаётган сўзнинг синтактик фаол ҳолатдаги шаклини ясовчи

ярим функционал монема вазифасида келади. Зотан, функционал залвар бундай вазиятда келишик қўшимчасига тушади. Мазкур ҳолат ҳатто келишик ва эгалик аффикслари алоҳида сўзлар таркибида келганда ҳам кузатилади:

Уларнинг юраги қилт этмади /А. Мухтор. Чинор, 162/.

Хотин киши шундай далил қарорга келганда, эркакларнинг бўшанглик қилиши ноқулай эди /А. Мухтор. Чинор, 164/.

Юқоридагилардан ташқари, ҳозирги ўзбек тилида кўп пайтларда функционал монемаларнинг белгисиз ҳолда берилиши ҳам кузатилади<sup>98</sup> :

1. *Узоқда - Ёйиқ сойнинг тепасидаги қир ортида тўлин ой кўринди* /Ў. Ҳошимов. Қалбингга кулоқ сол, 162/.

2. *Темур Малик отга қамчи босганича тўппа-тўғри дарё ёқасидаги машқ майдонига келди* /Мирмуҳсин. Темур Малик, 92/.

3. *Бугун Ўшга Бобур мирзо бошлиқ ҳамма аркони давлатларнинг келиши кутилмоқда* /П. Қодиров. Юлдузли тунлар, 71/.

4. *Ўнг деворга тақалган сервантга рўзгор учунгина зарур чинни асбоблар терилган* /С. Кароматов. Сўнгги бархан, 28/.

5. *Фақат Хўжа Яҳёнинг ҳашаматли уйига талончилар йўлатилмади* /П. Қодиров. Юлдузли тунлар, 183/.

6. *Куёв оқ рўмол ёпиниб ўтирган келин томон эгилди* /Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор, 71/.

Келтирилган мисолларнинг биринчи ва иккинчисида *қир*, *дарё*, *машқ* каби сўзларда *-нинг* функционал монемасининг белгисиз, яъни улар таркибида қатнашмагани ҳолда функция бажараётганини кўрамиз. Қиёсланг: ... *қирнинг ортида*, ... *дарёнинг ёқасидаги*, ... *машқнинг майдонига*.

Бироқ, шундай бўлса-да, *-нинг* монемаси бундай вазиятда аниқ ифодага эга бўлган ҳолдаги функционал фаоллигини тўлиқ сақлаб қолиши мумкин. Шу боис келтирилган мисолларда унинг *қир*, *дарё*, *машқ* каби қарам монемаларга нафақат функция,

<sup>98</sup> Қаранг: Турниёзов Н. Қ., Турниёзова К. А. Функционал таҳлил // Мактабда ўзбек, рус тиллари ва адабиёти, 1991, № 4. 19-20- бетлар.

балки синтактик фаоллик бераётгани ҳам кузатилади. Демак, баъзи морфологик воситалар белгисиз ҳолда ҳам гап унсурларининг синтактик муносабатларини таъминлай олади. Айни пайтда уларнинг аниқ ифодага эга бўлган тил белгилари билан семантик ва синтактик жиҳатлари тенг бўлади<sup>99</sup>.

Берилган мисолларнинг учинчи ва тўртинчисида бўлган сифатдоши орқали ифодаланган функционал монема туширилиб қолдирилмоқда. Қиёсланг: ... *Бобур мирзо бошлиқ* — ... *Бобур мирзо бошлиқ бўлган*; ... *сервантга рўзгор учунгина зарур* ... — *сервантга рўзгор учунгина зарур бўлган* ... .

Бешинчи мисолда **-ни** функционал монемаси белгисиз берилмоқда /талончилар - талончиларни/. Бунинг асосий сабаби айни пайтда гапнинг кесими вазифасида келаётган сўз /йўлатилмади/ феълнинг мажхул нисбатини тақозо этиши билан узвий боғлиқ. Акс ҳолда **-ни** монемасининг белгили тарзда берилиши лозим бўларди. Қиёсланг: ... *талончилар йўлатилмади* — ... *талончиларни йўлатилмади* /нореал вариант/. Аммо, шуни ҳам айтиш керакки, тушум келишигининг кўп пайтларда белгисиз берилиши ўзбек адабий тили меъёрига зид эмас.

Олтинчи мисолда эса **-га** функционал монемасининг белгисиз ҳолда берилаётганини кўрамиз. Айни пайтда бу монеманинг синтактик ўрнини икки сўз таркибида, яъни *келин* ёки *томон* сўзларининг бирортасида белгилаш мумкин. Масалан: *келинга томон* ёки *келин томонга*. Аммо ҳар иккала ҳолат ҳам ҳозирги ўзбек адабий тили меъёрига тўлиқ мос келади. Шунинг учун бу жараёнда гапнинг грамматик қурилиши ва мазмун бутунлигига путур етказилмайди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, кўриб ўтилган функционал монемаларнинг белгисиз ҳолда берилиши ҳодисаси тил имкониятлари билан қанчалик боғлиқ бўлса, нутқ имкониятлари билан ҳам шу даражада алоқадордир. Чунки, у бир томондан белгиларнинг тил системаси имкониятлари меъёридан ортиқча қўлланилмаслигини тақозо этса, иккинчи томондан сўзловчи

<sup>99</sup> Қаранг: Колшанский Г. В. Нулевая морфологическая форма и её использование в синтаксических конструкциях немецкого языка // *Philologica*. —Л.,1973. —С. 155-172.

шахснинг тил унсурларини нутқ жараёнида қайдаражада тежаши масаласини акс эттиради.

Функционал монемалар қаторини, эслатиб ўтилган аффикслар ва сифатдош шаклларида ташқари, кўмакчилар, боғловчилар, айрим равиш ва равишдошлар шакллари, шунингдек, баъзи ёрдамчи сўзлар ҳам тўлдиради. Функционал монемаларнинг бу турига кирувчи унсурларнинг олдинги функционал монемалардан асосий фарқи уларнинг семантик ва синтактик имкониятлари даражасининг кенглигида кўринади. Масалан, кўмакчиларни олайлик. Кўмакчилар ҳозирги ўзбек тилида, бошқа туркий тилларда бўлганидек, от билан турли туркумларга тегишли сўзлар ўртасида бўлган ҳар хил муносабатларни /макон, замон, сабаб, мақсад ва ҳоказолар/ ифодалагани ҳолда, мазмун ва вазифасига кўра аксарият ҳолларда келишик қўшимчаларига мос келади ва натижада, келишикларнинг грамматик функцияларини янада мукамаллаштиради<sup>100</sup>. Шунинг учун В. И. Кодухов: «Кўмакчилар туркий ва фин-угор, мўғил, япон ва бошқа бир қанча тилларда энг муҳим грамматик кўрсаткичлардан биридир», - деган эди<sup>101</sup>.

Аммо, кўмакчилар ҳақида сўз юритилганда шунини ҳам айтиш керакки, макон маъноси ифодасини тақозо этувчи *олдида, олдидан, ичида, ичига, устида, устига, остига, остида тагида* сингари кўмакчи вазифасида келадиган сўзларни мустақил функционал монемалар тарзида ўрганиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки улар таркибида келувчи келишик қўшимчалари функционал, эгаллик қўшимчалари эса ярим функционал монемалар саналади. Шунга кўра, негизи келишик қўшимчалари орқали фаоллик олаётган кўмакчи вазифасидаги монемалар қарам монемалар ҳисобланади.

Шундай қилиб, функционал синтаксисда бир таркибли кўмакчи /билан, учун, каби ва ҳ. к. / ва кўмакчига силжиган пайт равишларининг /кейин, сўнг, илгари, олдин, сари, сингари, бери, буён ва ҳ. к. / функционал фаоллигини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бу сўзларнинг ҳар бири иккинчисидан ўзининг семантик ва грамматик функциялари билан фарқ қилади. Албатта,

<sup>100</sup> Қаранг: Оралбаева Н. Аналитизм в грамматическом строе тюркских языков // Тюркское языкознание. –Ташкент, 1985. –С. 164-165.

<sup>101</sup> Кодухов В. И. Введение в языкознание. –М., 1979. –С. 243.

*кейин - сўнг, аввал – олдин, илгари–бурун* сингари маънодош сўзларнинг функционал тавсифлари бундан истисно. Чунки улар семантик ва синтактик функцияларига кўра бири иккинчисини бемалол алмаштира олади.

Куйида бир таркибли кўмакчи сўзларнинг функционал фаоллигини конкрет мисоллар асосида кўриб ўтамиз:

1. *Умматали шаҳарлик меҳмонни кўриши билан дарҳол ўрнидан туриб қўл қовуштирди* /Х. Ғулом. Мангулик, 182/.

2. *Айвонимизда дадам Раҳим домла билан ўтирарди* /Х. Ғулом. Машъал, 265/.

3. *У ... қўлидаги йўнилмаган таёқ билан ўт-ўланларни титкилаб бир нималар қидирар эди* /А. Мухтор. Чинор, 91/.

4. *Вафо амир Абдулаҳатнинг фармони билан девор остига бостириб юборилган эди* /О. Ҳусанов. Тақилмаган узук, 19/.

5. *Отақўзи катта қорамтир мушти билан столни гурсиллатиб урди* /О. Ёқубов. Диёнат, 4/.

Берилган гапларнинг барчасида ҳам *билан* кўмакчиси функционал монема вазифасида келган. Биринчи гапда у иш ҳаракатининг бажарилиш вақтини кўрсатиб, гап таркибига *шаҳарлик меҳмонни кўриши* ... бирикмасини олиб кирмоқда ва натижада, гапнинг мазмуний салмоғини ва умумий синтактик структурасини кўшимча унсурлар кўмагида бойитмоқда.

Иккинчи гап таркибидаги *билан* монемаси *Раҳим домла* бирикмасига синтактик фаоллик бермоқда ва унинг воситасида иш ҳаракатининг мазмуни салмоғи тўлдирилмоқда. Ана шу хусусиятига кўра бу монема функцияси жиҳатидан фаоллик даражасига кўтарилган.

Учинчи мисолдаги *билан* функционал монемаси синтактик вазифасига кўра олдинги гаплардаги шу сингари монемалардан фарқ қилмайди. Бироқ семантик жиҳатдан унинг ўзига хос сифатлари мавжуд.

Тўртинчи мисолда *билан* монемаси *амир Абдулаҳатнинг фармони* бирикмасини гап таркибига олиб кириб, унга синтактик фаоллик бермоқда. Айни пайтда бу бирикма таркибида тўртта монема бўлиб, улардан биринчиси /амир/ мухтор ҳолатда, иккинчи ва учинчилари қарам вазиятда /Абдулаҳат, фармон/ ва охириги-

си /-нинг/ функционал монема вазифасида келмоқда.

Кўринадики, бу монемаларнинг, **амир** сўздан бошқалари, маълум маънода **билан** монемасининг таъсири доирасидадир. Чунки **Абдулахатнинг фармони билан** бирикмасининг мазмуни, гарчи у туб структура таркибида бўлмаса-да, гапнинг умумий синтактик шаклини ташкил этаётган барча сўзларга кириб борган.

Бешинчи мисолда **билан** монемаси ёрдамида турли монемалардан тузилган **катта қорамтир мушти билан** бирикмаси ташкил топган бўлиб, у иш-ҳаракатнинг бажарилиш тарзини, воситасини ифода этмоқда. Бирикма таркибидаги **катта** ва **қорамтир** сўзлари мухтор монемалар, **мушт** – қарам монема, **-и** - ярим функционал /мушт+и/ ва **билан** функционал монемадир.

Лекин, шуни ҳам эслатиб ўтиш лозимки, **билан** монемаси, асосан, **мушт** сўзига функционал фаоллик бермоқда. **Катта** ва **қорамтир** сўзларининг синтактик ва функционал фаоллиги унга алоқадор эмас. Бу сўзлар исталган пайтда гап таркибидан туширилиб қолдирилиши мумкин. Шунинг учун ҳам улар мухтор монемалардир.

**Билан** функционал монемасининг характерли белгиларидан бири яна шундаки, у аксарият ҳолларда гапнинг умумий синтактик структураси доирасида қўлланилади. Шу сабабли у орқали гап таркибига киритилаётган бирикма шаклидаги синтактик қурилмалар умумий синтактик структурани кенгайтириш учун хизмат қилади.

**Учун** кўмакчиси ҳам функциясига кўра ҳозирги ўзбек тилида энг фаол монемалардан биридир. **У**, асосан, мақсад, сабаб муносабатларини ифода этади ва синтагматик қатор доирасида алоҳида бирикма ҳосил қилиб, ундаги турли монемаларга маъно ва функцияларига кўра маълум бир йўналиш беради. Бу жараёнда унинг таъсирида нафақат қарам монемалар, балки функционал монемалар ҳам бўлиши мумкин. Аммо бу билан **учун** монемаси ўз тасарруфидаги барча монемаларга синтактик ва функционал фаоллик беради деб бўлмайди, албатта. Чунки синтагматик занжир доирасида сўзлар бирига иккинчиси фаоллик бераверади. Лекин бу сингари бирикманинг синтактик тузилиши, мазмуни ва функционал фаоллиги бевосита **учун** монемаси билан боғлиқ бўлади. Фикр исботи учун қуйидаги гапларда **учун** монемасининг қўлланилиши сабабларига эътибор берайлик:

1. *Мен сизни чин инсонлигингиз учун гоят ҳурмат қиламан* /М. Қориев. Афросиёб гўзали, 312/.

2. *Устод билан шогирд юракларининг чигалини ёзиш учун алламаҳалгача дардлашиб ўтирдилар* /М. Осим. Аждодларимиз фожиаси, 53/.

3. *Ўз нафсинг учун бировнинг покиза қизини бахти қора қилма* /С. Анорбоев. Мунавварнинг тақдири, 324/.

Кўринадики, *учун* функционал монемаси гапнинг умумий структураси доирасида қўлланилади ва туб структуранинг бирор унсури /кўпроқ ҳаракат ифодасининг/ мазмунига мукамаллик беради ва бу билан унинг синтактик таъсири доирасини кенгайтиради. Қиёсланг: 1. ... *ҳурмат қиламан* – *чин инсонлигингиз учун*. 2. ... *дардлашиб ўтирдилар* – *юракларининг чигилини ёзиш учун*. 3. ... *бахти қора қилма* – *ўз нафсинг учун*.

Ана шу тарзда сабаб, мақсад муносабатларини англатувчи бирикмалар ҳосил бўлади. Лекин, шунга ҳам эътибор бериш керакки, *учун* функционал монемаси ва унинг таъсирида ташкил қилинаётган бирикма, асосан, гапнинг умумий мазмуни нуқтаи назаридан аҳамиятлидир. Чунки синтактик жиҳатдан унга жиддий зарурат сезилмайди. Масалан: 1. *Мен сизни гоят ҳурмат қиламан*. 2. *Устод билан шогирд алламаҳалгача дардлашиб ўтирдилар*. 3. *Бировнинг покиза қизини бахти қора қилма*.

*Сари* кўмакчиси ҳам функционал монема тарзида қўлланади. Унинг юқорида кўриб ўтилган функционал монемалардан фарқи шундаки, у ўзига қарам бўлган монемаларга бир пайтнинг ўзида синтактик ҳамда функционал фаоллик беради ва улар иштирокида синтагматик қатор занжирида алоҳида бирикма ташкил этади. Бу эса, ўз навбатида, мазкур монеманинг функционал фаоллигини оширади: *Эртагаёқ сиз билан Хўжанд сари жўнашга тайёрман* /М. Осим. Аждодларимиз фожиаси, 262/.

Берилган гапда *Хўжанд сари* бирикмасига эътибор берайлик. У икки монемадан иборат бўлиб, уларнинг биринчиси қарам ва иккинчиси ҳоким, яъни функциясига кўра фаолдир. *Хўжанд* сўзи айна пайтда қарам монема сифатида хабар объекти вазифасини ўтамоқда. Аммо унинг бу вазифада қўлланилиши ё *сари /томон!*, ёхуд *-га* функционал монемаларининг ишлатилиши билан боғлиқ. Баъзи пайтларда бу монемалар белгили тарзда бе-



рилмаслиги ҳам мумкин. Лекин бундай ҳолларда ҳам мазкур функционал монемаларни гап таркибида мавжуд деб ҳисоблаймиз, зотан, улар бажараётган функциялар тўлиқ ҳис этилади. Қиёсланг: *Хўжанд сари — Хўжандга — Хўжанд томон жўнашга тайёрман.*

*Сари* ва *томон* монемалари ва улар бошқараётган сўзлар ҳам, одатда, гапнинг туб структураси сатҳида келмайди. Аммо шуни ҳам айтиш лозимки, мазкур сўзлар мантикий урғу олиб, гапнинг энг фаол бўлаги, яъни рема вазифасида келса, улар мазмуний жиҳатдан жуда муҳим аҳамият касб этади:

1. *Икковлашиб уни судраганча булоқ томон туша бошлади* /Н. Қобул. Овчи, 102/. — *Икковлашиб уни судраганча булоққа туша бошлади.*

2. *Хаёл уни студентлик йиллари сари етаклади* /С. Кароматов. Сўнги барҳан, 46/. — *Хаёл уни студентлик йиллари томон етаклади.* — *Хаёл уни студентлик йилларига етаклади.*

Юқоридагилардан ташқари, *сари* функционал монемаси - *ган* аффикси ёрдамида ифодаланган қарам ва функционал монемалар мажмуини тақозо этувчи сифатдош шакли билан ҳамкорликда ҳам алоҳида бирикма ташкил этиши мумкин. Айни пайтда унинг муқобили, яъни функционал маънодоши *сайин* монемаси бўла олади. Қиёсланг: *Уйига яқинлашган сари адоий тамом бўлиб борарди* /Н. Қобул. Овчи, 177/. — *Уйига яқинлашган сайин адоий тамом бўлиб борарди.*

Бу сингари *сари*, *сайин* функционал монемалари -*ган* шаклли сифатдош билан келганда содда гап таркибида ярим предикативлик белгисини ҳосил қилади ва гапнинг синтактик шаклини кенгайтириш учун сезиларли даражада улуш қўшади.

*Сингари*, *каби* кўмакчилари ҳам функционал монема вазифасида келиб, синтагматик қатор занжирида очиқ структурали бирикмалар ташкил этади:

1. *Милтиқ, миномёт, пулемёт отиш, окоп қазиш, эмаклаб юриш сингари машқларни ўргандик* /О. Хусанов. Тақилмаган узук, 62/.

2... *ўзини болалик чоғларидаги каби денгизда сузиб бораётгандек ҳис қилишни истар эди* /Х. Султонов. Бир оқшом эртаги, 26/.

Келтирилган мисолларда *сингари*, *каби* кўмакчилари бошқарувида очиқ структурали бирикмалар ташкил этилмоқда, зотан, мазкур бирикмалар компонентлари сонини исталганча кенгайтириш мумкин.

*Сингари*, *каби* функционал монемаларининг ўзига хос томонларидан яна бири шундаки, улар фақат ўзлари бошқарётган қарам монемаларга синтактик функция бериб қолмасдан, уларнинг маъноларини ҳам умумлаштиради. Бу жиҳатдан мазкур монемалар *-дай*, *-дек* функционал монемалари билан бир хил синтактик ва семантик функция бажаради. Шунинг учун бу морфологик унсурларни маънодош функционал монемалар деб аташ мумкин. Қиёсланг: *Милтиқ, миномёт, пулемёт отиш, окоп қозиш, эмаклаб юриш сингари — эмаклаб юриш каби — эмаклаб юришдек ...*

*Кўра* монемасининг ҳам ўзига хос функционал жиҳатлари бор. У кўпроқ қиёсий муносабатларни ифодалайди:

1. *Апрел қуёши бугун ҳар галгидан кўра кучлироқ қиздирмоқда* /В. Ғафуров. Сўнги пушаймон, 112/.

2. *Бу йигин мажлисдан кўра кўпроқ тўйхонага ўхшарди* /Ф. Фозилов. Шоирнинг бахти, 28/.

Келтирилган мисолларнинг иккаласида ҳам *кўра* кўмакчиси функционал фаолликка бошқа бир /-дан/ монема иштирокида эришмоқда. Бу жиҳатдан у *-дан* аффиксига қарамдир. Чунки гап таркибида *-дан* аффиксининг семантик ва синтактик вазни *кўра* кўмакчисига нисбатан муҳимроқ. Шунинг учун бу аффикснинг ёлғиз ўзи ҳам функциясига кўра фаол бўла олади. Қиёсланг: *Кечагидан кўра бугун иссиқ. — Кечагидан бугун иссиқ.*

*Кўра* монемаси айти пайтда мустақил ҳолда функция бажармагани учун гап таркибида унинг қатнашиши синтактик заруратга кўра эмас, балки семантик нуқтаи назардандир. Шу сабабдан гап таркибидан туширилиб қолдирилиши ҳам мумкин. Агар у гап таркибида мавжуд экан, қиёсий маъно ифодасини бўрттириш учун хизмат қилади ва *-дан* аффикси воситасида вазифа бажаради.

*Кўра* монемаси қиёсий маънони ифодалашда *-га* аффикси билан қўлланиши ҳам мумкин:

*...жуссаси онасига кўра тўлароқ эди* /А. Қодирий. Ўтган кунлар, 29/.

Аммо берилган гап мазмуни ифодасини **-дан ёки -дан кўра** воситалари иштирокида ҳам бериш мумкин: ... **жуссаси онаси-дан /кўра/ тўлароқ эди**. Бироқ, ҳар икки ҳолда ҳам қиёсий маъно англашилади. Шунинг учун уларнинг ўрнига **қараганда, нисбатан** функционал монемалари бемалол қўлланилиши мумкин. Қиёсланг: ... **жуссаси онасига қараганда тўлароқ эди** — ... **жуссаси онасига нисбатан тўлароқ эди**.

Бунда шуни таъкидлаш лозимки, **-га** ва **-дан** аффиксларининг функционал қийматлари тенг эмас: **-дан** мустақил қўлланилиш имкониятига эга, **-га** эса албатта **кўра, қараганда** ва ҳ. к. каба бирор сўз кўмагида фаоллашади.

Кўриб ўтганларимиздан ташқари, бирор бир воқеа-ҳодисанинг иккинчи бир воқеа-ҳодиса асосида рўёбга чиқиши **-га кўра** функционал монемаси ёрдамида ифодаланади. Бу ўринда мазкур функционал монеманинг синтактик ва семантик маънодош муқобиллари **-га мувофиқ, -га биноан, -ча, бўйича** каби унсулар бўла олади. Қиёсланг:

**У ўрганиб қолган одатига кўра аввал ота ҳузурига шошди** /А. Мухтор. Бухоронинг жин кўчалари, 57/. – **У ўрганиб қолган одатига мувофиқ аввал ота ҳузурига шошди**. – **У ўрганиб қолган одатига биноан ...** – **У ўрганиб қолган одатича...** – **У ўрганиб қолган одати бўйича ... ва ҳ. к.**

Ҳозирги ўзбек тилида замон муносабатини ифодалашда **кейин, олдин, бурун, илгари, аввал, сўнг, бери, буён, муқаддам** равишлари қўлланилади. Мазкур сўзлар гап унсуларининг функционал таҳлили доирасида жуда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун бу сўзларни том маънода функционал монемалар тарзида талқин қилиш лозим. Улар синтактик функцияларига кўра бири иккичисидан қарийб фарқ қилмайди, бироқ семантик жиҳатдан бир-бирига нисбатан қарама-қарши маъно ифодалайди: **кейин – олдин, сўнг – аввал** кабилар. Бундан ташқари, уларнинг айримлари ҳаракатнинг аниқ тугалланганлигига ишора этса, баъзиларининг давомлилигини кўрсатади. Қиёсланг:

1. **Шарофат хола шундагина унинг келгандан бери оғиз очиб бир гап айтмаганини эслади** /А. Мухтор. Чинор, 204/.

2. **Уруш тугаб, тинч қурилиш йиллари бошлангандан кейин завод яна ўз йўлига тушиб кетди** /М. Қориев. Афросиёб гўзали, 137/.

3. Бундан ўн йиллар муқаддам чўлқуварлар учун қурилган ўйлар кўз олдимга келди /О. Ёқубов. Биштур қандиллар, 153/.

4. Бу йигит Хафизадан икки-уч йил аввал мактабни тамомлаган /Мирмуҳсин. Умид, 81/.

5. Зах мадраса ҳужраларининг зикна ҳаётидан сўнг бу янги, қайноқ, сирли, ёруғ ҳислар дунёси Олимни бутунлай ўзига тортиб кетди /А. Мухтор. Чинор, 178/.

6. Ҳофиз Куйкий икки кундан буён шу карвон саройда муқим эди /Х. Султонов. Бир оқшом эртаги, 164/.

Келтирилган гапларда *бери, кейин, муқаддам, аввал, сўнг* ва *буён* сўзлари функционал монемалар сифатида қўлланмоқда. Аммо бу сўзлар гап унсурларининг синтактик муносабатларидан келиб чиққани ҳолда **-дан + равиш** тарзида иккинчи бир функционал монема билан бирга фаоллашган. Чунки замон муносабатини ифодаловчи равишларнинг қарийб барчаси **-дан** функционал монемаси иштирокида функционал фаолликка эришади. Бу уларнинг ўзига хос деривацион хусусиятларидан биридир. Шу боис **-дан** аффикси ва равиш яхлитлигича битта функционал монема саналади.

Функционал монеманинг бу тури ҳам гапнинг туб структураси сатҳига кирмайди. Шу сабабли у гапнинг умумий синтактик структураси доирасида қатнашиб, туб структура таркибидаги ҳаракат ифодасига замон нуқтаи назаридан қўшимча маълумот бериш учун хизмат қилади. Ана шуларга асосланиб, юқорида берилган гапларнинг туб структураларини қуйидагича белгилаймиз:

/Шарофат хола/ эслади.

/Завод/ йўлга тушиб кетди.

/Кўз олдимга/ келди.

/Йигит/ тамомлаган.

/Дунё/ тортиб кетди.

/Ҳофиз Куйкий/ муқим эди.

Юқоридагилардан ташқари, равиш орқали ифодаланган монемалар нисбий мухтор ҳолатда келиши ҳам мумкин. Бу, албатта, мазкур сўз жумла ичида янги тактнинг бошида келганда кўпроқ кузатилади. Аммо унинг бу тарзда қўлланилишини мухтор монемалар билан тенглаштириб бўлмайди. Шу сабабли бу сингари тил унсури гап таркибидан туширилиб қолдирилмайди.

1. Дилсўз анча маҳалгача чироқни ёқиб қўйиб, ўқидими, ўқимадими, ўтираверди. Кейин диванда ётган жойида ухлаб қолди /М. Қориев. Афросиёб гўзали, 126/.

2. Акбарали у ерга яна ўз ихтиёри билан қайтиб бо-ришни сира ўйламаган эди. Ҳозир ҳам боргиси йўқ /А. Мухтор. Чинор, 231/.

Равиш туркумидаги *нари*, *бери* сўзлари ҳам функционал монема вазифасида юқорида кўриб ўтилган замон маъносини ифодаловчи *олдин*, *кейин*, *буён* функционал монемалари каби –дан аффикси билан бирга қўлланилади: *дарёдан нари*, *мак-табдан бери*, *қишлоқдан нари*, *йўлдан бери*.

Аффикслар, кўмакчилар ва баъзи равишлар орқали ифодаланган функционал монемалар жумласига *ҳам* сўзинида кири-тиш мумкин. Чунки у ўзининг функционал жиҳатлари билан уларга яқин туради.

*Ҳам* монемаси содда гап таркибида турли семантик ва синтак-тик маъноларни ифодалайди. Бу жараёнда у баъзан гапнинг бош бўлаклари тасарруфида келса, баъзан иккинчи даражали бўлақлар қуршовида бўлади: *Шу меҳмонлар ичида кичик командир Ру-стамжон Пўлатов ҳам бор эди* /К. Яшин. Ҳамза, 371/.

Келтирилган мисолда *ҳам* монемаси гапнинг бош бўлаклари тасарруфида берилмоқда. Бироқ шундай бўлса-да, у на эгага, на кесимга тобе. Чунки унинг синтактик ва функционал фаолиги бирор морфологик восита таъсирида эмас, балки мутлақо муста-қил ҳолда таъминланмоқда. Мазкур сўзнинг функционал монема даражасига кўтарилишининг асосий боиси эгани маълум даража-да изоҳлаётганидадир. Бошқача айтганда, у меҳмонлар орасида Рустамжон Пўлатовнинг ҳам борлигини алоҳида бўрттирмоқда. Акс ҳолда, у мухтор монема функциясини бажарган бўларди.

*Ҳам* функционал монемаси гапда, асосан, семантик зарурат-га кўра қўлланилади ва бир пайтнинг ўзида тегишли синтактик вазифаларни ҳам бажаради:

*Файзулло бу кеча ҳам уйқусиз тўлганиб чиқди* /А. Мухтор. Бухоронинг жинкўчалари, 97/.

Айни пайтда *ҳам* функционал монемаси иштирокида синтаг-матик қатор занжирининг *бу кеча ҳам* тарзидаги бирикма ҳола-тида ифодаланган парчаси ташкил этилаётганини кўрамиз. Бу,

албатта, унинг бу бирикма сатҳидаги синтактик функциясидан далолат беради. Аммо бирикма гапнинг кесими ифодалаётган ҳаракат мазмунига қўшимча маъно бермоқда. Бунга семантик нуқтаи назардан эҳтиёж сезилган, албатта. Умумий синтактик режада эса гап шакли унинг иштирокисиз ҳам беками-кўстдир /Файзулло уйқусиз тўлғаниб чикди/.

Юқоридагилардан ташқари, **ҳам** функционал монемаси **бўлмоқ** феълининг синтактик тасарруфида келиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда у гапнинг кесими томонидан бажариладиган ҳаракатга тўсиқсизлик маъносини бериш учун хизмат қилади:

*Ота-боланинг тўй хусусидаги маслаҳатлари ора-чора бўлса ҳам, Бузрукхўжанинг қулогига чалина бошлади* /Х. Тўхтабоев. Йиллар ва йўллар, 119/.

Келтирилган мисолда гап таркибида **ҳам** монемаси иштирокида қўшимча равишда ҳосил қилинаётган бирикманинг /ора-чора бўлса ҳам/ вазифаси, аввал кўриб ўтганимиз сингари, кесим мазмунини тўлдиришдан иборат бўлса-да, у ўзига хос тўсиқсизлик маъносини ҳам ифодаламоқда.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, мазкур бирикма таркибида **бўлса** ва **ҳам** унсурларининг ҳар бири функционал монема саналади. Чунки **ҳам** сўзи **бўлса** сўзига функционал фаоллик берар экан, **бўлса** сўзи, ўз навбатида, ўздан олдинги икки элементга /ора-чора/ функция улашади.

Ҳозирги ўзбек тилидаги нутқнинг синтактик занжири сатҳида кўп қўлланадиган монемалардан бири -ган аффикси билан бериладиган сифатдош шаклидир. Унинг функционал фаоллиги белгиси ҳаракат ифодаси билан бевосита боғлиқ эканлигида кўринади:

1. *Дераза ёнида ўтирган Остон шаҳар оқшомини томоша қилиб борарди* /Р. Файзий. Ҳазрати инсон, 198/.

2. *Ўринбой акасининг жаҳлидан қолишмайдиган бир газаб билан жавоб қилди* /Х. Султонов. Бир оқшом эртаги, 96/.

Берилган мисолларда **ўтирган** ва **қолишмайдиган** сифатдош шакллари функционал монема вазифасини бажармоқда. Уларнинг биринчиси туб структура шаклини кенгайтириш учун, иккинчиси эса гапнинг умумий синтактик шакли тасарруфидаги иккинчи даражали бўлақлардан бирининг /ҳолнинг/ синтактик майдонини ясаш учун қўлланилган.

Бу тарздаги монеманинг характерли белгиларидан яна бири шунда кўринадики, у орқали содда гап таркибида кўшимча равишда ярим предикативли курилмалар вужудга келади ва гапнинг синтактик шакли мураккаблашади. Масалан, юқорида келтирилган ҳар иккала гапнинг /айниқса иккинчи гапнинг/ умумий синтактик шакллари бунинг исботи бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам С. Н. Иванов ҳозирги ўзбек тилидаги сифатдошнинг *-ган* аффиксли шакли грамматик белгиларига кўра ўта мураккаб эканини қайд этади <sup>102</sup>.

*Деб* сўзи /равишдош/ ҳам функционал фаол монемалардандир. У функционал монема тарзида ҳар доим синтагматик қатор занжирида алоҳида бирикма ташкил этади ва уни бошқариб келади:

*Абутолиб акани деб бечора хола жинни бўлиб қолибди* /С. Сиёев. Саратонда қор ёғди, 18/.

Берилган гапда *деб* функционал монемаси иштирокида *Абутолиб акани деб* бирикмаси ҳосил қилиниб, унинг таркибида икки қарам /Абутолиб ака/ ва икки функционал /-ни, деб/ монемалар мавжудлигини кўрамыз. Бироқ, айти пайтда *-ни* аффикси, функционал монема бўлса-да, иккинчи даражалидир. Чунки мазкур аффикс *деб* орқали функция бажармоқда. Шу сабабли *деб* сўзи асосий ва серқирра функционал монема мавқеини эгаллаган. Бунинг сабаблари бор, албатта. Биринчидан, таркибида ўзи қатнашаётган синтагматик бирикма мучалари билан нафақат семантик жиҳатдан, балки синтактик нуқтаи назардан ҳам узвий боғланган; иккинчидан воқеа содир бўлишининг сабабини англатаётгани учун гапнинг умумий структураси унсурлари билан ҳам семантик мавқеига кўра алоқадордир. Ана шунинг учун у семантик ва синтактик функциялари жиҳатидан берилган гапда ўта фаол унсурлардан бирига айланган.

Юқоридагилардан ташқари, *деб /дея/* функционал монемаси ўзга /кўчирма/ гапнинг берилишида ҳам фаол қатнашади. Бу жараёнда у ўзга гапнинг синтактик тузилиши учун аҳамиятсиз бўлса-да, унинг сўзловчи шахс томонидан берилишида бирдан-бир восита саналади:

<sup>102</sup> Қаранг: Иванов С. Н. Очерки по синтаксису узбекского языка /Форма на *-ган* и её производные/. –Л., 1959. –С. 3.

1. «*Нима қилсам экан бу нодонни?*» – деб хафа бўлди /С. Анорбоев. Тўрткузнинг бошидан кечирганлари, 4/.

2. «*Яна Алимардоннинг уйига бораманми?*» – деб ўйлади Муқаддам /Ў. Ҳошимов. Баҳор қайтмайди, 20/.

3. *Эртага алоҳида хонага ўтказамиз, – дея бош врач уни тинчлантирди* /А. Абдувалиев. Бизнинг йўлимиз, 64/.

Шундай қилиб, юқорида кўриб ўтилган функционал монемалар таҳлили асосида куйидаги хулосаларни қайд этамиз:

1) кўмакчи сўзлар ва равиш /асосан пайт равиши/ аффикслар билан ифодаланган функционал монемалардан ўзларининг семантик ва синтактик таъсири доираси кенглиги билан фарқ қилади;

2) кўмакчи сўзлар функционал монемалар сифатида гапда ўз мазмуни ва синтактик ўрнига эга. Шунинг учун улар мухтор ёки қарам монемалар тарзида қўлланмайди. Мухтор ёки қарам монемалар эса бу белгига эга эмас. Масалан, *эрталаб* /равиш/ сўзи мустақил қўлланганда, албатта, функционал монема бўлади. Бироқ *бугун эрталаб* ҳолатида келса қарам монемадир;

3) аффикслар орқали ифодаланган монемалар функцияларига кўра ҳар доим фаолдир. Аммо уларнинг синтактик фаоллиги фақат бир гап доирасида ўз кучига эга. Равиш ёки равишдошнинг *деб /дея/* шакли билан ифодаланган монемалар эса баъзан бир гап доирасидан ташқари иккинчи гап унсурига ҳам семантик жиҳатдан таъсир ўтказа олади;

4) аффикслар функционал монема вазифасини белгисиз келганда ҳам бажара олади, монемаларнинг бошқа турлари эса белгисиз келмайди.



# ҚЎШМА ГАП УНСУРЛАРИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ТАҲЛИЛИ

Қўшма гапнинг икки ёки ундан ортиқ содда гапларнинг мазмунан ва грамматик қонун-қоидаларига кўра бирикувидан ташкил топиши ҳақидаги тушунча тилшунослик фанида азалдан маълум. Лекин, шундай бўлса-да, қўшма гап таркибига киритилган гапларни мустақил ҳолдаги содда гаплар билан тенглаштириб бўлмайди. Уларда коммуникатив бирлик ва тугал фикр берилиши алоҳида қўлланилган содда гапларда бўлгани сингари ифодаланмайди. Чунки фикр ифодасининг бутунлиги ва тугаллиги қўшма гапнинг умумий вазни зиммасига тушади.

Таркибий қисмларнинг тузилиши ва маъносига кўра нисбий тугаллиги кўпроқ боғланган қўшма гапларда кузатилади. Эргаш гапли қўшма гапларда эса, гарчи улар ҳам содда гаплар бирикувини тақозо этса-да, бевосита иштирокчи қисмларнинг бирини иккинчисисиз тасаввур этиш қийин. Аммо, шунга қарамасдан, боғланган ва эргаш гапли қўшма гапларнинг ҳар иккисига ҳам умумий бир ном – «қўшма гап» /термини/ қўлланилади. Мазкур атаманинг қўлланилиши айрим тилшуносларни тўлиқ қониктирса, баъзиларда ундан қоникмаслик ҳолати ҳам кузатилади. Масалан, рус тилшуноси А. М. Пешковский: «У /қўшма гап - муаллифлар/ бир неча гапни битта гап деб атагани учун ҳам англаш-<sup>103</sup>мовчиликларга сабаб бўлади», – деган эди .

Аммо, шуни алоҳида қайд этиш керакки, тилшуносликда азалдан қўлланиб келаётган «қўшма гап» терминини мақсадга мувофиқ деб бўлмайди. Чунки қўшма гап деганимизда, биринчидан, гапларнинг қўшилаётганини /бирикаётганини/ тушунсак, иккинчидан, янги мураккаб тузилишли қурилманинг ҳосил қилинишини ҳам англаймиз. Бундай мураккаб қурилма матн тушунчаси билан тенглашади.

Масаланинг иккинчи томонига, яъни қўшма гапнинг қайда-ражада ўрганилганлигига келсак, бу соҳада қарийб ҳозиргача тас-

<sup>103</sup> Пешковский А. М. Русский синтаксис в научном освещении. –М., 1956. –С. 455.

нифий усулнинг асосий мезон бўлганлигини кўрамыз. Унга кўра, кўшма гаплар тузилиши ва мазмун ифодаси жиҳатидан турларга ажратилади, уларнинг ҳар бирида кўлланилиши лозим бўлган боғловчи воситалар аниқланади.

Бирок, юқоридагилар билан бир қаторда, айтиш лозимки, сўнги йилларда ўзбек тилшунослигида кўшма гапларнинг структур синтаксис талабларига жавоб бера оладиган талқинлари ҳам вужудга кела бошлади<sup>104</sup>. Бундай ишларда кўшма гапларнинг деривацион хусусиятлари ва формал-функционал таҳлилига эътибор қаратилмоқда. Энг муҳими, уларда тил билан нутқнинг узвий боғлиқлиги ва шу билан бирга, қарама-қаршилиги назарда тутилмоқда. Мазкур ишда ҳам кўшма гаплар функционал таҳлилида ана шу нарсага асосланилади. «Кўшма гап» термини билан боғлиқ муаммо талқини эса мазкур ишнинг вазифалари жумласига кирмайди.

## 1-§. БОҒЛАНГАН КЎШМА ГАП УНСУРЛАРИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ТАҲЛИЛИ

Кўшма гап унсурларининг функционал таҳлили хусусида фикр юритилганда шунга эътибор бериш лозимки, уларда содда гаплардан фарқли равишда, алоҳида сўзлар, сўз бирикмалари ёки синтагмаларнинг синтактик фаоллашуви ҳақида эмас, балки энг аввал таркибий қисмларини ташкил этувчи гапларнинг синтактик фаоллашуви тўғрисида мулоҳаза юритмоқ даркор бўлади. Айнан шу қисмлар семантик ва синтактик хусусиятларига кўра боғланган кўшма гаплар эргаш гапли кўшма гаплардан фарқ қилади.

Одатда, боғланган кўшма гаплар тенг боғловчилар ёки шу вазифадаги бошқа воситалар орқали бириккан, бири иккинчиси-

<sup>104</sup> Қаранг: Сайфуллаева Р. Р. Ҳозирги ўзбек тилида кўшма гапларнинг формал-функционал талқини. –Тошкент, 1994; Турниязов Н. К. Синтаксическая деривация гипотаксиса в современном узбекском языке // Автореф. докт. дис. –М.,1985. Бобоев У. Н. Синтаксическая деривация придаточного предложения времени в современном узбекском языке // Канд. дис. – Алма-Ата, 1992.

га грамматик жиҳатдан тобе бўлмаган, тенг ҳуқуқли предикатив қисмлардан ташкил топган гаплар сифатида таърифланади<sup>105</sup>. Ана шунинг ўзи ҳам боғланган қўшма гаплар таркибига киритилаётган гапларнинг нисбий мустақиллигидан дарак беради. Тўғри, уларда ифодаланаётган воқеалар кетма-кетлиги ҳам кузатилади. Бошқача айтганда, мазмун нуқтаи назаридан боғланган қўшма гапнинг қисмлари бири иккинчисини талаб қилади, бири иккинчисининг асосида келиб чиқади, ҳар икки қисм ҳам умумий фикр ифодаси учун хизмат қилади<sup>106</sup>. Аммо, шундай бўлса-да, бу хилдаги семантик муносабатни нисбий тушунча сифатида талқин этиш мақсадга мувофиқ кўринади. Чунки боғланган қўшма гап қисмларининг семантик вазни нисбий мустақилликни тақозо этади. Бу қисмлар боғланган қўшма гап таркибида ўзаро муносабатда қўлланганда умумий хабар ифодаси салмоқдор бўлади.

Боғланган қўшма гаплар таркибий қисмларининг нисбий мустақиллиги, бизнингча, уларнинг синтактик шаклланиши ва фаоллашиши характери билан узвий боғлиқдир. Фикримиз исботи учун куйидаги гап қисмларининг синтактик шаклланиши ва фаоллашувига эътибор берайлик: *Баландпарвоз гапларим учун кечирасиз, лекин бу улуг бойликни яратаётган одамларнинг турмуши, маданиятини кўпроқ ўйлайдиган вақт келмадимикин, Отақўзи ака!* /О. Ёқубов. Диёнат, 328/.

Мазкур боғланган қўшма гап қисмларининг синтактик шаклланиши грамматик нуқтаи назардан бири иккинчиси билан боғлиқ эмас. Чунки уларнинг ҳар бири алоҳида туб структураларга асосланган. Демак, синтактик /грамматик/ жиҳатдан берилган қўшма гапнинг умумий шакли ҳам икки туб структура асосида вужудга келмоқда. Ана шу икки туб структура қўшма гап қисмларига улар алоҳида олинган тақдирда ҳам синтактик йўналиш ва фаоллик бера олади: *Баландпарвоз гапларим учун кечирасиз. Бу улуг бойликни яратаётган одамларнинг турмуши, маданиятини кўпроқ ўйлайдиган вақт келмадимикин, Отақўзи ака!*

<sup>105</sup> Қаранг: Фуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. -Тошкент, 1987. 163-бет.

<sup>106</sup> Қаранг: Абдурахмонов Ф. А. Қўшма гап синтаксиси. -Тошкент, 1964. 59-бет.

Бирок, шундай бўлса-да, айти пайтда воқеалар кетма-кетлиги боғланган қўшма гаплардагидек мукамал эмаслигини кузатамиз. Бунинг натижасида икки гап ўртасидаги семантик боғланиш ҳам анча кучсиз шаклланмоқда. Ана шу сабабли қўшма гапнинг синтактик шаклланиши учун зарурат туғилади. Агар боғланган қўшма гап шаклланса, таркибий қисмлар ўртасида тенг синтактик ва семантик муносабатлар ўрнатилади, эргаш гапли қўшма гап шаклланганда эса, уларнинг бири иккинчисига маъноси ва синтактик ҳолатига кўра қарам бўлади.

Юқорида келтирилган мисолда *лекин* боғловчиси воситасида боғланган қўшма гап шаклланган. Функционал таҳлил нуқтаи назаридан бу унсурнинг қўшма гапнинг бошқа унсурлари орасида алоҳида аҳамияти бор. Чунки у боғланган қўшма гапнинг таркибий қисмларини бир-бири билан муносабатга киритибгина қолмасдан, бу қисмларга қўшма гап таркибида синтактик фаоллик ҳам бермоқда. Акс ҳолда, ҳар икки гап алоҳида содда гаплар тарзида мутлақо мустақил равишда фаоллашуви мумкин эди.

Қўшма гапнинг таркибий қисмлари вазифасида келаётган содда гаплар унсурларининг функционал таҳлили жараёнида морфологик воситалар синтактик фаоллаштирувчи унсурлар сифатида алоҳида олинган сўзларга таъсир этиши ва баъзи пайтларда синтагмалар, сўз бирикмаларига ҳам бевосита тегишли бўлиши мумкинлиги эслатиб ўтилган эди. Бирок айти пайтда қўшма гап компонентларининг функционал таҳлили хусусида гапирар эканмиз, дастлаб унинг таркибий қисмларининг синтактик фаоллашуви ҳақида сўз юритишга тўғри келади. Чунки содда гапларнинг бевосита иштирокчи унсурлари сифатида уларнинг таркибий қисмлари, яъни алоҳида содда гаплар аҳамият касб этади. Шу сабабли қўшма гап компонентларининг функционал таҳлиliga киришилганда, энг аввал унинг таркибий қисмларининг синтактик фаоллашуви масаласи эътиборни жалб этади. Мазкур масала, албатта, биринчи гада қўшма гап таркибий қисмларини ўзаро бириктирувчи восита билан узвий боғланади. Бу эса, ўз навбатида, боғловчи воситани функционал монема тарзида асослаш учун имкон беради. Бирок уни одатдаги функционал монемалар жумласига киритиб бўлмайди, зотан, бундай монема алоҳида олинган бир сўзга ёки сўз бирикмасига ёхуд синтагмага эмас, балки дастлаб қўшма гап тарки-

бий қисмларига, кейин эса қўшма гапнинг умумий шаклига синтактик фаоллик бахш этади. Ана шундан келиб чиқиб, бундай монемани суперфункционал монема деб аташ мақсадга мувофиқдир. Фикр исботи учун қуйидаги мисол таҳлиliga эътибор берайлик: *Узоқ-узоқларда дўмбиралар гумбури тинмади, аммо биз уларни топа олмадик* /М. Қориев. Спитамен, 144/.

Берилган мисолда қўшма гап таркибий қисмларининг ҳар иккиси ҳам **аммо** зидлов боғловчиси воситасида синтактик фаоллик олмақда. Бундан ташқари, мазкур боғловчи қўшма гапнинг умумий синтактик шаклини воқеалантирувчи асосий морфологик восита вазифасини ҳам бажармоқда. Бу эса, шубҳасиз, унинг суперфункционал монема эканлигидан далолат беради.

Зидлов боғловчиларнинг бошқалари ҳам паратактик қурилмалар таркибида суперфункционал монема вазифасида келади ва бирининг ўрнига иккинчиси қўллана олади. Қиёсланг:

*Маликул шаробнинг ўзи ҳам ёшлигида султоннинг нодими бўлган, аммо ўн тўрт яшар бир малак важдан оралари бузилган* /О. Ёқубов. Кўҳна дунё, 4/. —... бироқ ўн тўрт яшар бир малак важдан оралари бузилган —... лекин ўн тўрт яшар бир малак важдан оралари бузилган.

Айрим нутқий муҳитларда **аммо**, **лекин**, **бироқ** боғловчилари юклама ҳамроҳлигида қўлланади:

*Эри ҳар замон Чинор қишлоққа тушиб туради-ю, лекин Онабиби югириб яйловга келгани келган* /А. Мухтор. Чинор, 13/.

*Ўз ерларига қараб солмоқчи бўлди-ю, аммо бия алангадан ҳуркиб, қир томонга олиб қочди* /А. Мухтор. Чинор, 259/.

Бундай пайтларда юклама зидлов маъносини кучайтиради ва натижада суперфункционал монеманинг синтактик фаоллигини чегаралаб қўяди. Бунинг боиси шундаки, мазкур вазиятда юклamaning ўзи суперфункционал монема функциясини бажара бошлайди ва ҳатто зидлов боғловчисининг гап таркибидан тушиб қолишига ҳам шароит яратади:

*1. Озроқ мизгиб омоқчи бўлди-ю, танасининг зирқираб оғришидан кўзи илинмади* /С. Аҳмад. Уфқ, 111/ — *Озроқ мизгиб олмоқчи бўлди-ю, лекин танасининг зирқираб оғришидан кўзи илинмади.*

деб ўрганилади<sup>107</sup>.

1. Хуллас, *Маткарим Сафоев ўз дардини унутиб Республиканинг оғир ярасини тузатиш йўллари*ни ўйларди. *Аммо бу узоққа бормади* /Ж. Шарипов. Хоразм, 25/.

2. Ҳовли ютаман дейди. *Аммо Жаннат хола ёлғизликка кўникиб қолганди* /С. Аҳмад. Уфқ, 39/.

3. *Воҳид Миробидов бугун Отақўзини уйга таклиф қилиб, куёви билан таништириб қўймоқчи эди. Лекин Аброржон негадир унамади* /О. Ёқубов. Диёнат, 65/.

Келтирилган мисолларда *аммо* ва *лекин* боғловчи сўзларининг нуқтадан кейин иккинчи гапнинг бошида қўлланганлиги, бизнингча, боғланган қўшма гап синтактик деривациясини воқеалантира олмайди. Ҳар қандай гапнинг ҳам синтактик тасарруфи бир нуқтадан иккинчи нуқтагача бўлади. Ҳатто фонетик нуқтаи назардан гапни фразага тенглаштирилганда ҳам, унинг чегараси нутқнинг икки паузаси оралиғида бўлади. Шунга кўра, нуқтадан сўнг қўлланилган мазкур сўзлар функционал монема вазифасини бажара олмайди. Бундай ҳолларда улар синтактик нуқтаи назардан эмас, балки семантик мақсадда қўлланилган бўлиб, икки гапни мазмунан боғлаш учун хизмат қилади, холос. Ана шуларга асосланиб, гапнинг мазкур унсурларини мухтор монемалар деб ва бири иккинчисидан нуқта билан ажратилган синтактик қурилмаларни иловали қурилмалар сирасига киритиш мақсадга мувофиқдир. Бундай гапларни шу боис экспрессив синтаксисда, яъни иловали ва парцеллятив қурилмалар ўрганилиши керак бўлган муҳитда таҳлил этиш лозим кўринади<sup>108</sup>. Зотан, иловали қурилмалар бири иккинчисидан нуқта орқали ажратилади, аммо мазмунига кўра боғлиқ бўлади. Мазкур семантик муносабат, сўзсиз, бирор морфологик омил ёки нутқ муҳити таъсирида воқеланади. Масалага ана шу нуқтаи назардан ёндашилгандагина, иловали

<sup>107</sup> Қаранг: Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. -Тошкент, 1966. 232-бет.

<sup>108</sup> Қаранг: Александрова О. В. Проблемы экспрессивного синтаксиса. -М., 1984. -С. 63-65; Фафоров А. А. Ҳозирги замон ўзбек тилида парцеллятив ва иловали қурилмаларнинг синтактик деривацияси// Номзод. дис. автореф. -Самарқанд, 1997.

қурилмалар доирасида икки синтактик қурилмани мазмунан бириктираётган морфологик воситалар функционал монема даражасига кўтарилиши мумкин. Бошқа ҳолларда эса, функционал монема фақат бир гап таркибида фаоллик кўрсата олади, холос.

Шундай қилиб, боғланган қўшма гап компонентларининг структур-функционал таҳлили мазкур гапнинг камида икки туб структура асосида шаклланишини кўрсатади. Унинг таркибига кирувчи гапларнинг нисбий мустақиллиги ҳар доим сезилиб туради. Бироқ, шундай бўлса ҳам, улар ўртасида семантик ва синтактик алоқа мавжудлиги учун бу таркибий қисмлар яхлитлигича олинади ва боғланган қўшма гаплар сифатида этироф этилади. Албатта, бу жараёнда боғловчи вазифасидаги морфологик воситалар диққат марказида туради. Ана шунга кўра, бу воситалар суперфункционал монемалар ҳисобланади.

Суперфункционал монемалар, аввал эслатиб ўтилганидек, оддий функционал монемалардан биринчи гада ўзларининг маълум бир гап унсурига эмас, балки қўшма гапнинг таркибий қисмларига функционал фаоллик беришига кўра ажралиб туради ва содда гап таркибида фаолият кўрсатувчи функционал монемалардан фарқ қилади. Бундан ташқари, суперфункционал монема қўшма гапнинг умумий структурасига синтактик ва семантик функция берувчи муҳим морфологик омил ҳам саналади. Яна шунини айтиш керакки, қўшма гап таркибида қўлланган суперфункционал монема жуда муҳим мантиқий-грамматик вазифани ҳам бажаради. Бошқача айтганда, алоҳида предикативлик белгиларига эга бўлган таркибий қисмлар воқеланаётган қўшма гапларнинг умумий синтактик шаклини устпредикативлик белгили мураккаб қурилма тарзида шакллантиради. Шунинг учун бундай морфологик унсурларни ёрдамчи воситалар сифатида эмас, балки қўшма гапнинг синтактик шаклини вужудга келтирувчи энг муҳим восита деб тушунмоқ даркор.

Қўшма гапнинг бошқа унсурлари эса содда гапларда бўлганидек, одатдаги мухтор, функционал ва қарам монемалар сифатида талқин этилаверади. Чунки улар қўшма гапнинг маълум бир таркибий қисми доирасидагина фаоллик кўрсатади.

## 2-§. ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП УНСУРЛАРИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ТАҲЛИЛИ

Эргаш гапли қўшма гап компонентларининг функционал таҳлили хусусида маълум бир тушунчага эга бўлмоқ учун уларнинг таркибий қисмлари характери ҳақида, ва умуман, эргаш гапли қўшма гаплар тузилиши тўғрисида етарли маълумот ҳам талаб қилинади. Зотан, эргаш гапли қўшма гаплар синтактик тузилиши, боғланган қўшма гаплардан фарқли равишда, ягона туб структура асосида вужудга келади.

Уларнинг ягона туб структура асосида шаклланишининг асосий боиси қўшма гапнинг таркибий қисмлари мазмунан ва синтактик тузилиши жиҳатидан ҳам ўзига хос белгиларга эга эканлигидадир. Бошқача айтганда, бош гап синтактик /грамматик/ ва семантик нуқтаи назардан ҳам ҳоким саналади. «Эргаш гапли қўшма гапларда гапнинг грамматик «синчи» асосини бевосита бош гап ташкил қилади»<sup>109</sup>.

Қўшма гапнинг умумий синтактик структураси ёлғиз бир фикр ифодасининг тил унсурлари воситасида синтактик жиҳатдан расмийлаштирилиши эвазига шаклланади. Бу жараёнда бош гапнинг маълум бир унсурини ёки унинг умумий мазмунини тўлдириш ва изоҳлаш учун шаклланаётган бошқа гап ёки гаплар иккинчи даражали бўлиб, бош гапга қарам бўлади<sup>110</sup>:

*Қишлоқ одамларининг тили, урф-одати ёт бўлса ҳам, гурбат чеккан мусофирларга меҳр кўрсатишиди* /А. Мухтор. Чинор, 26/.

Кўринадики, келтирилган қўшма гапнинг иккинчи қисми мазмунан ва синтактик тузилишига кўра биринчисига нисбатан анча мукамалдир. Биринчи қисм эса иккинчи қисмда феъл-кесим орқали ифодаланаётган хабарга тўсиқсизлик мазмуни қолипида қўшимча маълумот бермоқда. Аслида ёлғиз иккинчи гап

<sup>109</sup> Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент, 1995. 170-бет.

<sup>110</sup> Қаранг: Турниёзов Н. К. Ўзбек тили структурал синтаксисига кириш. – Самарканд, 1989. 54-бет.



ифодалаётган мазмун билан чегараланиш ҳам мумкин эди. Чунки кўшма гапда берилаётган хабарнинг асосий маъзи ана шу синтактик қурилмада воқеланмоқда.

Мазкур қурилма ҳам айни пайтда умумий синтактик структурага эга бўлган мураккаб ҳосилани тақозо этади. Унинг синтактик деривацияси қуйидаги туб структура асосида ташкил этилган: */Улар/ меҳр кўрсатишди.*

Эргаш гапли кўшма гапларда туб структура мазмунан аввал бир гап доирасида, кейин эса иккинчи гап компонентлари воситасида тўлдирилади ва натижада мураккаб структурали эргаш гапли кўшма гап шакли вужудга келади. Шунга кўра, эргаш гапли кўшма гап ягона туб структура асосида шаклланган синтактик қурилма саналади.

Эргаш гапли кўшма гапларнинг тобе қисмлари ҳам ўзларининг алоҳида семантик ва синтактик структураларига эга бўлади, албатта. Бироқ, шундай бўлса-да, у бош гапнинг ҳукмига тўлиқ бўйсунди. Ф. Ф. Фортунатов таъбири билан айтганда, эргаш гап ўзи-ўзи учун эмас, балки иккинчи бир гапнинг талабига кўра шаклланади ва шу тариқа тобелик функциясини қабул қилади<sup>111</sup>.

Тобе гапнинг характерли томонларидан яна бири шундаки, кўшма гапни шакллантиручи асосий морфологик омил аксарият ҳолларда унинг таркибида бўлади. Масалан, юқорида берилган мисолда *бўлмоқ* феълининг шарт шакли */бўлса/* ва ҳам сўзи ана шундай омиллардир. Бу воситалар айни пайтда тўсиқсизлик мазмуни ифодасини бермоқда. Шунинг учун уларни эргаш гапли кўшма гапнинг шу турида қўлланилиши мумкин бўлган бошқа морфологик воситалар билан алмаштирса бўлади. Қиёсланг:

*Қишлоқ одамларининг тили, урф-одати ёт бўлса ҳам, ... — ... ёт бўлишига қарамай, ... — ... ёт бўлса-да, ... — ... ёт бўлсин-бўлмасин, ... — ... ёт бўлса ҳамки, ... — ... ёт бўлмасин, ... — ... ёт бўлгани билан ... .*

Эслатиб ўтилган морфологик воситаларнинг қайси бири ишлатилишидан қатъи назар, тўсиқсизлик маъноси билан боғлиқ бўлган эргаш гапли кўшма гап ҳосил бўлади. Демак, тўсиқсиз эргаш гапли кўшма гапнинг синтактик фаоллиги ва шаклланиши

<sup>111</sup> Қаранг: Фортунатов Ф. Ф. Избранные труды. ч. I. –М., 1956. –С. 188.

ана шулар билан узвий боғлиқ. Шунга кўра, бу унсурларнинг ҳар бири эргаш гапли кўшма гапнинг шу туридаги суперфункционал монема ҳисобланади.

Суперфункционал монема асосан эргаш гапнинг таркибида қатнашади (*-ки* боғловчиси бундан истисно) ва шунинг учун энг аввал ана шу гапни синтактик жиҳатдан номуस्ताқил ҳолатга келтириб, унга кўшма гап таркибида келиши учун функционал фаоллик беради. Шундан сўнг мазкур гапни мазмунан ва синтактик нуқтаи назардан бош гап билан боғлайди. Бундан ташқари, у бош гап мустақиллигини ҳам нисбатан чегаралаб қўяди ва кўшма гапнинг умумий синтактик структурасини вужудга келтиради. Бундай ҳолат, айниқса, эргаш гапли кўшма гапнинг нисбий олмош иштирокидаги турларида янада аниқроқ кўзга ташланади:

**1. Ақл ва виждоним қайси йўлга бошласа, ўша йўлга қираман!** /Ойбек. Нур кидириб, 13/.

**2. Уста Қамбарнинг ўн олти ёшлик синглиси шундай гўзал ва чевар қиз эдики, унинг таърифи Ойкўлдан ошиб, кўктошликларга ҳам маълум бўлган эди** ЛП. Қодиров. Қора кўзлар, 70/.

Аввал таҳлил этилган кўшма гапларда суперфункционал монемалар икки ёки ундан ортиқ /мас.: бўлса – ҳам + ки/ таркибий қисмлардан иборат бўлса-да, уларни алоҳида нутқ парчалари сифатида яхлитлигича тасаввур этиш имконияти мавжуд эди. Бундай ҳолат пайт, сабаб, шарт, мақсад, равиш эргаш гаплар таркибида қўлланадиган суперфункционал монемалар мисолида ҳам кузатилади. Лекин кейинги келтирилган мисолларда бу имконият йўқ. Чунки нисбий олмош билан шарт феъли шакли /қайси - бошласа/ ёки нисбий олмош билан боғловчи воситалар /шундай - ки/ нутқ парчалари сифатида алоҳида синтактик ўринларда берилмоқда. Шунга кўра, бундай морфологик омилларни алоҳида суперфункционал монемалар тарзида талқин этиш мақсадга мувофиқдир. Бош гап таркибидаги мазмуни аниқланаётган, изоҳланаётган ёки тўлдириляётган сўзлар эса /мас., у, ўша, ўшанинг, унинг, шунинг, ўшани, уни, шуни ва ҳ. к. / одатдаги функционал монемаларни тақозо этади:

**1. Кимки нормасини бажармай хусусий пичанга зўр берса, тоmidан олиб совхозникига қўшаверамиз** ЛП. Қодиров. Қора кўзлар, 74/.

2. *Энг бой хазина кимники бўлса, ўша каттакон мукофот олади* /Шарқ эртаклари, 291/.

3. – *Майли ким нима билан хурсанд бўлса, шуни қилсин* /Л. Кодиров. Қора кўзлар, 167/.

Суперфункционал монеманинг бир гап таркибида иккита морфологик омил иштирокида алоҳида функционал монемалар сифатида берилиши, биринчидан, тобе гап структурасини синтактик ва семантик жиҳатлардан тугалланмаган очиқ ҳолатга келтирса, иккинчидан, эргаш гапли қўшма гапнинг таркибий қисмлари муносабатини бир-бири билан янада кучлироқ боғлайди.

Эргаш гапли қўшма гаплар таркибида қўлланилган суперфункционал монемалар баъзан яхлитлигича олиниши, баъзан эса қисмларга бўлиниб, алоҳида монемалар саналишидан қатъи назар, улар тобе гап кесимига ва у орқали тўлигича эргаш гапга мустақил қўлланиш имкониятини бермайди. Бу жиҳатдан эргаш гапли қўшма гаплар боғланган қўшма гаплардан тубдан фарқ қилади. Шунинг учун бундай суперфункционал монемалар гап таркибидан туширилиб қолдирилса, эргаш гапли қўшма гапнинг умумий синтактик структураси тугатилиб, нисбий мустақилликка эга бўлган бош гап қолади, холос.

Юқоридагилардан ташқари, яна бир нарсани эслатиб ўтиш лозимки, унга кўра айрим морфологик воситалар иштирокидаги гаплар эргаш гапли қўшма гап билан боғланган қўшма гап синтактик шаклланиши усуллари бир мулча яқинлашади. Масалан, одатда аниқловчи эргаш гапнинг махсус тури<sup>112</sup> деб аталувчи *деган* сифатдош шакли иштирокидаги қўшма гаплар ана шундай хусусиятга эга. Фикримиз исботи учун қуйидаги мисоллар таҳлилга эътибор берайлик:

1. *У ундай деди, бу бундай деди. Отаси хоҳламаётган эмиш, деган гаплар юрибди* /М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча, 123/.

2. *Эгри озади, тўгри ўзади, деган сўз бор* /Ойбек. Улуғ йўл, 51/.

Агар эътибор берилса, келтирилган мисолларда бош гап

<sup>112</sup> Қаранг: Абдурахмонов Ф. А. Қўшма гап синтаксиси. –Тошкент, 1964. 134-бет.

билан эргаш гап ўртасидаги синтактик ва семантик муносабат ёлғиз *деган* сўзи орқали ўрнатилмоқда. Мазкур сўз гап таркибидан олиб ташланса, тобе гапнинг ҳоким гапга нисбатан мустақилроқ ҳолатга кириши кузатилади. Қиёсланг: *Отаси хоҳламаётган эмиш. — Гаплар юрибди. — Эгри озади, тўғри ўзади. — Сўз бор.*

Кўринадики, бош гаплар /Гаплар юрибди. Сўз бор. / синтактик жиҳатдан беками-кўст бўлса-да, маъно жиҳатдан изоҳталаб гапларга айланади. Лекин, умуман олганда, бош гапларнинг мустақиллиги сақланади. Чунки *деган* сўзи одатда, ўз синтактик функциясига кўра икки мустақил гапни бир бири билан боғлайди ва бу жараёнда биринчи гап иккинчисига мантиқан ва формалграмматик нуқтаи назардан бўйсунди<sup>113</sup>. Шунинг учун *деган* сўзи суперфункционал монема саналади ва бириктирувчи боғловчилар сингари икки гапнинг оралиғидан жой олади.

*Деган* сўзининг ўзига хос томонларидан бири яна шунда намоён бўладики, у тобе гапнинг на синтактик на семантик қурилишига ҳеч қандай таъсир қилмасдан, уни фақат функциясига кўра қарам гапга айлантиради. Бу эса, ўз навбавтида, мазкур сўзнинг функционал фаоллигини янада оширади.

Бу сингари функционал фаоллик эргаш гапли кўшма гапнинг таркибида қўлланиладиган бошқа айрим морфологик воситаларда ҳам кузатилади. Масалан, *деб* /равишдош/ ва *-ки* /боғловчи/ воситалари бунга мисол бўлиши мумкин.

1. *Шу сабабли акаси хижолат бўлмасин деб, Абутолибнинг мустақил иш тутаяётганига уста монелик кўрсатмади* /Мирмуҳсин. Меъмор, 56/.

2. *Қандай бахтки, ота-онанг бошингда, севган ёринг қошингда!* /М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча, 25/.

3. *— Энг катта талабимиз шуки,, бизнинг қишлоғимиз ҳам бутун камчиликлардан қутулиб, энг яхши жойлар қаторига кирса ...* /П. Қодиров. Қора кўзлар, 204/.

Берилган мисолларда суперфункционал монемалар сифатида қўлланилган *деб* равишдоши ва *-ки* боғловчиси тобе гаплар би-

<sup>113</sup> Қаранг: Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. —М., -Л., 1960. —С. 331.

лан ҳоким гапларнинг семантик ва синтактик муносабатларини ўрнатишда асосий восита тарзида қатнашмоқда. Масалан, гап таркибида уларни йўқ деб фараз қилинса, мутлақо мустақил жумлалар қолади. Қиёсланг:

*Акаси хижолат бўлмасин. Шу сабабли Абутолибнинг мустақил иш тутаётганига уста монелик кўрсатмади.*

*2. Қандай бахт! Ота-онананг бошингда, севган ёринг қошингда!*

*3. Бизнинг қишлоғимиз ҳам бутун камчиликлардан қутулиб, энг яхши жойлар қаторига кирса ... Энг катта талабимиз – шу.*

Бироқ ана шу мустақил гапларни қўшма гап доирасида бирлаштириш учун маълум морфологик воситаларга эҳтиёж туғилади ва шу сабабли гап таркибига синтагматик занжир талабига кўра<sup>114</sup> янгидан киритилаётган морфологик воситалар қўшма гапнинг энг муҳим унсурлари бўлиб қолади. Улар қўшма гапларнинг нафақат синтактик шаклларини, балки қисмлари ўртасидаги семантик муносабатларни ҳам таъминлайди. Ана шу жараёнда тобе гап тўлдирувчи, аниқловчи, эга, кесим, пайт, сабаб ва ҳоказо функцияларини олиб, бош гап мазмунини, тўғрироғи, бош гапнинг туб структураси мазмунини кенгайтиради. Юқорида келтирилган гапларга ана шу нуқтаи назардан ёндашилса, уларни сабаб, аниқловчи ва кесим эргаш гапли қўшма гаплар тарзида талқин этиш мумкин.

Шундай қилиб, эргаш гапли қўшма гап структураси ташкил этилишининг асосий омили ҳам суперфункционал монема /монемалар/ эканлигини кўрамайз. Эргаш гапли қўшма гапнинг қайси бир тури эътиборда бўлишидан қатъи назар, унинг синтактик шакли ёки семантик вазнининг бир бутун ҳолда тасаввур этилиши ана шу суперфункционал монема билан узвий боғлиқдир.

<sup>114</sup> Қаранг: Бердиалиев А. Эргаш гапли қўшма гап конструкцияларида семантик-сигнификатив парадигматика. – Тошкент, 1989. 98-бет.

## ХУЛОСА

Ҳозиргача мавжуд лингвистик тадқиқотларда синтактик муаммолар кун тартибининг долзарб масалаларидан бири бўлиб келди. Бу жаҳон тилшунослигида ҳам, шу жумладан ўзбек тилшунослигида ҳам кузатилади. Лекин, синтактик муаммолар, асосан, мустақил сўзлар замирида талқин этилиб келинди. Масалан, от туркумидаги сўзларнинг гапда эга, тўлдирувчи бўлиб, феълнинг кесим вазифасида келиши ва ҳ. к. Бу, ўз навбатида, синтаксисга оид тадқиқотларда ҳозиргача морфологик қонун-қоидалар устувор аҳамиятга эга бўлиб келаётганидан далолат беради. Дарҳақиқат, сўз бирикмалари тадқиқида ҳам, гап тадқиқида ҳам асосий текширув объекти мустақил сўз саналади.

Тилшунослигимизда сўз бирикмалари таҳлилида ҳоким ва тобе сўзларни, гапда эса унинг бош ва иккинчи даражали бўлақларини белгилаш анъанага айланиб қолди. Бу эса замон тараққиёти билан /фан-техникадаги прогресс билан/ боғлиқ бўлган талабларга тўлиқ жавоб бера олмаяпти, зотан, синтактик тадқиқотларнинг асосий вазифаси синтактик қурилмаларнинг қайтарзда шаклланиши ва бу жараёнда синтактик вазифа бажарувчи тилнинг ва нутқнинг ҳар бир унсурини ўрганишдан иборат бўлмоғи лозим.

Ана шу нуқтан назардан нафақат мустақил сўзлар, балки тилнинг энг кичик воситалари ҳам /масалан, аффикслар/ жуда муҳим аҳамият касб этади. Функционал монемалар характерини ўрганишда бунинг гувоҳи бўлдик.

Мустақил сўзлар аксарият ҳолларда тилдан нутққа кўчирилиши жараёнида аффиксларнинг ёрдамига муҳтож бўлиши табиийдир. Аффикснинг функционал қиймати юқори эканлиги шунда кўринадики, у қарам монемаларга функция берибгина қолмай, бир пайтнинг ўзида ўзини ҳам функционал вазифа билан таъминлай олади.

Тилнинг ана шундай функционал фаол унсурлари жумласига кўмакчи, *-ган* аффиксли сифатдош шакли ва баъзи пайт ра-

вишлари ҳам киради. Бироқ мазкур унсурларнинг аффиксга нисбатан синтактик таъсир доираси кенг эканлигини алоҳида таъкидлаш даркор, зотан, улар функционал монема сифатида синтагматик занжир сатҳида бирикма тарзидаги қурилмалар синтактик деривациясини ташкил эта олади.

Функционал монемаларнинг синтактик таъсири доираси янада кенгайиши қўшма гап шаклланишида кузатилади. Шунинг учун бундай монемаларни суперфункционал монема деб аташ ҳар томонлама мақсадга мувофиқдир. Улар жумласига тенг ва эргаштирувчи боғловчиларни ва қўшма гап синтактик деривациясини ташкил этувчи тилнинг турли унсурларини киритиш мумкин: боғловчи вазифасидаги сўзлар, баъзи юкламалар, нисбий олмошлар, феълнинг функционал шаклларини ясовчи аффикслар, шарт феълнинг –са қўшимчаси ва бошқа айрим воситалар.

Функционал синтаксисда мухтор /автоном/ монема ҳам ўзига хос мавқега эгадир. Бундай монема гапнинг бошқа унсурларига синтактик фаоллик ва функционал қиймат бахш эта олмаса-да, у ўзини-ўзи тилдан нутққа кўчириб, ўзига-ўзи функционал салмоқ бера олади. Мазкур монема вазифасида кўпроқ, мустақил сўз, кириш сўз ҳамда кириш бирикмалар келади.

Монема қайси турга мансублигидан қатъи назар, нутқнинг минимал парчаси саналади. Нутқ учун, унинг беками кўст воқеланиши учун мухтор монемалар ҳам, функционал ва қарам монемалар ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Асосини «монема» тушунчаси ташкил этувчи функционал таҳлил ўзининг мантиқ қоидалари исканжасида эмаслиги билан, соф синтактик мақсадларни кўзда тутиши билан характерланади. Шу боис унинг гап структурасини ташкил этувчи сўзларнинг ўзаро синтактик алоқасини, ҳар бир сўзнинг тилдан нутққа кўчирилишини ҳамда уларнинг функционал қийматини белгилашда одатдаги таҳлил усулларида уствор жиҳатлари қўплиги изоҳ талаб қилмайди.

# ФОЙДАЛАНИЛГАН ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- Абдуллаев К. М. Проблемы синтаксиса простого предложения в азербайджанском языке. – Баку: Элм, 1983. 108 с.
- Абдурахмонов Ф. А. Кўшма гап синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1964. 245 б.
- Абдурахманов Г. А. Синтаксис осложненного предложения (к некоторым спорным вопросам синтаксиса тюркских языков) // Структура и история тюркских языков. –М. : Наука, 1971. 311 с.
- Александрова О. В. Проблемы экспрессивного синтаксиса. –М: Высшая школа, 1984. 202 с.
- Аругюнова Н. Д. Предложение и его смысл. –М. : Наука, 1976. 383 с.
- Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. – М. : Иностранная литература, 1955. 416 с.
- Бархударов Л. С. Структура простого предложения современного английского языка. –М. : Высшая школа, 1966. 199 с.
- Бенвенист Э. Общая лингвистика. –М. : Прогресс, 1974. 446 с.
- Бердиалиев А. Эргаш гапли кўшма гап конструкцияларида сёмантик-сигнификатив парадигматика. –Тошкент: Фан, 1989. 100 б.
- Бобоев У. Н. Синтаксическая деривация придаточного предложения времени в современном узбекском языке (в сопоставлении с французским языком) // Автореф. канд. дис. –Алма-ата, 1992.
- Блумфилд Л. Язык. –М. : Прогресс, 1968. 606 с.
- Будагов Р. А. Введение в науку о языке. –М. : Просвещение, 1965. 491 с.
- Бўронов Ж. Б. Инглиз ва ўзбек тиллари қисий грамматикаси. – Тошкент: 1973. 272 б.
- Веднина Л. Г. Функциональное направление в современном зарубежном языкознании // Вопросы языкознания. 1978. №6.–С. 74-84.
- Виноградов В. В. Исследования по русской грамматике. Избранные труды. –М. : Наука, 1975. 588 с.



- Гак В. Г. Актуальное членение и лексико-грамматическая структура предложения // Русский язык за рубежом. 1968. №3.–С. 70-74.
- Гак В. Г. Высказывание и ситуация // Проблемы структурной лингвистики – 1972. –М. : Наука, 1973. 485 с.
- Гумбольдт В. ф. Избранные труды по языкознанию. –М. : Прогресс, 1964. 396 с.
- Дилячар А. Заметки о синтаксисе и грамматических функциях в турецком языке // Turcologica. –Л. : Наука, 1976. 358 с.
- Дрошевский В. Элементы лексикологии и семиотики. –М. : Прогресс, 1973. 268 с.
- Звегинцев В. А. Язык и лингвистическая теория. –М. : Изд-во МГУ, 1973. 246 с.
- Золотова Г. А. Очерк функционального синтаксиса русского языка. –М. : Наука, 1973. 351 с.
- Иванов С. Н. Очерк по синтаксису узбекского языка /форма на ган и её производные/. –Л. : Изд-во ЛГУ, 1959. 150 с.
- Илия Л. И. Очерки по грамматике современного французского языка. –М. : Высшая школа, 1971. 176 с.
- Кацнельсон С. Д. О понятии уровня в современном языкознании // Тезисы докл. на дискуссии о проблеме системности в языке. –М., 1962. –С. 5.
- Кодухов В. И. Введение в языкознание. –М. : Просвещение, 1979. 350 с.
- Коклянова А. А. Глагольные словосочетания в узбекском языке /Исследование по синтаксису тюркских языков/. –М. : Восточная литература, 1962. 219 с.
- Колшанский Г. В., Крылова Н. П. Нулевая морфологическая форма и её использование в синтаксических конструкциях немецкого языка // Philologica. –Л. : Наука, 1973. 436 с.
- Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. –М. -Л. : Изд-во АН, 1960. 445 с.
- Крушельницкая К. Г. К вопросу о смысловом членении предложения // Вопросы языкознания. № 5, 1956.
- Маковский М. М. Проблемы лингвистической комбинаторики// Вопросы языкознания. № 3, 1985.

- Маматов М. Ш. Вторичный предикат в определительных конструкциях с показателем относительной связи // Советская тюркология. № 4, 1990.
- Мартине А. Основы общей лингвистики // Новое в лингвистике. Вып. 3. -М. : Иностранная литература, 1963. 586 с.
- Матезиус В. О так называемом актуальном членении // Пражский лингвистический кружок. -М., Прогресс, 1967. 559 с.
- Махмудов Н. М. Семантико-синтаксическая асимметрия в простом предложении узбекского языка // Автореф. докт. дис. -Ташкент, 1984. 45 с.
- Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. -Тошкент: Фан, 1995.
- Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. -Тошкент: Ўқитувчи, 1966. 162 б.
- Москальская С. И. Проблемы системного описания синтаксиса. -М. : Высшая школа, 1981. 173 с.
- Оралбаева Н. Аналитизм в грамматическом строе тюркских языков// Тюркское языкознание. -Ташкент: Фан, 1983. 451 с. -С. 163-167//.
- Падучева Е. В. О семантике синтаксиса. -М. : Наука, 1974. 191 с.
- Пешковский М. А. Русский синтаксис в научном освещении.-М. : Учпедгиз, 1956. 203 с.
- Распопов И. П. Актуальное членение и коммуникативно-синтаксические типы повествовательных предложений в русском языке // Автореф. докт. дис. -Уфа, 1964.
- Реформатский А. А. Фонологические этюды. -М. : Наука, 1975. 132 с.
- Рустамов А. Сўз хусусида сўз. -Тошкент: Ёш гвардия, 1987. 155 б.
- Сайфуллаев А. Р. Семантико-грамматические особенности членов предложения в современном узбекском языке. -Ташкент: Фан, 1984. 125 с.
- Сайфуллаев А. Р. Семантика и грамматика членов предложения в современном узбекском языке // Автореф. докт. дис. -Ташкент, 2001.
- Сайфуллаева Р. Р. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма гапларнинг формал-функционал таҳлили. -Тошкент: Фан, 1994.
- Слюсарева Н. А. Теория Ф. де Соссюра в свете современной

- лингвистики. –М. : Наука, 1975. 110 с.
- Слюсарева Н. А. Проблемы функционального синтаксиса современного английского языка. –М. : Наука, 1881. 205 с.
- Слюсарева Н. А. Об английском функционализме М. А. К. Хэллидия // Вопросы языкознания. 1987. № 5. –С. 127-136.
- Сова Л. З. Аналитическая лингвистика. –М. : Наука, 1970. 253 с.
- Солнцев В. М. Язык как системно-структурное образование. –М. : Наука, 1971. 292 с.
- Сосюр Ф. де. Труды по языкознанию. –М. : Прогресс, 1977. 695 с.
- Степанов Г. В. Типология языковых состояний и ситуаций в странах романской речи. –М. : Наука, 1976. 223 с.
- Степанова А. Н. Об актуализации и референции лингвистического знака // Иностранные языки в школе. 1985, № 1. –С. 15-17.
- Тенишев Э. Р. Строй саларского языка. –М. : Наука, 1976. 575 с.
- Трубецкой Н. С. Основы фонологии. –М. : Иностранная литература, 1960. 371 с.
- Турниязов Н. К. Синтаксическая деривация гипотаксиса в современном узбекском языке // Автореф. докт. дис. –М., 1985.
- Турниёзов Н. Қ. Ўзбек тили структурал синтаксисига кириш. –Самарқанд: СамДУ нашри, 1989. 75 б.
- Турниёзов Н. Қ., Турниёзова К. А. Функционал таҳлил // Мактабда ўзбек, рус тиллари ва адабиёти. 1991, № 4, 15-20-б.
- Турниёзов Н. Тил унсурларининг микросинтагматик муносабатлари // Ўзбек тили ва адабиёти. № 5, 1990.
- Фиш Р. Жалолиддин Румий. –Тошкент: Ф. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1966. 228 б.
- Фортунатов Ф. Ф. Сравнительное языкознание. Общий курс// Избранные труды. Т. 1. –М. : Учпедгиз,1956. 450 с.
- Чейф У. Л. Значение и структура языка. –М. : Прогресс, 1975. 431 с.
- Шербак А. М. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков /Глагол /. –Л. : Наука,1981: 182 с.
- Шутова Е. И. Вопросы теории синтаксиса. –М. : Наука,1981. 261 с.

- Ўзбек тили грамматикаси. 2-жилд. Синтаксис. –Тошкент: Фан, 1976. 559 б.
- Ғаффоров А. А. Ҳозирги ўзбек тилида парцеллятив ва иловали курилмаларнинг синтактик деривацияси //Номзод. дис. автореферати. –Самарқанд, 1997.
- Ғулломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. -Тошкент: Ўқитувчи, 1987. 255 б.
- Ҳожиев А. Сўз ясалиши ва лексика// Ўзбек адабий тилининг таракқиёти, 3-жилд. –Тошкент: Фан, 1991. 185 б.
- Ҳозирги замон ўзбек адабий тили, 2-жилд. –Тошкент: Фан, 1976. 504 б.
- Martinet A. Eléments de linguistique générale. – Paris, 1961, 216 p.
- Martinet A. Langue et fonction. –Paris, 1969, 196 p.
- Tesnière L. Eléments de syntaxe structurale. –Paris, 1959, 670 p.

## БАДИЙ АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- Абдувалиев А. Бизнинг йўлимиз. –Тошкент: Ёш гвардия, 1985.
- Абдулла С. Мавлоно Муқимий. –Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1966. 442 б.
- Анорбоев С. Мунавварнинг тақдири. –Тошкент: Ёш гвардия, 1971. 235 б.
- Анорбоев С. Тўрткўзнинг бошидан кечирганлари. –Тошкент: Ёш гвардия, 1978. 120 б.
- Ашуров Т. Андижон хангомалари. –Тошкент: Ф. Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. 103 б.
- Аҳмад С. Уфқ. –Тошкент: Ф. Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1970. 436 б.
- Ёқубов О. Биллур қандиллар. - Тошкент: Ф. Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. 215 б.
- Ёқубов О. Диёнат. – Тошкент: Ф. Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. 350 б.
- Ёқубов О. Кўҳна дунё. –Тошкент: Ф. Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. 336 б.
- Жумуназаров С. Ирода. –Тошкент: Ёш гвардия, 1979. 50 б.
- Икромов К. Ўқчи кўчаси. –Тошкент: Ёш гвардия, 1971. 222 б.
- Исмоилий М. Фарғона тонг отунча. –Тошкент: Ф. Ғуллом номи-

- даги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. 407 б.
- Кароматов С. Сўнги бархан. -Тошкент: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. 351 б.
- Карим М. Хаёл куши. -Тошкент: Ёш гвардия, 1954. 136 б.
- Мирмуҳсин. Умид. -Тошкент: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1969. 343 б.
- Мирмуҳсин. Меъмор. -Тошкент: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. 373 б.
- Мирмуҳсин. Темур Малик. -Тошкент: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. 441 б.
- Мухтор А. Чинор. -Тошкент: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1969. 389 б.
- Мухтор А. Бухоронинг жинкўчалари. -Тошкент: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. 142 б.
- Нурий Д. Осмон устуни. -Тошкент: Ёш гвардия, 1979. 270 б.
- Ойбек. Покистон таассуротлари. -Тошкент: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. 551 б.
- Ойбек. Нур қидириб. -Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. 244 б.
- Осим М. Аждодларимиз фожиаси. -Тошкент: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. 270 б.
- Пўлат Т. Ичкўёв. -Тошкент: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. 181 б.
- Сафаров Н. Наврўз. -Тошкент: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. 381 б.
- Сиёев С. Саратонда қор ёғди. -Тошкент: Ёш гвардия, 1985.
- Султонов Х. Бир оқшом эртаги. -Тошкент: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. 205 б.
- Тўхтабоев Х. Йиллар ва йўллар. -Тошкент: Ёш гвардия, 1983. 366 б.
- Умарбеков Ў. Одам бўлиш қийин. Сайланма асарлар. -Тошкент: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. 3-186 б.
- Умарбеков Ў. Ёз ёмғири. Сайланма асарлар. -Тошкент: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. 187-326 б.
- Усмонов Ў. Гирдоб. -Тошкент: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. 302 б.

- Усмонов Ў. Сирли соҳил. –Тошкент: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. 332 б.
- Файзиёв Р. Ҳазрати инсон. – Тошкент: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. 495 б.
- Фозилов Н. Шоирнинг бахти. –Тошкент: Ёш гвардия, 1985.
- Шамширов Й. Ворислар. –Тошкент: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. 333 б.
- Шамс Х. Танланган асарлар. –Тошкент: Бадий адабиёт нашриёти, 1959. 481 б.
- Шарипов Ж. Хоразм. –Тошкент: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. 340 б.
- Шарипов Ж. Бу йўлда хато қилма. –Тошкент: Ёш гвардия, 1983. 69 б.
- Шарқ эртақлари. –Тошкент: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. 298 б.
- Шухрат. Олтин зангламас. –Тошкент: Бадий адабиёт нашриёти, 1965. 379 б.
- Шухрат. Жаннат қидирганлар. –Тошкент: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1968. 378 б.
- Яшин. Ҳамза. –Тошкент: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. 615 б.
- Қобул Н. Каптарлар қайтмаган кун. –Тошкент: Ёш гвардия, 1984. 236 б.
- Қобул Н. Овчи. –Тошкент: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.
- Қодирий А. Ўтган кунлар. –Тошкент: Давлат бадий адабиёт нашриёти, 1958. 373 б.
- Қодирий Х. Отам ҳақида. –Тошкент: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. 223 б.
- Қодиров П. Қора кўзлар. –Тошкент: Бадий адабиёт нашриёти, 1966. 291 б.
- Қодиров П. Мерос. –Тошкент: Ёш гвардия, 1983. 174 б.
- Қодиров П. Юлдузли тунлар. –Тошкент: Ф. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. 495 б.
- Қодиров П. Қадрим. –Тошкент: Давлат бадий адабиёт нашриёти, 1962. 131 б.

- Қодиров П. Авлодлар довони. –Тошкент: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. 542 б.
- Қориев М. Қиз узатиб борганда. –Тошкент: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. 95 б.
- Қориев М. Афросиёб гўзали. –Тошкент: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. 363 б.
- Қориев М. Спитамен. –Тошкент: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. 260 б.
- Ғафуров В. Сўнги пушаймон. –Тошкент: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. 93-124 б.
- Фулом Х. Машъал. –Тошкент: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1970. 583 б.
- Фулом Х. Тошкентликлар. –Тошкент: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. 383 б.
- Фулом Х. Мангулик. –Тошкент: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982.
- Фуломов Ш. Тоза ҳаво. –Тошкент: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. 211 б.
- Ҳошимов Ў. Баҳор қайтмайди. –Тошкент: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1970. 199 б.
- Ҳошимов Ў. Қалбинга қулоқ сол. –Тошкент: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. 207 б.
- Ҳошимов Ў. Нур борки, соя бор. –Тошкент: Ёш гвардия, 1981. 217 б.
- Ҳошимов Ў. Дунёнинг ишлари. –Тошкент: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. 223 б.
- Ҳусанов О. Тақилмаган узук. –Тошкент: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. 338 б.